



Кенг кўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Ал-Ваъй



## Ал-Ваъй сўзи

**Ливаннинг муваффақиятсизлик-  
ка учрашида биринчи навбатда  
Франция айбдор, Макрон эса,  
барча жиноятлари учун жавоб  
бериши лозим...**

**Ливанни Ислом юртларининг  
бир қисми сифатида асл ҳолатига  
қайтариб, халқини Ислом  
билан бошқаришгина  
ҳақиқий ечимдир**



Ҳазоратлар тўқнашуви!  
Ислом ҳазоратини ҳимоя  
қилиш зарурати (2)

Исломнинг ғариблиги,  
унинг янгиланиши ва  
Ҳизб ут-Таҳрир (1)

Ҳуд сураси мени  
қаритди...



412

Ўттиз бешинчи  
йил чиқиши

Жумудулаввал 1442х  
Январ 2021м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Ушбу сонда

- Ливаннинг муваффақиятсизликка учрашида биринчи навбатда Франция айбдор, Макрон эса, барча жиноятлари учун жавоб бериши лозим... Ливанни Ислом юртларининг бир қисми сифатида асл ҳолатига қайтариб, халқини Ислом билан бошқаришгина ҳақиқий ечимдир..... 3
- Ҳазоратлар тўқнашуви! Ислом ҳазоратини ҳимоя қилиш зарурати (2) .... 11
- Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг яроқсизлиги (2)..... 24
- Исломнинг ғариблиги, унинг янгиланиши ва Ҳизб ут-Таҳрир (1) ..... 37
- Ҳуд сураси мени қаритди... ..... 48
- **Олам муслмонлари хабарлари .... 63**
- **Қуръони Карим суҳбатида ..... 69**
- **Жаннат боғлари:** Росулulloҳ ﷺнинг пайғамбарлик даври олдинги пайғамбарлар давридан оғир эди..... 75
- **Сўнги сўз:** Саудия узоқ йиллик исломий сақофий тарихни ўчиришга ва уни узилган миллий тарихга алмаштиришга ҳаракат қилмоқда..... 79
- Мазови Рошид: Ибн Салмон сарой ичида ўлдирилишидан қўрқади ..... 80



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**ЛИВАННИНГ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА УЧРАШИДА  
БИРИНЧИ НАВБАТДА ФРАНЦИЯ АЙБДОР, МАКРОН ЭСА,  
БАРЧА ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБ БЕРИШИ ЛОЗИМ...**

**ЛИВАННИ ИСЛОМ ЮРТЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИ СИФАТИДА  
АСЛ ҲОЛАТИГА ҚАЙТАРИБ, ХАЛҚИНИ ИСЛОМ БИЛАН  
БОШҚАРИШГИНА ҲАҚИҚИЙ ЕЧИМДИР**

Ливан Франция мандати остида бўлган даврда, аниқроғи, 1920 йил сентябрь ойида Франция мандати олий комиссари Анри Жозеф Гуро Санавбар саройида туриб, буюк Ливан давлати ташкил топганини билдирди. Бу давлат қирғоқ бўйидаги шаҳарларни, шимолий ҳудудларни, Бекаа водийсини ва Шарқий Ливан тоғ этакларини Шом ерларидан ажратиб, уларни тоғли Ливан ҳудудига қўшиб олгани учун буюк Ливан деб номланиб қолди. Бу – биринчи жаҳон уруши ортидан «Исломий давлат» ерларини бўлиб ташлашга қаратилган Франция ва Британия етакчилигидаги янги мустамлакачилик лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Бунда Сайкс-Пико шартномаси асос вазифасини ўтади. Зеро, ташқи кучлар раҳнамолигида Фаластин вайроналари узра босқинчи яҳудий вужудининг ташкил топишида ҳам шу шартнома қўл келди.

Янги ташкил этилган Ливан давлати фуқаролари ушбу юрт ҳақидаги қарашлари ҳар-хил бўлган турли жамоа ва тоифалардан иборат эди. Уларнинг энг кўзга кўринганлари Маронит насронийлари бўлган. Маронит насронийларининг асосий мақсади ўзларини устидан ҳукмронлик қилиб турган исломий муҳитдан халос бўлиш, французларнинг ҳимоясини қўлга киритиш ҳамда исломий тузумдан узоқлашиб, французча турмуш тарзига эришиш эди. Улардан кейинги таниқли жамоани суннийлар ташкил қилган. Суннийлар «Исломий давлат»дан ажралиб чиқишга – бу нарса диний ҳукмларга зид келгани боис – қарши эдилар. Зеро, айни мана шу дин уларни бошқа муслмонлар билан бирлаштириб, битта уммат қилиб турди ҳамда давлатларини ҳам битта ҳолатда сақлаб келди. Бундан ташқари, янги давлат христианлик хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, сунний муслмонлар қадимий, кўҳна бўлган Ислом Умматининг аъзолари бўла туриб, озчилик бўлиб яшашни хоҳламас эдилар. Буюк Ливандаги энг таниқли учинчи жамоа друзлар (шиа мазҳабининг Исмоилийлар гуруҳи) эди. Друзлар ва маронитлар йўқ бўлиб кетиш арафасида эдилар. Шундай қилиб,

Ливан озгина ҳаракат ортидан ҳамда ташқи кучларнинг очик аралашуви ва ёлғон ваъдалари билан қарама-қаршиликларга асосланган «суверен» давлатга айланди. Бу – француз мустамлакачилигининг янги шакли эди.

Ливандаги энг кулгили ва фожиали қарама-қаршиликлардан бири шундаки, фуқароларнинг бир қисми ҳанузгача мустақилликни қоралаб, унинг тарафдорларини француз мустамлакачилигининг малайлари деб биладилар. Шунингдек, улар «(Ливаннинг ифтихори саналган) кедр дарахтларининг ҳеч қандай муқаддаслиги йўқ» деб ҳисоблаб, уни гулқарам билан тенглаштирадилар ҳамда ўз динларида фақат Аллоҳ ва У белгилаган нарсаларгина муқаддас, деб биладилар. Бунинг акси ўлароқ, баъзи фуқаролар сидр дарахтларини муқаддас деб ҳисоблаб, уни «тангрининг кедрлари» деб аташади...

Биз давлатнинг пойдевори, яъни жамият бир хил фикрлар, қонунлар ва туйғуларга асосланиши лозимлигини биламиз. Бироқ, Ливан жамияти турли қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар асосида қурилган. Бундай қарама-қаршиликлар ва хорижий давлатларнинг доимий аралашуви натижасида Ливан муаммолари янада чуқурлашиб, вазият мавжуд ҳолатга келиб қолди.

Ливандаги тоифачилик муаммолари «Исломиёв давлат»нинг сўнгги йилларида бошланган. Бу муаммо Ливан давлати ташкил топгунга қадар ҳам мавжуд эди. Унинг келиб чиқиши ташқи кучларнинг аралашуви билан XVIII аср охиридан бошланиб, XX асрнинг бошларига қадар давом этган «Шарқ муаммоси»нинг даврига бориб тақалади. Шунинг учун Ливан тоифачилик асосида қурилиб, шу вақтга қадар мана шу асосда яшаб келди. Тоифалар ўртасидаги ички урушлар ҳам тинимсиз давом этди. (Бунга 1840 йилдан тортиб, 1860, 1958, 1979, 1990 ва 2005 йилларда бўлиб ўтган ҳамда шу кунимизга қадар бўлаётган ҳодисалар мисол бўла олади).

1920 йилда буюк Ливан давлатининг эълон қилиниши ҳам тоифачиликнинг кучайишига ҳисса қўшди. Генерал Анри Гуро Ливан тарихи борасида Финикия тарихига асосланган мароний насронийлик кўз-қарашига таянди. Шунингдек, 1943 йилда эълон қилинган мустақиллик ушбу жирканч тоифачилик чизигидан узоқлашгани йўқ. Аксинча, мана шу мустақиллик Ливандаги тоифачиликнинг халқаро ҳуқуқ ва чет эл аралашуви орқали ҳимоя қилинишига олиб келди.

Хулоса қилиб айтганда, Ливандаги турли можаролар, фуқаролик урушлари ва сиёсий кризисларни келтириб чиқаришда ва авж олдиришда хорижий давлатларнинг бевосита қўли бўлган. Ҳатто ҳар бир тоифанинг чет эллик ҳомийси бор бўлиб, Ливандаги

урушлар шу ердаги ўша давлатларнинг урушларидир. Энг бошидан тоифачилик низоси устига қурилган Ливан давлати ташқи кучларнинг аралашуви туфайли шу бугунга қадар бу муаммони бартараф эта олмади.

2020 йил сентябр ойида буюк Ливан давлати эълон қилинганининг 100 йиллиги нишонланди. Бу йил 100 йил аввалги тарихнинг такрорланаётганига гувоҳ бўлдик. Ахир, Франция Президенти Макрон Ливанга келиб, Санавбар саройида туриб, бу мамлакатнинг муваффақиятсизлиги ҳақида гапирди-ку. Шунингдек, ўз мамлакатининг мустамлакачилик сиёсати туфайли асрлар давомида Ливан халқининг азоб-уқубат чеккани учун кечирим сўраш ўрнига, ўз тарафдорларини йиғиб, Ливанни қутқаришга ҳаракат қилишини айтди-ку. Дарҳақиқат, аксар ливанликлар Макронни қўллаб-қувватламоқчи бўлганларнинг порахўр эканлигини яхши биладилар. Ҳа, кечирим сўраш ўрнига, Макрон айбни муваффақиятсиз малайларига юклади.

Дарҳақиқат, Ливан вужудини айни шу шаклда барпо этиш жиноятида биринчи айбдор Франциядир. Шунинг учун Франция ушбу жиноят учун жавоб бериши лозим.

Франция мустамлакачилигининг нафақат Ливандаги, балки, бутун дунёдаги тарихи жуда ҳам жирканч бўлиб, жиноятларга тўладир. Зеро, Франция Ливандан бошқа юртларни ҳам босиб олиб, уларнинг халқи ва бойликларини талон-торож қилиб келган.

Ливан давлати бу юз йил ичида катта ва тарихий ёлғонни бошдан кечирди. Бу – «мустақиллик», деган ёлғон эди. Ливан жорий йилда мустақиллик кунини нишонлагани йўқ. «Мустақиллик» ёлғони ниҳоясига етган кўринади. Бундан ташқари, Ливан «ҳамжиҳатлик юрти» ва унинг турли тоифалардан ташкил топган тузилмаси ўрнатилган намунадир, деган ёлғонни ҳам бошдан кечириб келди.

Қирол Файсалнинг «Агар Ливан давлати бўлмаганида, бундай давлатни яратиш бизнинг бурчимиз бўлар эди», деган сўзлари кўп марта такрорланади. Аслида, Ливандаги барча муаммолар айнан мана шу тоифачилик ва ташқи давлатларнинг аралашуви билан боғлиқдир.

Ливан шунингдек, «чегаралари аниқ белгиланган давлат», деган ёлғонни ҳам бошдан кечирди. Аслида, дунёдаги бирон бир давлатнинг чегаралари аниқ белгиланмаган. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги давлат чегараларининг аксарияти қўшни давлатлар билан баҳсли бўлган ҳудудларни ташкил этади. Сайкс-Пико шартномаси бўйича бўлинган давлатлар харитаси қалам учи билан чизилгани барчамизга маълум. Ушбу чегараларни белгилашда мустамлакачи давлатлар манфаатларидан бошқа нарса

ҳисобга олинмаган. Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ёки унга қарши кўтариладиган қўзғолоннинг олдини олиш учун ҳар бир мустамлакачи давлат ўзи учун ажратилган юртларга – керакли вақтда портлайдиган – «мина»ларни ўрнатиб қўйган.

Ушбу юз йилликда, Ливан ҳар доим тоифачилик асосидаги сафарбарлик ҳолатида яшаб келди. Шу сабабли, Ливан бирдамлик, ғамхўрлик ва тинчликка асосланган давлатга айлана олмади. Аксинча, узоқ давом этган фуқаролик урушлари ва ички тартибсизликлар давлатни вайрон қилиб, тинч аҳолини иккига бўлиб ташлади ҳамда тоифалар ўртасидаги низони янада кучайтирди. Зеро, ҳар бир урушдан кейин давлатни қайта тиклаш ва янги иш ўринлари яратиш зарурати туғилади. Ҳар бир воқеадан кейин «ёнма-ён яшаш» шиори бошқачароқ номлар билан янгилана бошлайди. Бу нарса тоифачилик муаммосини йўқ қилиш ўрнига, қабилалар ўртасида янги фуқаролик урушларига олиб келади. Агар бу тенденция Ливан сиёсий майдонида ҳукмронлик қилишда давом этса, бундай ҳодисалар яна такрорланиши аниқ.

Ливан ҳалигача ташқи давлатларнинг (Америка ва Европанинг) аралашувлари туфайли ички низолардан қочиб қутула олмапти. Улар ташлаган навбатдаги қадамлар вазиятни янада оғирлаштирмақда. Чунки бу қадамларнинг барчаси «ғолиб ва енгилган тараф», деган қонунга мувофиқ амалга оширилади. (Масалан, 43-сонли хартия Ливанни насронийларга топширди. Тоиф шартномаси эса, уни сунний мусулмонларга ўтказиб берди. Айни пайтда шиалар «Учлик» (ал-Мусаласа) лойиҳаси орқали ўз манфаатларини илгари суришга интилишмоқда). Ушбу сунъий давлат минглаб сохта оҳангларга ўралиб, муқаддаслар муқаддаси деб номланди. Бироқ, аслида эса, у ягона ўзликка эга бўла олмаган, сиёсий тузуми мўрт бўлган заиф бир давлат бўлди. Унинг сиёсатчилари давлат бошлиғи эмас, балки тоифалар ва урушлар раҳбаридир. Бу сиёсатчилар халқни бошқараётганлар эмас, балки уларни талон-торож қилаётганлардир. Ҳа, бугун Ливаннинг сиёсий тузуми тугади.

L'Orient-Le Jour бош муҳаррири бўлган француз ёзувчиси Эмили Суор шундай деган эди: «Ливанни тугатиб-битирадиган кечанинг қоқ ўртасига бир неча дақиқалар қолди. Аммо кечанинг ярми ҳали бўлгани йўқ... Биз мўъжизага муҳтожмиз». Ушбу хавfli мақолада Ливан режими ниҳоясига етаётгани ва ўлим тўшагида экани айтилган. Мақолада шунингдек, Ливан нафақат бошқарув соҳасида, балки тузум ва бирлик соҳасида ҳам кризисга учраганлиги ҳам таъкидланган.

Бугунги кунда қарама-қарши томонлар барча соҳада ўзининг энг чўққисига етган Ливан кризисини ҳал қилиш учун бир қатор

лойиҳаларни илгари суришмоқда. Бу лойиҳалардан бири «Учлик» (ал-Мусаласа) лойиҳасидир. Ушбу лойиҳа тоифачиликка асосланган бошқарув шаклининг янгича тури бўлиб, устунликни шиаларга бермоқчи. Бу лойиҳа тоифалараро янги уруш ва низоларни келтириб чиқаради. Агар бу лойиҳа амалга оширилса, Қўшма Штатлар уни молиялаштириб турадиган ташқи томон бўлиб, ўйинни тўлиқ ўзининг назоратига олади. Бошқа томондан, Эрон минтақада маҳаллий ўйинчига айланиб, Америка номидан айна лойиҳани назорат қилишга ҳамда ижросини таъминлашга хизмат қилади. Эрон бу лойиҳани АҚШнинг минтақадаги манфаатларини амалга оширадиган ричаглардан бирига айлантиради. Агар лойиҳа амалга ошадиган бўлса, тарихда Ливанни маронитлардан суннийларга ва улардан шиаларга ўтказиб бериб келган зўравонлик цикли яна бир бор янгиланган бўлади. Шунинг учун, айтамикки, Ливан муаммоларидан қутулишнинг ягона йўли тоифалараро бошқарувнинг жирканч шаклларига барҳам беришдир. Шу боис, масалани ечиш учун ўртадаги шартномаларни янгилаш эмас, балки Ливанни ҳар доим барбод қилган мустамлакачиликдан қутулиш лозим.

Томонлар тарафидан таклиф қилинган яна бир лойиҳа – тоифачилик асосидаги бошқарув шаклига фуқаролик илмоний асосдаги бошқарув шаклини ечим сифатида кўрсатилишидир. Охириги пайтлар айна лойиҳани турли номлар остидаги бир қатор фуқаролик жамияти ташкилотлари қўллаб-қувватлаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бундан ташқари, у ҳақда «Кедр қўзғолони» бошланганидан кейин кўп гапириладиган бўлиб қолди. Бу лойиҳа тоифачилик асосидаги бошқарувга барҳам беришни талаб қилса-да, унинг ғояси хорижий элчихоналарга тегишли эканлиги сўнгги дамларда кўп гапириляпти. Дарҳақиқат, тоифачилик асосидаги бошқарувни фуқаролик бошқарув шаклига ўтказиш қийин бўлгани ва кўп вақт талаб қилгани сабабли, Америка уни бир неча босқичларда амалга оширишни таклиф қилмоқда. Шунинг учун биринчи навбатда ўз назорати остидаги «Учлик» лойиҳасини қабул қилишга чақирмоқда. Эронни ўз сиёсатида АҚШга қарам эканини ҳисобга оладиган бўлсак, у Ливандаги энг катта шиа партиясини назорат қиляпти. Аммо ҳозирга қадар Америка ўзини айна лойиҳага қарши қилиб кўрсатмоқда. Зеро, у сиёсатда ўзини Эронга қарши қилиб кўрсатиб келади.

Мана шулардан кейин узоқдаги лойиҳага ўтилади. У Американинг Янги Ўрта Шарқ лойиҳасидир. Бу федерал фуқаролик тузуми бўлиб, у орқали Қўшма Штатлар сиёсий илмоний партияларни ташкил қилади. Зеро, улар референдумларни ўтказиб,

давлатнинг сиёсий ҳаётига аралашади ва ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилади.

Федерация масаласи нафақат Ливанда, балки минтақанинг бошқа мамлакатларида ҳам таклиф қилинаётганини кўряпмиз. Масалан, Ироқда – гарчи расмий равишда айтилмаса-да – сунний-шиа-курд федерал бошқарув шакли мавжуд. Сурияда ҳам шунга ўхшаш бошқарув шакли ўрнатилиши мумкин. Ливанда эса, деярли мана шу бошқарув шакли ишлаб келяпти. Буни юқорида айтиб ўтилган тоифачилик асосидаги бошқарувларда ва фуқаролар урушларида кўриш мумкин.

Тўғри, федерал фуқаролик бошқарув шакли тоифаларни ажратмай, мамлакатни тоифалараро тўқнашувлардан халос қилади. Бироқ, бу «динни ҳаётдан ажратиш» ақидасига асосланган. Бу – минтақа халқлари динига, яъни, Исломга тўғри келмайди. Шунинг учун Ливан ва минтақадаги бошқа юртлардаги мусулмонлар буни қабул қилмаяптилар. Шунингдек, федерал фуқаролик бошқарув шакли мамлакатни Америкага ва капиталистик Ғарб мамлакатларига қарам қилиб қўяди. Зеро, уларнинг ташқи сиёсати дунё давлатларини босиб олиб, халқларини мустамлака қилишга ва минерал бойликларини ўғирлашга асосланган...

Шунга қарамай, бугунги кунда одамлар норози бўлган тоифачилик асосидаги бошқарув аслида Ғарб томонидан ўрнатилганини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун Ғарб давлатлари Ливандаги сиёсий майдонни ҳар доим назорат қилиб келишган. Ливанда ҳар доим йирик давлатларнинг сиёсати амалга оширилган. Мамлакат раҳбарлари Ғарбга малайлик қилиб келган. Демак, ҳозирда таклиф қилинаётган федерал фуқаролик бошқарув шакли ҳам Ғарбга хизмат қилиши аниқ. Зеро, ҳар қандай янги таклифлар киритилмасин, Америка Ливанга ва минтақадаги бошқа юртларга нисбатан мустамлакачилик нуқтаи назарини ҳеч қачон ўзгартирмайди. Бироқ, ўзгариши мумкин бўлган нарса шуки, Америка минтақа аҳолисини Исломдан узоқлаштиришни ҳамда минтақа бошқарувини янада қулайлаштиришни истайди. Американинг энг катта мақсади, Исломни йўқ қилишдир. Бундан ташқари, унинг мустамлакачилик сиёсати ҳеч қачон ўзгармайди.

Ливан халқи Америка ва капиталистик Ғарб давлатларининг дунёдаги сиёсатига эътибор берсин. Уларнинг ташқи сиёсати «қарам ва қул қилиш» орқали сиёсий мустамлакадан ҳамда «судхўрлик асосидаги ташқи қарзларга ботириш» орқали иқтисодий мустамлакадан иборатдир. Ливан қарз туфайли кризисга учраган ягона давлат эмас. Унинг атрофидаги барча мамлакатлар қарзлар уммонига шўнғиган. Фақат Ливан олдинги сафда турибди,



холос. Бу муаммолардан халос бўлиш учун бузғунчи капиталистик тузумдан бутунлай воз кечиш лозим.

Шу сабабли, ҳозирги таклиф этилаётган ечимлар, шу жумладан, илмоний фуқаролик бошқарув шакли ҳам Ливанни айна кризисдан олиб чиқолмайди. Чунки бу ечимлар тўғридан-тўғри ҳаёт тузуми бўлган капиталистик тузум кризисларидан келиб чиқади.

Ливан халқи мустамлакачи давлатлар ва Америка бошчилигидаги халқаро сиёсий ташкилотлар тарихига назар ташласин. Хавфсизлик Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа инсонпарвар бўлиб кўринган ташкилотларнинг барчаси фақатгина мустамлакачиликнинг азоб-уқубатларини олиб келди.

Ливан халқи иқтисодий ташкилотлар ва фондлар тарихига ҳам эътибор қаратиши лозим. Зеро, Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки каби ташкилотлар нафақат мусулмонларга, балки барча учинчи дунё мамлакатларига қарши мустамлакачилик сиёсатини олиб боради.

Ливан муаммосининг ҳақиқий ечими Ислом тузумига асосланган ечимдир. Биз бунини тоифачилик ёки ноҳолисликдан келиб чиқиб айтаётганимиз йўқ. Аксинча, бир ечим сифатида айтмоқдамизки, у ўзидаги яхшиликни нафақат мусулмонларга, балки ғайримусулмонларга ҳам, шунингдек, нафақат Ливанга, балки бутун дунёга улашади.

Ислом инсоннинг дини, ирқи, миллати ва рангидан қатъий назар, унинг инсон сифатида ҳаёт кечиришини кафолатлайдиган қонунларга эга. Ислом тузуми тарих давомида қўлланилиб, муваффақиятга эришган. Шунингдек, бугунги кунгача унинг ҳукмлари ҳаётнинг барча муаммоларини ҳал қилишга яроқли бўлиб келмоқда. Исломда мустамлакачилик, судхўрлик, монополия, савдо урушлари ва одамларнинг мол-мулкни тортиб олиш, деган нарсалар тақиқланган. Ислом аҳкомлари бойликнинг бир ҳовуч одамлар қўлида тўпланиб, қолган аҳолининг бундан мосуво бўлишига йўл қўймайди. Исломдаги закот ва мерос аҳкомлари бойликни тақсимлаш ва тарқатишга буюради, халқаро сиёсат ва жаҳон иқтисодиётига эгалик қиладиган монополистларнинг қўлида тўпланиб қолишига йўл қўймайди. Ислом тузумида валюта олтинга асосланади. Бу нарса кўплаб одамларни вайрон қилган валюта курсининг доимий ўзгариб туриши ҳолатини олдини олади. Исломда мусулмон ва ғайримусулмонлар умумий қонунлар бўйича тенг ҳуқуққа эгадирлар. Ер ости бойликлари Исломий давлат фуқароларига, хоҳ мусулмон бўлсин, хоҳ бўлмасин, тарқатилади. Бундан ташқари, ишсизларга нафақа берилади. Ислом пулнинг ҳаракатланмай, бир жойда туриб қолишига йўл қўймайди, уни фойдали ишларга сарфлашни-инвестиция ётқизишни буюради.

Инвестиция қоидаларидан бири – бу шериклик қоидаларидир. Унга кўра, камбағаллар бойлар билан шериклик асосида ишлашлари мумкин. Ахир тажриба ва пул ўртасида шериклик бўлади. Энг муҳими, Исломда бойликка бугунги бахтсиз Фарб давлатларида бўлгани каби одамларни мустамлака ва қулга айлантирадиган нарса сифатида эмас, балки одамларга хизмат қиладиган, эҳтиёжларини қондирадиган ва уларни Аллоҳга яқинлаштирадиган нарса сифатида қаралади.

Фарбнинг капиталистик тарихи тугади деб биринчи марта айтаётганимиз йўқ. Фарбнинг ўзи ҳам буни билиб турибди. У Фарб ҳазоратининг аянчли тарзда қулаб бораётгани сабабли, ўзгариш арафасида эканини ҳис қиляпти. Бу борада кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Шундай экан, кимда ким ўзи, яқинлари ва барча одамларга яхшиликни хоҳласа, ўз дунёқарашини кенгайтириши ҳамда ҳақиқатга тик қараб, Фарбнинг ёлғон чақириқлари сеҳридан воз кечиши лозим!

Дарҳақиқат, Фарб халқларнинг ҳаёти ва уларнинг келажаги ҳақида қайғурмайди. У ҳар доим фақат ўз манфаатларини кўзлайди. Шунинг учун Ливан халқи учун фақат битта тўғри ечим бор! У ҳам бўлса, исломий тузумга қайтиб, Ислом диёрининг бир қисмига айланишдир! Шундагина Ливан халқи ўзининг ҳаёти, мол-мулки ва диёри борасида хавфсизликка эришиб, вақти-вақти билан авж олаётган уруш ва вайронагарчиликларга барҳам берилади. Биз бу насиҳатимизни мусулмонун ғайримусулмонларга йўлламоқдамиз. Зеро, Исломий давлат Аллоҳнинг изни билан барпо бўлиб, унинг эзгулиги барчага бир хилда етиб боради. Ислом Уммати Исломий давлатни барпо қилиш учун ўнлаб йиллардан бери ҳаракат қилар экан, унинг барпо бўлиши кун сайин яқинлашмоқда. Ливандаги вазият, бошқа мусулмон мамлакатларидаги воқеалар ҳамда бутун дунё ишлари шу йўналиш бўйича кетмоқда. Афсуски, Фарбнинг ҳийла-найранг ташвиқоти исломий тузумга қарши туриб, уни терроризм сифатида кўрсатишга ва ўзини ҳақиқий халоскор қилиб тасвирлашга ҳаракат қиляпти. Фарб ўзида бу муаммоларнинг давоси ёки ечими бор қилиб кўрсатмоқда, аммо аслида ундай эмас...

﴿فَسْتَدْكُرُونَ مَا أَقُولَ لَكُمْ وَأَفِئُضُ أَمْرِي إِلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ﴾

**«Ҳали мен сизларга айтаётган сўзларни эслайсизлар. Мен ўз ишимни Аллоҳга топширурман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчидир»**

[Фофир 44] □

## ҲАЗОРАТЛАР ТЎҚНАШУВИ! ИСЛОМ ҲАЗОРАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ (2)

Соир Салома, Абу Малик

Ҳар бир миллат бошқа халқлардан ўзининг ҳазорати ҳамда турмуш тарзини шакллантирадиган қадриятлар, эътиқодлар, тушунчалар ва қонунлари билан ажралиб туради. Ислому Уммати ҳам ўзининг юксак қадриятлари, ақидаси, тушунчалари ва қонунлари билан энг яхши умматлик мақомини қўлга киритиб, бошқа халқлардан устунликка эришади.

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ﴾

**«(Эй Уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз маъруфга буюриб, мункардан қайтарасиз ва Аллоҳга имон келтирасиз»**

[Оли Имрон 110]

Биз, изланишлар давомида Ислому ақидаси ва Раббоний қонунлардан бошқа ҳаёт низоми ва турмуш тарзида гавдаланган, юксак қадриятларда ўз ифодасини топган, зиддиятлардан холи бўлган жонли ақида ва ҳаёт қонунларини кўрмадик! Қолган ҳазоратларга келсак, улар зиддиятларга тўла. Улардаги нотўғри фикрлар туфайли кучлилар заифлар устидан ҳукмронлик қилади. Бу ҳазоратлар жаҳолат, коррупция, мустамлакачилик, қуллик ва инсониятни йўқ қилиш байроғини кўтариб чиқади. Шунинг учун Ислому Уммати учун энг муҳим ғалаба ушбу ҳақиқатларни англаб етиш бўлди. У уйғониш йўлига қадам қўяр экан, бу йўлда сабот билан туриб катта ютуқларга эришди!

Айримлар «Ҳазорат умуминсоний бўлиб, халқлар уни бир-бирларидан мерос қилиб олади. Қачонки ҳазорат Фарбда ўрнашиб, барча инсоний тажрибалар ўша ерда жамлангач, Фарб ўзининг энг юқори чўққисига етиб, бахт-саодат излаган ва тараққиётга интилган кишиларнинг қибласига айланди», деб ўйлайдилар. Бундай ўйлаш нотўғри... Шпенглер (1880-1936) ҳазорат тўғрисида шундай дейди: «Ҳар бир ҳазоратнинг бошқа ҳазоратлардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятлари бор. Уларнинг ҳар бири мустақил равишда пайдо бўлган бўлиб, ўзига хос ёпиқ муҳитга эга. Бир ҳазорат билан бошқа бир ҳазоратнинг ўхшашлиги ташқи кўринишидаги ўхшашликдир. Зеро, ҳар бир ҳазорат руҳнинг ифодасидир, бир ҳазорат билан бошқа бир ҳазорат ўртасини айна шу руҳ фарқлаб беради. Агар ҳар икки ҳазоратнинг ташқи таъсир этувчи элементларида бир қанча ўхшашлик мавжуд бўлса, унда

уларнинг ҳар бири айна элементларни қабул қилиш услубида бир-биридан фарқланиб, қарама-қарши тус олади. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам то ўз табиатига уйғун келмагунича бу элементларни ўзлаштира олмайди. Шундай қилиб, тарихчиларнинг «таъсир қилиш, давомийлик ва тарихий бирлик», ҳақидаги тахминлари йўққа чиқади».<sup>1</sup>

Тойнби ҳам «ҳазоратлар муштараклиги» ғоясини рад этади. Унга кўра, бу ғоя Ғарб тарихчиларининг нотўғри қарашларига асосланган. Улар ўзларининг алдамчи кўз-қарашларидан келиб чиқиб, бутун дунёни сиёсий жиҳатдан Ғарб андозаси асосида бирлаштириш учун Ғарб моделига мос ва дунё учун бегона бўлган иқтисодий тизимни яратмоқчи бўладилар. Ғарб тарихчилари, айниқса уларнинг орасидаги замонавий тарихчилар Ғарбни «ҳазоратнинг асосий манбаи», деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг айна кўз-қарашларидан келиб чиқиб, «глобал ҳазорат бирлиги»ни яратиш керак, деган тўхтамга келганлар.<sup>2</sup>

Сэмюэл Хантингтон ҳам уларнинг «Ғарб ҳазорати бутун инсонларга мос келадиган универсал ҳазоратдир», деган даъволарига қўшилмай, бундай дейди: «Юзаки қараганда Ғарб ҳазорати бутун дунёга сингиб кетгандай кўринади. Бироқ чуқурроқ қаралса, Ғарб фикрлари жуда оддий тарзда бошқа ҳазоратлар фикрларидан тубдан фарқланади. Ғарбнинг индивидуализм, либерализм, конституционизм, инсон ҳуқуқлари, тенглик, эркинлик, қонунийлик, демократия, эркин бозорлар ва динни давлатдан ажратиш ҳақидаги ғоялари, одатда, Ислом, конфуций, япон, ҳинду, буддист ёки православ ҳазоратлари билан қоришиб кета олмайди... «Глобал ҳазорат» бўлиши мумкин деган фикрнинг ўзи аксар Осиё жамиятлари табиатига ва уларнинг бир халқни бошқасидан ажратадиган фикрларига тўғридан-тўғри зид бўлган Ғарб ғоясидир».<sup>3</sup>

Ушбу соҳадаги мисолларга россиялик Николай Данилевскийнинг (1822-1885) сўзларини келтириш мумкин. У бундай дейди: «Ягона ҳазорат бўлмайди. Аксинча, ҳазоратларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият ва моделларга эга. Инсоният тарихи ўзи хоҳлаган томонга тўғри чизиқ бўйлаб юрмайди. Аксинча, у турли йўналишдаги ҳаракатлардан иборат бўлади. У турли йўналишлар бўйича юриб,

(1) Бернард Льюиснинг «Ғарб ва Ўрта Шарқ» номли китобидан олинди. Набил Субҳининг араб тилига таржимаси, 483-саҳифа.

(2) Муҳийюддин Исмоил – Тойнбининг «Тарих йўли ва фалсафаси» номли китобидан олинди. Сақофат ва ахборот вазирлиги, Бағдод – 1986, 46 ва 47-саҳифалар.

(3) Ҳазоратлар тўқнашуви, 33 ва 34-саҳифалар, профессор Аҳмад Қасоснинг «Исломий ҳазоратнинг пайдо бўлиши» китобидан олинди.

турли ҳазоратларни, кўплаб фикрларни ёки қадриятларни очиб беради. Ҳар бир ҳазоратнинг ўзига хос қадриятлари бор».<sup>1</sup>

Морис Крозе шундай дейди: «Қаршимизда битта эмас, бир нечта ҳазоратлар мавжуд ва уларнинг ҳеч бири мутлақ етакчиликка даъвогар эмас. Бизнинг бир нечта ҳазоратлар қаршисида турганимиз битта-ягона ҳазорат бўлиши керак ёки уларнинг орасида фақат биттаси бўлиши керак, деган нарса мумкин эмаслигини билдиради. Бу фикрни бугунги кунда антропологлар, тарихчилар ва социологлар тасдиқлайдилар. Олимлар бир овоздан ҳар бир халқнинг қандайдир ўзига хос тузуми ва ҳазорати борлигини тан олишган. Ёввойи одамларнинг ҳам ўзига хос ҳазорати бор. Бугунги кунда «Ҳазоратнинг тарихи муштарак», деган тор назария эътиборга молик эмас».<sup>2</sup>

**Юқоридагилардан келиб чиқиб айтамизки, Умнат юксак қадрият, олий ғоя ва қонунчиликка асосланган ҳазоратга эга. Шунинг учун бундай ҳазоратга эга бўлган умнат ўз ҳазоратидан воз кечмайди. Шунингдек, мустамлакачилик, халқ бойликларини талон-тарож қилиш, ирқчилик ва капиталистик очкўзликка асосланган ҳазоратларнинг қадрият ва қонунларини қабул қилмайди.**

Агар ҳазоратларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини синчковлик билан кўриб чиқадиган бўлсак, биламизки, ушбу ҳазоратларнинг асослари (тамоийллари) уларга эргашган одамнинг дунёқарашини белгилаб берган. Бу асослар Ислом ёки капитализмга ўхшаган ақлий ақидадан келиб чиқиши мумкин. Ёки жамиятда мавжуд бўлган анъана ва тузумлар меросининг натижаси бўлиши ҳам мумкин. Ёхуд ҳокимият эгалари томонидан мажбуран жорий қилиниши натижасида, одамлар ўзларининг ҳаётларига киритган бўлиши мумкин. Агар ҳокимиятагилар халқни ушбу ғояларга ишонтира олмаса, у ҳолда, жамият тузилиши мўрт бўлиб қолади. Бундай жамиятда ғоялар ҳазоратга айланолмайди. Масалан, барбод бўлган Совет Иттифоқида коммунизм ғоялари ҳазоратга айланолмади. Аввалги ҳар икки ҳолатда ҳам, ҳазорат инсоннинг ҳаёт ҳақидаги кўз-қарашини, бахтнинг ўзига хос тушунчасини ҳамда инсоннинг ҳаёт тарзи ва тасарруфотлари асосланган ўлчовни белгилаб беради. Шунинг учун ҳар бир ҳазорат ўзининг ақидасидан келиб чиққан бир қанча термин ва тушунчаларга эга бўлиши керак. У ўзининг терминологияси, ақидасидан келиб чиққан тушунчалари ҳамда рўёбга чиқарилиши

(1) Муҳаммад Фатҳий Усмоннинг «Исломи тарих муқаддимаси» китобидан олинди. Доруннафоис – Байрут, 1992 йил, биринчи босма, 476-саҳифа.

(2) Ҳазоратларнинг умумий тарихи, 18-саҳифа. Профессор Аҳмад Қасоснинг «Уйғониш асослари» ва «Исломи ҳазоратнинг пайдо бўлиши» китобидан.

кўзланган қийматлари билан ушбу ҳазоратга ишонадиганлар учун ўзига хос ҳаёт тарзини яратиб беришни мақсад қилади. Шу сабабли, фикрий ҳазоратларнинг тузилишини ва ўзига хос бошланғич нуқтага эга бўлган мафкураларга асосланишини кўриб чиқмаганларгина фуру-шоҳлардаги ўхшашликни излайдилар. Шу боис, ҳазоратнинг асосларини уйғунлаштириш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, асосланган пойдеворини, яъни, эътиқоди ва асосий ғояларини ўзгартириш билангина бошқа ҳазоратлар билан бирлаштириш мумкин. Аслида, фуруларни ҳам бирлаштириб бўлмайди. Чунки бу фурулар ўша асослардан келиб чиқади ҳамда жамиятда муайян қийматларни пайдо қилиш ва маълум бир турмуш тарзини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Кимки шоҳларни илдиздан ажратиб олиб, бошқа ҳазорат шоҳларига уласа, у нафақат иккинчи ҳазоратнинг таркибида ўз мақсадига эришолмаган ва айни ҳазоратни қабул қилганларга бахт улашолмаган ғалати бир элементларни пайдо қилади. Қолаверса, уларни қарама-қаршилиқлар исканжасига солиб қўяди.

Агар биз Исломий тузумга яқиндан назар ташлайдиган бўлсак, у бошқалардан ажралиб турувчи яхлит, мустақил ва мукамал тузум эканини кўрамиз. «Ислом тузуми инсоннинг ҳаётини тартибга солади. У нафақат ҳаётни, балки охиратни ҳам, нафақат кўзга кўринадиган нарсаларни, кўринмаган оламни ҳам, шунингдек, нафақат кўринадиган моддий муносабатларни, балки, виждон тубидаги сирлар ва ниятлар дунёсини ҳам тартибга солади. Чунки бу улкан, кенг тузумдир. Шунинг учун Ислом кенг майдонда чуқур илдизларга эга бўлиши лозим».<sup>1</sup>

Шунинг учун, ботилнинг аралашиб қолиши ушбу ҳақ системани бузади. Ёлғоннинг унга кириб келиши уни кучайтирмайди. Аксинча, ҳақиқатнинг давомийлигини бузиб, ўз мақсадига эришиш учун бир-бирини тўлдирувчи тизимларини ишдан чиқаради. Бу – гўё организмга бегона жисм кириб келишига ўхшайди. Бундай ҳолатда организм ўзаро ҳамжиҳатлик, интизом, ривожланиш ва жонланишни давом эттириш ўрнига, ўша бегона жисм келтириб чиқарган муаммоларни ҳал қилиш билан овора бўлади! Ушбу ҳақ тузумга ботил нарсанинг кириб келиши одамларнинг одамларга қуллик қилишидан қутқаришга қаратилган мақсадларни бузиб, одамларни муқаддаслаштиришга олиб келади. Энг биринчи навбатда, тоғутга ишонмасликка чақирган ҳақ тузум – тоғутга куфр келтириш ўрнига – унга ишонишга чақирадиган бўлиб қолади! Шунинг учун ҳақиқатнинг ботилга нисбатан позицияси жуда кучли

<sup>(1)</sup> Сайид Қутбнинг «Йўлдаги белгилар» номли китоби. Абзацнинг асосий қисми айни китобдан олинган бўлиб, 31-32 саҳифаларда келади.

эканлигини биламиз. Ислом бошқа ҳазоратлар ўртасида бошланган. У форслар ҳамда уларнинг шеърятлари, юнонлар ҳамда уларнинг афсоналари, метафизикаси, худолари, ижтимоий ва сиёсий тизимлари, илоҳиётчилари ва уларнинг фалсафаси, шунингдек, ҳиндларнинг тасаввуфи ва худолари ўртасида бошланган. Бироқ, ақида ва турмуш тарзи соҳасида улардан озгина нарсани ҳам олгани йўқ. Ислом одамларни Аллоҳнинг розилигига етказиш учун келган. Айна мақсадга бошқа ҳазоратларнинг қийматларига эргашиш орқали етиб бўлмайди.

Аллоҳ Таоло яхшилик қилганларни жаннат билан мукофотлайди. Ўзига имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга ғалаба ва куч бериб, уларни ер юзиди халифа қилади. Аллоҳ Таоло буйруқ ва тақиқларни фақат ваҳидан олишни вожиб қилди. Чунки Ислом дини фақат ваҳидан олинади. Қиёмат кунидаги сўроқ-савол фақат ваҳига эргашгани ёки ундан юз ўгирганлиги устида бўлади. Буйруқ фақат ваҳига амал қилишдир. Шу боис, ҳидоят фақат ваҳиди келган нарсасидир. Шариатда ақлга ўрин йўқ бўлиб, шаръий нусусни тушуниш ва ундан ҳукмларни истинбот қилишдагина ақлдан фойдаланиш мумкин. Ҳукмлар замон ва маконга қараб ўзгармайди. Ҳатто Росулulloҳ ﷺ ҳам шариатни ўз ихтиёри бўйича ўзгартиришга ҳақли эмас эдилар. Шунинг учун қандай қилиб Пайғамбар ﷺ дан паст бўлган киши уни ўзгартириши мумкин? Исломни ўрганиш дастурининг энг муҳим талабларидан бири, жоҳилият ва унинг тузумларидан, айниқса, унинг энг юқори босқичларидан бири ҳисобланган тоғутлардан воз кечишдир. Чунки уларнинг позицияси очик куфр позициясидир. Шунингдек, Исломни ўрганишнинг асосий вазифалари жоҳилият жамияти, унинг қадриятлари ва урф-одатлари билан бўлган алоқадан воз кечиш, Ислом қадриятлари билан чамбарчас боғланиш ҳамда зулмат, ботил ва деспотизм фикрларидан узоқлашишдан иборат. Ҳақни ва унинг тарафдорларини ботилдан тозалаш ва яхшиликни ёмонликдан ажратиш ҳам Исломни ўрганишнинг муҳим талабларидандир.

Ислом манҳаж ҳақиқат ботил орқали ғабала қозонмайди, деб тушунтиради. Зеро, одамлар ҳақиқат ва ботилни ажрата олмайдилар. Ботилга таяниш, одатда, секин-секин яқинлашишдан бошланади. Аксинча, ҳақиқат ботилдан ҳақ экани билан ажралиб туради. Ҳақ ботилдан воз кечиш билангина чекланиб қолмай, батамом йўқ қилиш учун унга қарши уруш очади! Ҳақиқат аниқ ва ёрқин бўлиб, ярақлаб туради. У издошларини завқ-шавқларидан воз кечишни, қийинчилик ва зарарларга сабр қилишни, сабр-тоқат билан ҳақ ваъдасининг рўёбга чиқишига чин дилдан ишонишни

талаб қилади. Бу Аллоҳнинг шариатига тўлиқ бўйсуншни талаб қилади. Ушбу тўлиқ бўйсунуш имон талабларидан биридир.

Шариат имон талабларига тўлиқ бўйсунуш билан алкоголь ичимликлар, қимор ўйинлари, ҳайкаллар ва ширкни бекор қилди. У жоҳилиятнинг Исломгача бўлган анъаналари ва қадриятларини ҳамда унинг раҳбарлари ва тарафдорларини йўқ қилди. Агар бундай қилинмаганда, Исломгача бўлган жоҳилият анъаналари ҳозирги кунгача давом этган бўлар эди. Шунинг учун мусулмонлар Исломни юмшатмоқчи бўлганларга ва бошқа ҳазоратлардан баъзи бир қадриятларни олишга ҳаракат қилаётганларга қарши қаттиқ кураш олиб боришлари лозим. Ислом – бошқарув тузуми бўлиб, у ҳокимият, қудрат ва Халифалик орқали ҳаётни бошқариш, инсоннинг турмуш тарзи тўғрисидаги кўз-қарашини ўзгартириш ҳамда хатти-ҳаракатларни амалий тарзда назорат қилиш асосида тузилган. Ислом ҳазорати адолат ва инсофга эришиб, ҳақиқатни рўёбга чиқаради ҳамда ботилни рад этади. Шундагина инсон ер юзида бахтли бўлиб, ўз яратилишидан кўзланган вазифаларни бажара олади!

Яхшилаб назар ташлайдиган бўлсак, Ислом қонунлари Исломий давлат қулатилганидан сўнг Умматнинг хатти-ҳаракатларини фақат тор доирада тартибга соладиган бўлиб қолди. Уммат Ғарб Ҳазоратининг назорати остига ўтиб, Умматнинг ўзлигини йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларнинг қурбонига айланди. Ғарб Умматга фикрий ёки ҳазорий альтернатива таклиф қила олмаганидан кейин, уни ботил билан аралаштириб юборди. Уммат ўз шариатидан узоқлашгани учун, Ғарб унинг бойликларини талон-торож қилиб, ҳатто уни йўқ қилишга уринди. Йигирманчи асрнинг ўрталарида – маълум бир вақт – Уммат шариат қонунларининг тўғрилигига шубҳа қила бошлади. У ўз ҳазоратини янгидан қуриш учун кўтарилиш қобилияти борасида шубҳа қилди. Уммат орасидан бир қанча тоифалар чиқиб, уларнинг бир қисми ботилга қарши курашда ботилнинг ўзидан фойдаланишни танладилар. Улар бу усул жуда хавфли ва ҳаром эканлигини тушунмадилар. Бу йўл мусулмонларни ақидада заифлаштириб, шариат ва унинг моҳиятини ҳамда ҳақ ва ботил ўртасидаги кураш моҳиятини тушунишдан чалғитди.

Ислом Умматига ўз шариатининг фазилатларини, хусусиятлари ва таркибий қисмларини, самарадорлигини амалий тарзда кўрсатиб бериш ҳамда ботил ғояларга қарши курашиш йўлини баён қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун буларнинг барчаси Ғарб ҳазорати, унинг қонунчилиги ва мафкураси билан таққосланиши лозим. Чунки ҳақиқат таққослаш орқали маълум бўлади!



**Қонунчиликдаги тартибсизликлар таъсирининг баъзи хусусиятлари ҳамда Ғарб ҳазоратининг Ислом оламидаги ҳукмронлиги:**

Агар Ғарб ҳазоратининг бугунги кундаги гегемонлиги ва бу гегемонликнинг бутун инсониятга бўлган таҳликасини кўриб чиқадиган бўлсак, у инсон ҳаётини илмоний нуқтаи назарга мувофиқ шакллантириб, инсонни механик машинага айлантирди. Инсон ҳаёти фақат моддий қиймат билан ўлчанишига тўлиқ эркинликни берди. У инсониятдаги руҳни йўқ қилиб, уларни инсонийликдан маҳрум қилди. Инсониятни олам, инсон ва ҳаётнинг яратувчисига қарши қўйиб, уни гоҳ илмонийлик, замонавийлик пардаси ортида, гоҳ эса, техник тараққиёт пардаси ортида янги худоларга сиғинишга йўналтирди. Бу дунёда қилган яхши амаллари учун жаннатдан мукофот олиш тушунчаси ўрнига бу дунё лаззатларига қизиқтирди. Натижада, бу кўз-қараш инсониятга бу дунёда бахтсиз ҳаётни берди, шунингдек, ғоявий бўшлиқни ва агностицизмни (борлиқни, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини билиш мумкинлигини қисман ёки мутлақо инкор этувчи назария) келтириб чиқарди.<sup>1</sup>

Агар Ғарб ҳазоратига чуқурроқ назар соладиган бўлсак, маданият ва ҳазорат тушунчаларида тўлиқ инқилоб юз берганига гувоҳ бўламиз. Чунки Ғарб ҳазорати ижтимоий қадрият, билим, эътиқод, санъат, ахлоқ, урф-одат, фалсафа ва истеъдоддан ҳамда имконият ва урф-одатларда гавдаланадиган инсоний ўлчовдан ва ҳар қандай қадриятдан холи мазмунсиз ҳазоратга айланди. Ғарб ҳазорати буларнинг барчасини моддий қиймат (яъни, манфаат) билан алмаштирди ҳамда бутун эътиборни ишлаб чиқариш, даромадни ошириш ва маблағ йиғишга қаратиб, инсоннинг бутун ҳаётини товарларга боғлаб қўйди. Шундай қилиб, ихтиро энг зарурий эҳтиёж бўлиб қолди, ҳатто инсоннинг ўзи товарга ёки ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган товарни реклама қилишда қўлланадиган қуролга айланди. Жамиятлар ҳаёт тарзида қадриятларни гавдалантирадиган маданий субъект бўлиш ўрнига, истеъмолчилар гуруҳига айланиб қолди. Ирқчилик, камситиш, рақобатга эга бўлган ҳамда йўқ қилишнинг учқунини ўзида мужассам этган ушбу ҳазорат ўзидаги маданий, ҳазорий ва фикрий бўшлиқ туфайли, жуда тез орада, мана шундай натижага олиб келди. Уруш очиб, қон тўкиш ушбу ҳазоратда тез-тез такрорланиб турадиган ҳодисага айланди. Инсоний қадриятларнинг кескин пасайиши сабабли одамлар фақат техник тараққиётдан ҳайратда қоладиган бўлиб қолишди. Илм-фан ва технология дунё

<sup>(1)</sup> Доктор Карима Дауз: «Янги бутпарастлик».

муаммоларини ҳал қила олмади. Шунингдек, борлиқнинг (ҳаётнинг) маъносини тушунтириб бера олмади. Агностиклар (Худонинг ягоналигига ишонмайдиганлар) жамиятда шубҳа, чалғитув, бетартиблик, чалкашлик ва қарама-қаршиликларни янада кучайтиришди. Шунинг учун биз илмонийлик инсоннинг тақдирий саволларига жавоб бермади деб ҳисоблаймиз. Илмонийлик инсоннинг тақдирий муаммосини ҳал қилишни рад этишга асосланган одамзот тарихидаги биринчи мафкура ҳисобланади. У бахтсизлик ва ташвишни келтириб чиқарди. Бошқача қилиб айтганда, ушбу ҳазоратда инсон ўзининг борлиги ва ҳаётдаги мақсадини билмасдан яшайди. Колин Уилсон ўзининг «Ҳазоратнинг қулаши» китобида шундай дейди: «Мен ўз ҳазоратимизга арзон ва арзимаган нарса деб қарайман. Бунинг сабаби, у барча ақлий меъёрларнинг пасайишига олиб келди». Тарихчи Арнолд Тойнби шундай дейди: «Ғарб ҳазорати руҳий бўшлиққа юз тутди. Бу бўшлиқ одамзотни жисмоний вужудини сақлаб қолиш учунгина кун кечирадиган, инсон сифатида унинг вужудини сақлаб қоладиган элементлардан маҳрум бўлган бадбашара махлуққа айлантди. Бу ҳазорат жамиятни мақсадсиз чопадиган подага, шунингдек, жамият ҳаётини ташвиш, чалкашлик ва руҳий изтиробларга тўла жаҳаннамга айлантиради». Француз ёзувчиси ва сиёсатчиси Андре Мальро бундай дейди: «Бизнинг ҳазоратимиз «ҳаётнинг мазмуни нимада?», деган саволга «мен билмайман», деб жавоб берган тарихдаги биринчи ҳазоратдир. Унинг бу саволга жавоб бериш учун асрлар давомида қилган барча уринишлари натижа бермаган».<sup>1</sup>

Гарчи бу савол инсоннинг фикрлаши билан боғлиқ бўлса-да, инсон фикрий ва ахлоқий бўшлиқ ҳамда ахлоқсиз ҳатти-ҳаракатлар асирига айланиб қолмаслиги учун бу саволга жавоб топиш асосий шарт ҳисобланади. Фикрий бўшлиқ ва қийматлар маъносизлиги ҳамда Ғарб ҳазоратининг ҳозирги ҳазорий жиҳатдан банкротга учраганлиги инсониятни тарихда мисли кўрилмаган тубсизлик ва хавф остига киритиб қўйди. Саййид Қутб айтганидек: «Одамзот ер юзида қадриятларсиз яшаши қийин. Агар инсон қадриятлардан бебаҳра бўлса, йўлини ёритиб берадиган чироқсиз кўр-кўрона юрса, одамларга инсонийлик ва жамиятга тўғри муносабатларни тортиқ қила оладиган даражада ўз вазифасини англаб етмаса ер юзида яшаб уни обод қила олмайди». Ғарб гомосексуаллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ахлоқий тартибсизликлардан бошқа ҳеч нарсани таклиф қила олмайди. Ижтимоий нотинчлик,

(1) Ёзувчи Ёсин ибн Алининг «Ҳаёт очкичи: Аллоҳдан... Аллоҳ учун... Аллоҳга», номли мақоласига ва Карима Даузининг «Янги бутпарастлик» китобига қаранг.

оилаларнинг бузилиши ҳамда давлат ғамхўрлигининг заифлаши, ҳатто психологик ва руҳий касалликлар Ғарбда кенг тарқалди.

Ғарб инсониятга ўз «қадриятларини» тақдим этиб, уни қабул қилдириш учун курашаётганда, буни мустамлакачиликнинг энг хавфли шакли билан олиб боради. Масалан, уларнинг «инсон ҳуқуқлари» принципи ижтимоий ҳуқуқларга эмас, эркин бозорга асосланган. Нью Йорк Таймс газетасининг бош сиёсий муҳбири Томас Фридманнинг сўзларига кўра, Форс кўрфази урушидаги Буш сиёсатининг асосий йўналиши «суверен давлатлар ўртасидаги сиёсий чегараларга риоя қилинмаса, дунёда тартибсизлик ҳукм суради», деган асосдан келиб чиққан. Фридман ўз сўзини тушунтириб, «Совуқ урушдаги Американинг ғалабаси демократия ва бозор эркинлигига асосланган сиёсий ва иқтисодий тамойиллар эди», деган. Унинг фикрига кўра: «Ниҳоят дунё, эркин бозор – бу келажак, эканлигини тушунади. Бундай ҳолда, хавфсизлик тизгинини қўлга олган АҚШгина намунали моделни кўрсатади».<sup>1</sup>

Америкаликлар ўз истакларини демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳамда қийноқ, зўравонлик ва қотилликларни олдини олиш, жамоат хавфсизлигини яхшилаш каби шиорлар ортига яширишмоқда. Аммо Жаҳон Банки ва Халқаро Валюта Фонди назариётчилари томонидан илгари сурилган либерал қарашларга кўра, «ҳуқуқлар эркин бозор ва қонун устуворлиги атрофида марказлашиши керак». Бошқача айтганда, ҳуқуқлар ижтимоий ҳуқуқлар ёки ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш асосида белгиланмайди, балки босқинчи мустамлакачилар томонидан ўрнатилган ҳукуматлар тарафидан белгиланади. Инсон ҳуқуқлари ғояси либерал империализм, эркин глобал савдо ҳамда уларга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилишнинг қоқ марказида жойлашган.<sup>2</sup>

Жон Пилгер «Америкаликларнинг тадқиқотларига кўра, Билл Клинтон, Жорж Буш, Тони Блэр ва ундан олдинги консерваторлар томонидан Ироқда ўлдирилганлар сони, тарихдаги барча оммавий қирғин қуроллари воситасида ўлдирилганлар сонидан кўпдир», дейди. Агар улар инсон ҳуқуқларини бузиб, ўзлари одамларга қарши кураш олиб боришаётган бўлса, қандай қилиб уларнинг инсон ҳуқуқларидан иборат чақириқларига ишониш мумкин?

Ғарб ҳазорати инсониятга индивидуал ўзига хосликни ҳамда пул ва эътибор ортидан чопишни тақдим қилди. Шунингдек, «техник тараққиёт – етарли ҳаётга олиб борувчи йўл» деган ишонччи пайдо қилди. Уларнинг етарли ҳаётга олиб борган бу йўли бойларнинг бойишига ва камбағалларнинг янада қашшоқлашишига

(1) Наум Хомскийнинг «Эски ва янги глобал низом» китоби, 17-саҳифа.

(2) Янги империалистлар: Империя идеологлари, Колин Мурс, 138-саҳифа.

олиб келди. Шунингдек, мустамлакачи давлатларнинг кучига куч қўшиб, бойликларни талон-торож қилишларига йўл очиб берди. Дунёдаги бошқа халқларни талон-торож қилиш ишларини диктатор императорларининг амбициялари ҳамда камбағалларга нисбатан ёмон ғамхўрликлари остига киритиб қўйди!

Ғарб энди ёмонлигини яшира олмайди. У дунёдаги аёллар ҳуқуқлари масаласида бурни ерга ишқаланиб юрган бир пайтда «аёлларнинг жамиятдаги, оиладаги ва ҳаётдаги ўрни» ҳақида тўғри кўз-қарашни бера олмасдан, ҳатто бирор бир таклифни кирита олмасдан, яна аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича гердаймоқда. Ғарбдаги барча демократик давлатларда эркакларниқига нисбатан аёлларнинг иш ҳақидаги номутаносиблик (айримачилик) кўламини кўришнинг ўзи кифоя қилади. Шунингдек, ўша жамиятлардаги оилаларнинг бузилиши масаласида эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам тортаётган азоб-уқубатларини кўриш кифоя. Уларнинг тузумлари жорий қилиниши натижасида юзага келган ирқчиликни ҳамда қора танли одамларга нисбатан қилинаётган ёмон муносабатнинг фожиасини ҳужжатлаштирилган статистикалар аниқ кўрсатиб турибди.

Франциянинг мусулмон аёллар кийинишига қарши курашаётгани, уларнинг кўплаб соҳаларда ўқишларига ва ишлашларига тўсқинлик қилаётгани, шу билан бирга, товарларни реклама қилишда аёллардан товар сифатида фойдаланилаётгани бунинг ёрқин далилидир!

Масалан, буюк державаларнинг клубида ўз мавқеини сақлаб қолиш учун Франция Африка қитъасини қандай талон-торож қилганини кўришнинг ўзи етиб ортади. Сўнгги 50 йил ичида, Африканинг 26 мамлакатада жами 67та инқилоб содир бўлди. Бу инқилоблар Франциянинг бурунги мустамлакалари деб ҳисобланган 16та қарам мамлакатда бўлиб ўтди. Булар Африканинг Франкофониясидаги барча инқилобларнинг 61 %ини ташкил қилади. Ушбу давлатлардаги ҳукуматлар Франциянинг қўлида қолиши учун ҳамда бу мамлакатларни Франциянинг темир чангалидан чиқиб кетишига ҳар бир сайланган президент имкон бермаслиги учун айна инқилоблар уюштирилмоқда!

Франция Африкадан йилига 500 миллиард доллардан кўпроқ пул олади. Африка Иттифоқининг АҚШдаги элчиси доктор Арикана: «Бу – Франциянинг ўртача ялпи ички маҳсулоти йилига ярим триллион атрофида бўлишини таъминлаш учун керак» деди. Франция фақатгина атир ва Аирбус самолётларини ишлаб чиқаради! Шундай экан, унга бундай бюджет қаердан келди? Кунига ўн миллион баррель нефть қазиб олиш билан Саудия Арабистонининг миллий маҳсулоти йилига аранг ярим триллионга етади! Ўйлаб кўринг!

2013 йилда Франциянинг собиқ президенти Франсуа Олланд Елисей саройига ташриф буюриб, Франция президентлигини қабул қилганидан кейин «Франция Европа билан бир қаторда Африка тақдирида ҳам кўпроқ иштирок этишни хоҳлайди», деди. Бошқача қилиб айтганда, унинг мамлакати ҳали ҳам африкаликлар тақдирини узоқ вақт назорат қилишни хоҳлайди. Бир неча йил олдин, 2008 йил март ойида Франциянинг собиқ президенти Жак Ширак «Африкасиз Франция учинчи дунё мамлакатига айланади», деб айтган эди. Ундан аввалги президенти Франсуа Миттеран 1957 йилда президентлик лавозимини эгаллашдан олдин, «Африкасиз Франция 21-асрда ҳеч қандай тарихга эга бўлмайди», деб таъкидлаган эди.<sup>1</sup>

Ғарб ҳазорати инсониятни мустамлакачилик, урушлар ва бойликларни талаш орқали бошқаради. У одамлар орасида қашшоқликни ва ўзаро душманликни шу даражада ёядики, ҳатто учинчи олам давлатлари уйғониш имкониятидан ва яхши яшашдан маҳрум бўлиб қолаверади!

Ислом Уммати барча халқлар орасида ҳидоят, ҳазорат, илм-фан ва фаровонлик машъалини кўтарган эди. Дастлаб, «Исломий давлат» билан Византия давлатини тамсил этган православ насронийлар ўртасида қаттиқ тўқнашув содир бўлди. Сўнг католиклар биринчи «салиб юриши» пайтида православларга қўшилишди. Салиб юришлари деярли тугагач, протестантлар уларга қўшилишди. Мана, бугун айни ўша тарих такрорланмоқда. Уларнинг карвонига яҳудийлар, ҳиндулар ва хитойликлар қўшилмоқда. Ҳатто ер юзида Ислом Умматига қарши курашмайдиган бирон бир халқ қолмади! Насронийликни «халқлар афюни» деб ҳисоблаган коммунизмдан озод бўлган руслар православ шиорлари остида, танкларга хоч ўрнатиб Чеченистонга бостириб киришди. Ҳозир эса, Шом ва Ливияга кириб келишди. Мусулмонлар ўзларини ҳимоя қила олмади. Зеро, Ислом Умматини ҳимоя қилувчи қалқоннинг, яъни Халифаликнинг йўқлиги ва мусулмонларнинг тарқоқлиги ер юзининг асосий террорчиси бўлган Россияни ҳамда ҳалигача ўрта асрлар ақлияси билан яшаб келаётган очкўз Ғарбни Ислом дунёсига қўрқмасдан ҳужум қилишга илҳом берди!

Ислом дунёси ва Ғарб ўртасида асрлар давомида давом этиб келган фожиали урушлардан сўнг, порлаб турган мусулмонлар қуёши сўнди. Мусулмон мамлакатлари ҳарбий, сиёсий, ҳазорий ва иқтисодий мустамлакачилик тўлқини остида қолди. Ғарб исломий

---

(1) Dr Arikana - FRANCE STEALS \$500BILLION FROM AFRICA VIA "Pact For The Continuation of Colonisation."

тузумни бошқарувдан четлатишга муваффақ бўлди, Умнатни эллиқдан ортиқ давлатларга бўлиб ташлади. У мусулмонларнинг имкониятлари ва бойликларини ўз назорати остига олиб, ўзини намуна қилиб кўрсатди. Натижада, мусулмонлар руҳий изтироб, моддий ва интеллектуал қоқоқлик ҳамда сиёсий ожизлик тубида қолдилар. Кўпгина мамлакатларда ўзбошимчалик ва адолатсизлик кенг тарқалди. Мусулмонлар ўртасидаги биродарлик ришталари узилиб, ўрталарида миллатчилик, қабилачилик, ватанпарварлик ва мазҳабпарастлик алоқалари ўрнатилди. Уларнинг Халифалиги ағдарилганидан бери бир кун ҳам зулматсиз ўтмади. Мусулмонларнинг қони дарёдай оқди, шарафи топталди, мол-мулки талон-торож қилинди ҳамда уларнинг устидан золим душманлар ҳукронлик қилди. Ушбу зулматли кунларда етимларнинг фарёдлари, фарзандидан айрилган оналар нолалари ҳамда мазлумлар ва очларнинг ингроқ овозларигина эшитиладиган бўлиб қолди. Одамлар учун чиқарилган энг яхши Умнат Аллоҳнинг шариатидан юз ўгиргани туфайли мана шундай аянчли аҳволга тушиб қолди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا﴾

**«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтирурмиз»** [Тоҳа 124]

Умнатни Аллоҳнинг шариатидан қайтариш учун душманлар ичкаридан унга қарши курашишди. Шундан кейин Умнат танасида касалликлар тез тарқаб, уни офатлар қамраб олди. Касалликнинг келиб чиқишини даволамасдан унинг белгиларига эътибор бериш беморга нисбатан жиноят ҳисобланади. Чунки касалликнинг белгиларига эътибор бериш беморга фойда бермайди. Агар бирон бир ҳаракат муаммонинг илдизини ҳал қилмаса, Умнат бахтсизликларини ҳал қилишда ҳеч қандай ютуқларга эришмайди, балки ундан узоқлашади!

Одамлар тузган қонунлар татбиқ қилиниши натижасида келиб чиққан офатлар ҳамда жоҳилият давридаги фожиали аҳвол бутун ер юзини қамраб олиб, шариат аҳкомларининг аксарияти бекор қилинди. Мусулмонлар қўлида ибодатлар ва шахсий ҳолатларга доир ҳукмлардан бошқа шариат аҳкомлари қолмади. Ҳақни кўтарган давлат қулатилиб, ўрнини ботилга чақирувчи давлатлар эгаллади. Ер юзига очарчилик йиллари келди. Золимлар ҳузур-ҳаловатда яшади, бузғунчилар бузғунчилик қилди. Зулм ўзининг чўққисига чиқиб, ҳақ йўқ қилинди, яхшилик озайиб, ёмонлик оммалашди, қонлар анҳор бўлиб оқиб, одамлар шарафи ошкора

топталди, осмондан ёмғир ёғмай қўйди, ёлғон кучайди, ер юзида мунофиқлик бош кўтариб, ахлоқсизлик кенг тус олди.

Кўппаклар идишдаги овқатга ташланганидек, мустамлакачи халқлар Ислом Умматига ҳар тарафдан ташланишди. Улар Умматга қарши барча турдаги қуролларни ишга солиб, уни қатли ом қилишди. Мустамлакачилар Умматнинг мунофиқларини ҳукмдорларга, фосиқларни вазирларга, шунингдек, жинойтчиларни солиқ йиғувчи, судья ва разведка ходимига айлантиришди. Шундай қилиб, улар Умматни бўғиб қўйиб, бойликларини талашди. Одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат селнинг кўпигига ўхшаб қолди. Улар Ислом Умматига дастурхондаги ушоқларни қолдириб, унинг ҳаётини танг-бахтсиз ҳаётга айлантиришди. Ҳақиқатни кўтарганларнинг қалбида ҳақиқат нафасини ўчириш учун Умматнинг ҳаёт тарзига ва унинг эътиқодларига қарши курашишди. Умматнинг бойлиги унинг душманлари томонидан талон-торож қилинди. Болаларнинг қони Уммат душманининг қасос олиши учун ёқилғига айланди. Масжидлар портлатилиб, уйлар вайрон қилинди, гўдаклар ўлдирилиб, ёқиб юборилди. Оилалар бошпана излаб дунё бўйлаб саёҳат қиладиган бўлиб қолди. Улар одамлар учун ишлаб чиқарилган энг яхши уммат эди!

Уммат аскарлари ҳукмдорларнинг қўлидаги Умматга қарши ишга солинадиган қуролга айланиб қолди. Улар Уммат душманларига тинчлик келтирадиган, Умматга қарши эса, уруш очадиган бўлишди. Натижада, муқаддасотлар оёқ-ости қилиниб, номуслар топталди, разолат кенг тарқалиб, ҳеч ким бунга қарши туришга журъат этолмайдиган бўлиб қолди. Бироқ, бу ишларнинг барчаси бугунги кунда муслмонлар учун ойдек равшан бўлиб қолдики, барчалари бунга англаб етмоқдалар.

Тўғри, Уммат ўз шариатининг буюклигини ва фақат шариатни татбиқ этишгина уни қутқаришини унутиб, унинг яроқлилигига шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолган эди. Бу даврда (устига сув юкланган бўла туриб, ташналикдан азоб чекаётган саҳродаги туя мисол) конституция ва қонунларни Шарқдан ва Ғарбдан ола бошлади. Лекин, бу ҳолат Умматдан уйғонишни ва масалага жиддий киришиш учун ташаббус кўрсатишни талаб қилди. Натижада, тўфон тугаб, Ғарбга бўйсуннишдан озод бўлиш ва унинг ғоялари, ҳукмронлиги ва ҳазоратига қарши курашиш вақти келди. Бугунги кунда Ислом Уммати учун Ҳизб ут-Таҳрир етакчилиги атрофида бирлашиш вақти келди. Токи, Ҳизб Умматнинг қўлидан ушлаб, уни Парвардигор шариатини қайта татбиқ этиш ҳамда Ислом ҳазоратини Росулulloҳ ﷺ асос солган пойдеворга ўрнатиш сари етакласин. □

## КАПИТАЛИСТИК ҲАЗОРАТ ҲАМДА УНИНГ ДАРВИНИЗМ АСОСИДАГИ КЎЗ-ҚАРАШНИНГ ЯРОҚСИЗЛИГИ (2)

Сорисий Мақдисий – Байтул Мақдис

### Капиталистик ҳазорат асослари:

Капиталистик ҳазорат инсон, ҳаёт ва коинот ҳақидаги фикрий пойдеворга асосланади. Бу асос илмонийлик, бошқача айтганда, динни ҳаётдан ажратиш мафкурасидир. Ушбу мафкура ҳаёт ҳақидаги капиталистик кўз-қарашни, яъни одамларни утилитаризм<sup>1</sup> ва прагматизмга<sup>2</sup> чорловчи идеологияни шакллантирган. Иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, халқаро муносабатлар ва бошқа барча масалаларга алоқадор капиталистик тузумлар ушбу мафкуравий асосдан келиб чиқади. Агар биз капиталистик ҳазоратнинг асосий пойдеворини, яъни илмонийликни кўриб чиқсак ва унинг келиб чиқишини тушунишга ҳаракат қилсак, унинг мустаҳкам фикрий асосдан келиб чиқмаганига, аксинча, фикрий бўлмаган асосдан келиб чиққанига гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай мабданинг асосий фикрий пойдевори ақлий далилларга, аксиомаларга ва топқирликка асосланиши керак бўлса-да, капиталистик ҳазорат бундай далилларга асосланмаган. Капитализмнинг фикрий пойдевори низолашаётган томонлар ўртасидаги ўртача ечимга, яъни мурасасозликка асосланган. Низолашувчи томонларнинг бири файласуфлар, муфаккирлар ва олимлар бўлса, иккинчи томон императорлар, подшоҳлар ва черков бўлди. Икки тараф ўртасидаги ушбу тортишув динни ҳаётдан ажратувчи асос сифатида илмонийликка таяниш билан якун топди.

Шундай қилиб, кескин тўқнашувлардан кейин ҳар икки томоннинг мурасага келиши Европадаги мавжуд тарихий муаммонинг ечимига айланди. Ушбу муаммони ҳар қандай йўл билан тўхтатишдан икки томон ҳам манфаатдор эди. Шунинг учун илмонийлик ақлга ҳамда инсон, ҳаёт ва коинот ҳақида фикр юритишга асосланган фикрий ечим эмас эди. Ушбу мафкура асосий муаммонинг ечими тўғрисида чуқур фикрлашдан келиб чиққан ҳамда ақлни қаноатлантирадиган ва инсон табиатига мос келадиган тўғри ечим бўлмади. Чунки у фикрлашнинг табиий амалий қоидасини четлаб ўтди. Яъни ҳисдан фикрлашга ўтиш, сўнг ғоя учун амалга киришиш юз

(1) Барча ҳодисаларни уларнинг фақат фойда келтириши, муайян мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилиш имконияти нуктаи назаридан баҳолаш принципи.

(2) Фалсафий таълимот бўлиб, амалиётда инсонга нима кўпроқ фойда берса, ўшанга кўпроқ аҳамият бериш зарур, деган ғояни илгари суради.



бермади. Шунинг учун ўртача ечимга асосланган илманийлик ақидаси фикрий пойдеворга асосланган ақида бўлмади.

Илманийлик - черков томонидан берилган «илоҳий ҳуқуқ» шиори остида император ва подшоҳларнинг мутлақ ҳукмронлик қилиши натижасида Европа бошдан кечирган инқирозни ҳис қилиш реакцияси эди. Бундан ташқари, инквизация судларининг бундай зулм ва истибдоддан халос бўлишни истаган олим ва муфаккирларга зўравонлик қилиши инқирозни янада кучайтирди. Томонлар ўртасидаги зиддиятлар натижасида динни ҳаётдан ажратиш, бошқача айтганда, черковнинг давлат ва ҳаёт ишларига аралашшига чек қўйиш тўғрисида ўртача ечимга келинди. Шунинг учун «илоҳий ҳуқуқ» ғоясига зид бўлган альтернатива ғоя, яъни «табиий ҳуқуқ» ғояси қабул қилинди.

Шундай қилиб, илманийлик фикрлаш ва ғоядан иборат амалий қонданнинг иккита элементини йўқотганлигини кўради. Чунки муаммонинг ечими ақлга асосланмади. Шундай қилиб, ушбу асосий фикрий пойдевор, яъни илманийлик фикрлаш ва юксак мақсадлардан узилди. Бу фикрий асос ва унинг илдизи бузилишининг бошланишидир. Шунингдек, бу капиталистик ҳазоратдан келиб чиққан барча ёвузликларнинг илдизидир. Биз буларни қуйида кўриб чиқамиз:

### **«Табиий ҳуқуқ» илманийликнинг биринчи устунидир:**

Европада подшоҳ ва императорлар одамларни «илоҳий ҳуқуқ» номи остида бошқаришган. Бошқарувнинг бундай шакли «теократик бошқарув низоми», деб номланади. Ушбу назария ўрта асрларда пайдо бўлди. Бироқ, у Англия қироли Жеймс биринчи ва Франция қироли Людовик XIV даврида шаклланди. «Илоҳий ҳуқуқ» назариясига кўра, черков ўзи хоҳлаган қонунларни қабул қилиш ва фармон чиқаришни ўзининг ҳуқуқи деб ҳисоблаган. Халқ уларга эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлмаган. Ушбу концепциянинг энг таниқли ҳимоячиларидан бири файласуф Роберт Фильмер эди.

Европада бир томонда подшоҳлар ва черков, иккинчи томонда файласуф, муфаккир ва олимлар ўртасидаги тўқнашувлардан сўнг, динни ҳаётдан ажратиш, яъни илманийлик ғояси бўйича келишувга эришилди. 1688 йилда Англияда Кромвел инқилоби назарий ва амалий жиҳатдан «илоҳий ҳуқуқ» ғоясига яқун ясади. Парламент бошқарувда энг юқори мақомга эга бўлиб, 1689 йилда ҳуқуқлар декларациясини жорий қилди. Қиролнинг тожга бўлган ҳуқуқи Худодан эмас,

балки парламентда ўз аксини топган халқдан олиниши декларациядаги энг муҳим нарса бўлди. 1689 йилда файласуф Жон Локк ўзининг «Фуқаролик бошқаруви ҳақидаги биринчи битим» номли китобида Филлиамернинг «Худонинг номи билан ҳукмронлик қилиш» ҳақидаги қарашларини рад этди. Локк, Хоббс, Вольтер ва Пифендорф каби бошқа файласуфлар ижтимоий шартнома назарияси билан боғлиқ ўз назарияларини «табиий ҳуқуқ» назарияси устига бино қилиб, «илоҳий ҳуқуқ» назарияси билан боғлиқ анъанавий назарияни танқид қилдилар. Немис файласуфи Самюел Пифендорф (1632-1694) «Худонинг муқаддас қонуни»ни табиий ёки рационал қонун билан алмаштиришга чақирди. Шуни таъкидлаш керакки, Жефферсон 1776 йилда Америка мустақиллиги декларациясини ёзганда, асосан Локкнинг нуқтаи назарига таянган.

Европада бўшлиқни тўлдириш учун «илоҳий ҳуқуқ» назарияси ўрнини эгаллайдиган муқобил назария керак эди. Чунки ҳаёт бўшлиқни қабул қилмайди. Шунинг учун мутафаккирлар «илоҳий ҳуқуқ» ғоясига муқобил «табиий ҳуқуқ» ғоясини ўйлаб топдилар. Ижтимоий шартнома назариясини илгари сурган европалик файласуфлар табиий қоидалар фалсафаси ёки «табиий ҳуқуқ» назариясидан таъсирландилар. Шундай қилиб, янги давлатлар барпо этилиши учун асос бўладиган ва у орқали халқлар бошқариладиган альтернатив назарий ғоя шаклланди.

### **«Табиий ҳуқуқ» назарияси нима?**

«Табиий ҳуқуқ» назарияси – инсон табиатдан қўлга киритадиган ҳуқуқлар мажмуасига асосланган назариядир. Бошқача қилиб айтганда, у табиат томонидан ҳар бир инсонга берилган ҳамда шахслар ва халқлар маҳрум қилинмаган ҳуқуқлардир. Ушбу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши мумкин ишга айланиши учун давлат ва жамият томонидан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий шароит таъминланиши керак. Бу ҳуқуқларга монеъ бўладиган ёки уларни оёқ-ости қиладиган барча тўсиқларга қарши курашилиши лозим. «Табиий ҳуқуқ» назариясида ҳаёт ва дунё табиий қонунларга асосланади, деган асосий ғоя мавжуд. У инсон муносабатларини эркинлик, тенглик ва табиий адолат асосида ўрнатади. Ушбу табиий қонунга кўра, яхшилик ва ёмонликни белгилаш, адолатдан адолатсизликни ажратиш ҳамда тўғридан хатони фарқлаш мумкин. Ушбу тушунчаларни аниқлаш манбаи табиат қонунидир. Шундай қилиб, «табиий ҳуқуқ» ҳар бир нарсадан устундир. Шунинг учун

«табиий ҳуқуқ» назарияси ҳуқуқларни белгилашда Худо ва черковнинг ўрнини эгаллади. Ушбу шахсий ҳуқуқлар тўплами янги мурожаат манбаи бўлди. Бошқача қилиб айтганда, табиат қонуни ва «табиий ҳуқуқ» қонуни устун келди.

«Табиий қонун» ғояси янги ғоя эмас эди. У аввал юнон фалсафасида пайдо бўлиб, ундан Рим қонунларига ўтган. У барқарор ва ўзгармас қонун мавжуд, деган нарсага асосланади ҳамда унга жамият қонунлари тузилишида асос вазифасини ўтайдиган идеал, сифатида қаралади. Бу ғояга кўра, ушбу қонуннинг манбаси табиат бўлиб, у ақл томонидан очиб берилади. Кейинчалик «табиий ҳуқуқ» ғояси юнон адабиёти ва Рим ҳуқуқи орқали Англияга ўтди. Бу эса, ижтимоий шартнома назариясининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу назарияга кўра, табиат қонунини сиёсатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади. Давлатнинг пайдо бўлиши жамиятнинг умумий иродасига боғлиқ. Шунинг учун мулкка эгалик қилиш халққа тегишли бўлиб, давлат ҳокимиятининг қонунийлиги умумий иродадан келиб чиқади. (Шунинг учун у ижтимоий шартнома деб аталади).

Шундай қилиб, «табиий ҳуқуқлар» ва «шахсий эркинлик» ғояси ва капиталистик фикр ўртасидаги муносабатлар демократик бошқарувнинг илдизларидан бирига айланди. Жамият ва давлатнинг пайдо бўлиши шахс эркинлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш учун асосдир. Шундай қилиб, капиталистик демократия «илоҳий ҳуқуқ» ғоясига асосланган теократик ва монархия бошқарув тизимига муқобил бўлди.

Агар «табиий ҳуқуқ» ғоясини ўрганиб чиқсак, унинг мавҳум (реал бўлмаган) тушунчага асосланганлиги аниқ бўлади. У воқелиги бўлмаган хаёлий ҳолатдир. Шахс одатда ёлғиз яшай олмайди. Чунки инсон ижтимоий вужуд бўлиб, у жамиятдан ташқарида ёки оиласиз яшай олмайди. Бироқ, улар ҳукмдорларнинг ваколатларини чеклаш ва шахслар эркинлигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш учун назария сифатида «табиий ҳуқуқлар» ғоясига таянганлар. Хусусан, улар хусусий мулкни ҳимоя қилиш мақсадида унга ҳужум қилганларга қарши куч ишлатилишини қонунийлаштирдилар.

### **Табиат қонунлари капиталистик қадриятлар манбаи:**

Капитализм табиат қонунларини ўзи учун манба қилиб белгилаган пайтида, ахлоқий, инсоний ва диний меъёрлардан воз кечди. Табиатда ва унинг қонунларида ушбу стандартларни ишлаб чиқишни тартибга солувчи ҳеч нарса мавжуд эмас.

Шунинг учун, табиатда раҳм-шафқат ёки кечиримлилик деган нарсга йўқ. Аксинча, фақат куч қонунлари, ўзини ҳимоя қилиш ва вазиятга мослашиш қобилияти мавжуд. Табиатда табиий шароитларга мослашадиганлар энг яхши ва тўғри ҳисобланади. Шунинг учун «табиий ҳуқуқ»нинг қадриятлари ва меъёрларидан ташқари барча қадрият ва стандартлар табиатда мавжуд эмас. Қонун устуворлиги нуқтаи назаридан фақат ўрмон қонуни устунлик қилади. Шунинг учун табиат қонунисидаги ягона қиймат моддий қийматдир.

### **Табиий эволюция ғояси илманийликнинг иккинчи устунидир:**

Табиат қонунларини инсон қонунларининг манбаи қилишда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда дарвинизм қарашларини тўлдириш учун эволюция ғоясини амалга ошириш зарур эди. Европаликлар олдида турган муаммо табиий қонуниятларнинг доимийлиги, қатъийлиги ва ўзгармаслигидир. Улар табиат қонунларининг ўзгармаслиги ҳақидаги тушунчани юнонлар ва римликлардан олишган. Бу ўзлари қабул қилган қонунларни ўзгартириш, яшириш ва ҳаёт ҳақиқатларига мослаштириш кераклигини билган капиталистлар учун муаммо эди. Шунинг учун бу масала табиатнинг ўзига қайтишга уриниш билан оқланиши керак эди. Табиатнинг ўзгариши ва ривожланиб бориши ҳақидаги даъво уларнинг қонунлар ўзгармаслиги ҳақидаги фикрларига зиддир. Шунинг учун улар эволюция ғоясини табиат қонуни сифатида қабул қилдилар. Бошқача қилиб айтганда, улар ўзгармас табиат қонунлари ва инсоннинг доимо ўзгариб турадиган қонунлари ўртасидаги зиддиятларни мувофиқлаштириш учун эволюция ғоясини ўйлаб топдилар.

Францияда Жорж де Бюффон бошчилигида табиий эволюция мактабига асос солинди. 1780 йилда у ўзининг «Табиий тарих» китобини нашр этди. Унда тирик мавжудотларнинг умумий аجدод туридан ривожланиши-эволюцияси ғоясини қўллаб-қувватлади. Де Бюффоннинг эволюцион ғоялари кўплаб файласуф ва олимларга таъсир кўрсатди. Уларнинг энг кўзга кўринганларидан бири «атеизм инжили», дея номланган «Табиат низоми» китоби муаллифи Пол Голбахдир. У модданинг ўзи атроф-муҳит ва вақт омиллари ёрдамида табиатни ва ҳаёт тузилишини шакллантириши мумкин деган фикрни муҳокама қилди. Дени Дидро модда тасодифан ўзаро таъсир қилади ва ҳаёт тасодифан вужудга келади, деган ғояни олға сурди.

Жан Ламарк ҳам Бюффондан таъсирланган биолог олимлардан бири бўлган. Унинг эволюция назарияси «Ламаркизм» деб номланган бўлиб, «Умуртқасизларнинг табиий тарихи» китоби 1820 йилда нашр қилинган. Кейин Англиядаги Дарвин ўзининг назариясида табиий ҳолат мактаби ғояларини табиий эволюция мактаби билан бирлаштирди. У 1860 йилда «организмларнинг табиий эволюцияси» назариясини пайдо қилди.

Эволюция ғоясининг пайдо бўлишига келсак, табиат қонунларига доимий ва ўзгармас деб ишониш билан инсон тузган ҳамда уларнинг тузилишида илоҳий қонун ўрнига табиат қонунлари асос қилиб олинган қонунлар ўртасида Европада юзага келган қарама-қаршилик айти шу эволюция ғоясининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Чунки инсон тузган қонунларнинг демократияга қараб, яъни одамларнинг хоҳиш-истаклари ва манфаатларига қараб ўзгариши, табиатнинг барқарор қонунлари билан инсоннинг ўзгарувчан қонунлари ўртасида қарама-қаршиликни келтириб чиқарди. Ҳар қандай низом ёки қонун яроқлилигининг мезони шуки, яроқли қонун ўзи асосланган қоидалар асосида муаммоларни ҳал қила олади. Агар улар чуқурроқ ўйлашганда эди, буни англаб етган бўлардилар. Замон ва шароит ўзгариши билан янги муаммолар пайдо бўлса, қонун ўзи асосланган қоидалардан чиқиб кетмаган ҳолда бу муаммоларни ҳал қила олса, у яроқли қонун деб ҳисобланади.

Аmmo агар инсон маълум бир муаммони ҳал қилиш учун низом ёки қонун тузса, сўнг шароитлар ўзгариб, ушбу низом ва қонуннинг муаммоларни ечишга қодир эмаслиги исботланса, қонун тузувчилар дарҳол уни ўзгартиришга ва янги шароитга мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Улар қонун ва тартибни бузиб, уни нотўғри талқин қиладилар. Натижада улар низомнинг асос ва қоидаларидан, мақсадлари ва стандартларидан четга чиқадилар. Уларнинг бу ҳаракати ушбу низом ва қонуннинг яроқсизлигини ҳамда муаммоларни ҳал қилишда муваффақиятсизликка учраганини кўрсатади.

Бироқ ушбу низом ва қонунни тузганлар унинг муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслигини яширишга уринишди. Уларнинг даъво қилишича, воқеа-ҳодисалар ўзгаришига қараб низом ва қонуннинг ривожланиши табиий. Чунки бу табиат қонуни бўлиб, доим ўзгариб ва ривожланиб туради. Вақт ўтиши билан ривожланмаган низом ва ғоялар муаммоларнинг тўпланишига,

сўнгра ҳаёт ҳақиқатлари билан ҳамқадам бўла олмаслигига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, бу муваффақиятсизликни кўрсатади. Шунинг учун уларни (ишламай қолган низом ва қонунларни) замонавий, такомиллашган ва маданиятли қонунлар билан алмаштириш зарур!

Шунинг учун капиталистик ва социалистик низомларнинг асосчилари эволюция ёки бошқача қилиб айтганда, ривожланиш четлаб ўтиш мумкин бўлмаган табиат қонунидир, деб даъво қилишади. Уларга кўра, айти шу (табиат қонуни) низомлар ва ғояларни сақлайди ҳамда уларнинг ривожланишига имкон беради. Дарвин назариясига кўра, ривожланмаган инсон муқаррар равишда йўқ бўлиб кетади... Бу даъво чиройли ибораларни ишлатиш орқали эволюция назариясининг муваффақиятсизлигини яширишга уринишдир. Агар қонун ва низом яроқли бўлмаса ҳамда муолажа қилиниши керак бўлган муаммоларни ҳал қила олмаса, демак у муваффақиятсиз ва яроқсиз низомдир. Ушбу низом муаллифлари томонидан ривожланиш ва модернизация шиори остида унинг асос ва тафсилотларига ўзгартиришлар киритилиши, низом яроқсизлиги ва носозлигини яширишга уринишдир.

Шундай қилиб, эволюция ҳақидаги шиорлар низомларнинг муваффақиятсизлиги ва яроқсизлиги оқибатлари жавобгарлигидан қочишга уринишдир. Низом ва қонунлар яроқчилигини белгилайдиган мезон уларнинг турланишга, муқаррар инқироз юз беришини кечиктиришга ва вақтинча чоралар қўллашга қодирлиги эмас. Аксинча, муаммоларни ҳал қилиш учун самарали ечимларни топа олиши уларнинг яроқчилигини белгилайдиган мезондир. Табиий фанлар ривожланиши масаласини «инсон тузган қонунлар эволюцияси» масаласи билан аралаштириш чалкашликка олиб келади ва ишларни тескари томонга буриб юборади Чунки бу билан одамлар уларни бир хил деб ўйлайдилар. Сўнг, модомики илм-фан ривожланар экан, нега қонунлар ривожлана олмайди?! – деган саволни ташлайдилар. Шу боис, капитализмнинг кирдикорларини ва яроқсизлигини фош этиш учун уларни фарқлаб олиш лозим.

### **Қонун ва низомларнинг ривожланиш стандарти:**

Юқорида айтиб ўтилганидек, қонунлар эволюцияси ҳақидаги шиор қонунларнинг инсон муаммоларини ҳал қилишда муваффақиятсизликка учраганини кўрсатади. Инсон тузган

қонунлар эволюциясини илм-фан тараққиёти билан аралаштириш ҳам очиқ хатодир. Табиий фанларнинг ривожланишига келсак, бу бошқа масала. Чунки фанлар табиатнинг ўзгармас, барқарор қонунларига асосланади. Илмий тадқиқотларнинг вазифаси ушбу қонунларни очиб бериш ва табиий моддалар хатти-ҳаракатини тушунишдир. Уларни инсон фойдасига ишлатиш учун уларга қандай муносабатда бўлиш лозимлигини билиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, Худо табиатда яратган нарсдан инсон манфаати учун фойдаланишдир. Табиат қонунлари ўзгармайди ва ҳеч қачон ривожланмайди. Аксинча, ўзгариб бораётган ва ривожланаётган нарса бу инсон онги ҳамда фан ва техника орқали моддадан ўз фойдасига фойдаланиш қобилиятидир. Инсон тадқиқот ва тажрибаларни қанча кўп ўтказса, шунчалик ўзи учун фойдали бўлган янги фанларни кашф этади. Гарчи биз буни мажозий маънода эволюция деб атасак ҳам, бу капиталистлар табиат қонунлари эволюцияси деб атаганидан жуда фарқ қилади. Аслида, у ўзгармайди ёки ривожланмайди. Табиат қонунларининг ўзгармаслиги эволюция тушунчаси ҳақидаги капиталистларнинг ёлғончилигига ажойиб далилдир.

### **Дарвинизмнинг ахлоқ ҳақидаги кўз-қараш:**

Юқоридаги «табиий ҳуқуқ» ва эволюция назариясига асосланган капиталистик ҳазорат ҳаётдаги моддий қийматдан ташқари барча қадриятларни рад этади. Дарвин назариясига кўра ҳаётнинг таърифи: Тирик қолиш учун курашишдир, бу курашда энг кучлилар ғолиб бўлади. Қонунларнинг ягона манбаи бу табиат қонунидир. Шунинг учун капиталистларнинг асосий ташвиши табиат қонунларини топиш, муқаддаслаш, уларни қабул қилиш ва табиат фойдасига ишлатишдир. Улар тирик қолиш курашида ҳар қандай рақибни йўқ қилиш учун улардан кўрол сифатида фойдаланадилар.

Баъзилар эркинлик, демократия, илмонийлик ва инсон ҳуқуқлари каби «ахлоқий» қадриятларни талаб қиладиган капиталистик ғоялар мавжуд деб ҳисоблайди. Бу яхши қадриятлар ёки ғоялар, уларнинг фикрига кўра, умуметироф этилган қадриятларга эга. Биз уларга бу нарсалар капиталистларнинг шармандалигини яширадиган қобиклар деб айтаемиз. Зеро, уларнинг бу шармандаликлари капитализм ва унинг тарафдорлари қийин аҳволга тушиб қолганда шундоққина очилиб қолади. Масалан, дунё коронавирус оқибатида эпидемик инқирозга юз тутган бир пайтда, одамлар туалет қоғози ва

ювиш воситалари соҳасида ҳам ўзаро тўқнашувларга гувоҳ бўлишди. Улар Америка ва бошқа капиталистик мамлакатларнинг бошқа мамлакатлардан ҳимоя ниқоблари ва бошқа тиббий асбоб-ускуналарни ўғирлаётганини кўришди. Маҳаллий компанияларнинг бу ускунани чет элга экспорт қилишига рухсат берилмади. Улар «жамойй иммунитет» сиёсатини қўллаб, кексаларнинг коронавирус юқтиришига бепарво бўлишди.

Ушбу пандемия ва аввалги глобал инқирозлар пайтида капиталистик ҳазоратнинг бузуқлиги ва Дарвиннинг ҳаёт ҳақидаги қарашларининг яроқсизлиги бутун дунёга маълум бўлди. Бу – худбинликни, ирқчиликни ва фақат энг кучлиларнинг омон қолишини қадрлайдиган ҳазоратдир. Бу – шунингдек, хайрия, яхши қўшничилик, муҳтожларга ёрдам бериш ва заифларга ёрдам бериш каби маънавий, инсоний ва ахлоқий қадриятларни рад этадиган ҳазоратдир. Ушбу ҳазорат раҳбарлари ўзларининг рақиблири билан зиддиятни енгиб ўтиш учун моддий куч ва оммавий қирғин қуролига ишонадилар. Бу ҳазорат соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа нодавлат ижтимоий эҳтиёжларни таъминлашни эътиборсиз қолдиради. Буларнинг барчаси уларнинг ҳаёт ҳақидаги ҳақиқий қарашлари дарвинизмга асосланганлигини исботлайди. Бу уларнинг тушунчаларида ётадиган бузуқ, ахлоқсиз нуқтаи назардир.

### **Дарвинизмнинг фикрлаш методологиясига бўлган таъсири:**

Бу нарса уйғониш даврида Европада пайдо бўлган биринчи ғоялардан бири бўлиб, тадқиқотнинг экспериментал илмий усули сифатида ўз самарасини берди. Бундай экспериментал усул баъзи олим ва файласуфлар томонидан қўлланган. Бундай файласуфларнинг энг таниқлилари италиялик Галилей (1564-1642) ва британиялик Фрэнсис Бэкон (1561-1626) эди. Бэкон Европада биринчилардан бўлиб фикр ва фан эркинлигини тарғиб қилиб, илмий мулоҳазаларга асосланган экспериментал услубга асосланган. У фалсафа таназзулини дин ва фалсафанинг аралашганлиги билан изоҳлади. Шунингдек, у Афлотун ва Аристотелнинг юнон меросига қарши чиқиб, уни ҳақиқатга мос келмаслигини таъкидлади.

Капиталистлар табиатни моддий манфаатлар манбаи, уни қўлга киритиш учун табиат қонунлари бўйсундирилиши лозим, деб билишади. Уларга кўра, табиат қонунларини енгиш учун табиатнинг хусусиятлари ва қонунларини тушуниш лозим.



Моддий қувватни ҳамда унинг афзалликлари ва фойдаларини куч билан олиш учун зарур восита ва сабабларни топиш керак. Шунинг учун илмий йўл улар учун табиат ҳақиқати ва унинг қонуниятларини англашнинг энг муҳим воситасидир. Шунингдек, одамларга табиий бойликлардан фойдаланиш ва уларга эгалик қилишда ёрдам берадиган зарур куч ва воситаларни ишлаб чиқиш зарур.

Шундай қилиб, капиталистик ҳазорат низом ва қонунларни табиат қонунларидан чиқариб олиш ҳамда бу ҳазоратни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда инсон фаолиятига раҳбарлик қиладиган моделга айлантириш учун, табиат ҳақиқати ҳақида фикрлашни устувор вазифа қилиб олди. Шундай қилиб, капиталистик фикрлаш методологияси табиат ва унинг қонунлари билан чекланиб қолди. У инсонни табиатнинг бир қисми, шунинг учун табиат билан мослашиши лозим, у табиат қонунларининг ривожланиши натижасида вужудга келган тирик мавжудот бўлиб, яратувчи томонидан яратилиши шарт эмас, деб билади. Шу боисдан, улар учун айна масалаларга мос келадиган, прагматик ва фойдали фикрларга ҳамда онгни фақат модда билан чеклаш орқали табиий фанларни кашф қилишга асосланган фикрлаш методологияси лозим бўлиб қолди.

Капиталистлар муаммоларни тушуниш ва ҳал қилишда илмий ёки тадқиқот усулларига таянадилар. Айнан шу илмий йўл нарсаларнинг ҳақиқатига ёки инсон муаммоларини тушунишга олиб келади. Ушбу йўл табиат қонунлари орқали муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиладиган асосий усулдир. Чунки илмий тадқиқотларнинг энг муҳим мақсадларидан бири модда ва табиатнинг хулқ-атворини бошқарадиган илмий қонуниятларни кашф этишдир.

Шунинг учун, улар учун илмий йўл фикрлаш, тушуниш ва ўзини тутишнинг энг ишончли воситасидир.

### **Дарвинизмнинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари:**

Дарвинизмнинг табиатни англаш ва ҳаёт билан муомала қилиш услубини яқиндан кўриб чиқсак, қуйидаги маълум тамойилларга асосланганини кўрамиз:

Табиатни ва унинг қонунларини энг юқори қадрият деб ҳисоблаш. Табиат қонунлари барча масалаларда мурожаат қилишимиз керак бўлган манба бўлиб, у ҳамма нарсдан устун бўлиши керак. Табиат тасодифан, ташқи таъсирларсиз вужудга келди. Эволюция табиатда инсоннинг аралашувисиз ўз-ўзидан пайдо бўлади. Эволюция табиат қонунларига мувофиқ ўзини

такомиллаштиришга ва ҳар доим энг яхши нарсаларга эришишга интилади. Ва уларнинг ҳаётга бўлган қарашлари бу табиий бойликлардан фойдаланиш учун тириклар орасида яшаш учун курашга асосланган. Бу ўсишга ва ижтимоий ривожланишга олиб келади. Табиат учун курашда муваффақият мезонлари кучга эга бўлиш ва табиий шароитларга мослашишдир. Ушбу табиий курашда ҳеч қандай ахлоқий ва инсоний қадриятлар ҳисобга олинмайди.

Шу асосда биз капиталистларнинг «шахсий эркинлик» тушунчаси ҳақидаги қарашларини тушунтира оламиз. Уларнинг фикрига кўра, «эркинлик» табиат тасодифан пайдо бўлган деган тушунчага ўхшайди. Моддий фойда ёки прагматизм маънавий ва ахлоқий қадриятларни ҳисобга олмайдиган ягона мезондир. Чунки табиат ва унинг қонунлари уни тан олмайди. Муаммолар ресурсларнинг етишмаслигидан келиб чиқади ва бу тирик қолиш учун бўладиган курашнинг сабабидир. Шунинг учун ечим бойликни оширишдан иборат. Ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда табиат қонунларидан фойдаланилади. Инсоний қонунлар вақт ўтиши билан ривожланиб боради. Бошқа томондан, эволюция доимо тўғри йўналишда ҳаракат қилади.

Капиталистик низомнинг энг муҳим ва бузилган асосларидан бири уларнинг яшаш учун кураш ёки муаммолар – табиат ва унинг қонунларидан ташқари – ҳар қандай қасддан аралашувга эҳтиёж сезмасдан автоматик равишда ҳал қилиниши мумкинлиги ҳақидаги даъвосидир. Бошқача қилиб айтганда, инсон муаммоларини табиат қонунлари билан ҳал қилиш мумкин деган қарашдир. Бу тушунча уларнинг «табиат – ташқаридаги сабабга (яъни яратувчига) эҳтиёжи бўлмаган ёпиқ сабаблар тизимидир, табиий кураш ривожланишга олиб келади, табиий эволюция нарсалар кўтарилиши ва ўсиши учун етарлидир», деган қарашларидан келиб чиқади. Бу Дарвиннинг тирик мавжудотлар эволюцияси назариясининг асосидир. Бу Мальтүснинг «аҳоли зичлиги» ғоясининг асосидир. Шунингдек, у Маркснинг жамиятлар тарихидаги ҳаракат эволюцияси назариясининг асосидир. Худди шундай, бу Адам Смитнинг давлат иқтисодиётга аралашмаслиги керак деган иқтисодий назариясининг асосидир. Адам Смит талаб ва таклиф қонуни билан нархлар механизми иқтисодиётни мувозанатга солиш ва тақсимот муаммоларини ҳал қилишнинг ҳамда иқтисодий тараққиёт ва фаровонликнинг кафолатидир, деган. Хулоса қилиб айтганда, яшаш учун кураш

бу табиат қонунига биноан, яъни ўрмон қонунига биноан содир бўладиган курашдир.

### **«Табиий ҳуқуқ» ва эволюция капиталистик низомнинг асосидир:**

«Илоҳий ҳуқуқ» ғоясининг рад этилиши сиёсий илмонийликка олиб келди. Унинг ўрнини «табиий ҳуқуқ» ғояси эгаллади. «Табиий ҳуқуқ» табиат қонунлари жамиятдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўлчашнинг асосий йўналиши бўлишини талаб қилади. Ижтимоий ва сиёсий ишларни тартибга солишда на дин ва на черковнинг ўрни бор. Модомики, диний қонунлар мурожаат қилинадиган манба эмас экан, динни ҳаётдан ва давлатдан ажратиб бўлгач, у энди асосий манба бўлмайди. Шунинг учун улар диний қонунларни табиий қонунлар билан алмаштиришлари керак эди. Шундай қилиб, инсоннинг иродаси ва эркинлиги жамиятдаги ҳуқуқларнинг манбаига айланди. Ижтимоий шартнома ва давлат конституцияси ҳам айни шу инсон иродаси ва эркинлигига асосланди.

«Табиий ҳуқуқ» ғояси инсон эркинлиги ғоясини тан олиш зарурлигига олиб келди. Натижада, капиталистик иқтисодий низомнинг ядроси бўлган табиий иқтисодий мактаб вужудга келди. Хусусий ташаббус ва мулк эркинлиги асосида давлат шахсларнинг иқтисодий фаолиятига аралашмайди. Бу нарса бозорнинг кўринмас қўлига таянишга олиб келди ёки бошқача қилиб айтганда, жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган нарх механизми жамиятдаги бойликни тақсимлашга ёрдам беради. Ушбу иқтисодий мактабнинг асосчилари ва назариётчиларидан бири британиялик Адам Смит (1723-1790) эди.

«Табиий ҳуқуқ» ва табиий эволюция ғоялари натижасида Чарлз Дарвин томонидан қўллаб-қувватланган тирик мавжудотлардаги эволюция назарияси пайдо бўлди. Бу назарияга кўра, тирик мавжудотлар ўртасида табиий ресурслар устида тўхтовсиз кураш бўлади. Ушбу курашда, энг бардошли ва кучли одамлар омон қолишлари мумкин. Табиат қонунлари тирик мавжудотларнинг эволюцияси ва хилма-хиллигига олиб келади.

Кейин, бу дарвинист эволюция ғоясидан, уларнинг фикрига кўра, фанга асосланган «ижтимоий дарвинизм» деб номланган нарса пайдо бўлди. Дарвин назарияси ижтимоий фанларда қонуний ва мақбул бўлиши учун унга шундай илмий образ берилди. Табиат қонунлари орқали ушбу мактаб нацизм,

фашизм ва ўта ўнгчилар каби кўплаб ирқчилик ғояларининг пайдо бўлишига ёрдам берди. Дарвинизмнинг уруғлари Мальтуснинг «аҳоли зичлиги» назариясида мавжуд эди. Мальтус «урушлар, эпидемиялар, очарчилик, соғлиқни сақлаш ва иқтисодий шароитларнинг ёмонлиги аҳоли зичлигини юмшатишнинг амалий воситасидир», деган ташвиқоти билан машҳур эди. Хусусан, бу аҳоли сонининг камайишини таъминлайдиган табиий ҳодиса.

Шунга кўра, иқтисодиёт, бошқарув, сиёсат, жамият, фуқаролик ҳуқуқи, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар капиталистик ҳазоратда илмонийликка ва дарвинизмга асосланади. Дарвин назарияси «табиий ҳуқуқ» ғояси эволюцияси ғояси билан бирлаштирилганидан кейин пайдо бўлган назариядир. Булар ҳаёт ҳақидаги дарвинистик капиталистик кўз-қарашни шакллантириш учун бирлаштирилди. □

## ИСЛОМНИНГ ҒАРИБЛИГИ, УНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР (1)

Ҳамид Абдулазиз

Пайғамбаримиз Мухаммад ﷺ:

«بَدَأَ الْإِسْلَامُ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ غَرِيبًا، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ»

**«Ислом ғариб бўлиб бошланди ва яна аввалгидек ғарибликка қайтади. Ғарибларга тубо жаннати бўлсин».** (Муслим ва Ибн Можа бу ҳадисни «Фитан» бобида ривоят қилганлар). Имом Санадий Ибн Можанинг ҳадис тўплами ҳошиясида келтирган шарҳида айтади: «ғариб» сўзи тарафдорларининг сони кам бўлади деганидир. Араб тилида бу сўз аслида ватанидан йироқда бўлган киши учун қўлланган. «Яна ғариблигига қайтади» сўзи, гарчи тарафдорлари кўп бўлса-да, уни қўллаб-қувватлаб, унга ёрдам кўрсатадиганлар оз бўлади, деган маънони англатади. «Ғарибларга тубо жаннати бўлсин», дегани Исломда буюрилган амалларни бажараётган кишиларга тубо жаннати бўлсин маъносидадир. Тубо бу жаннат ва ундаги бир дарахт деб тафсир қилинган. Ҳадисда Исломга ёрдам бераман ва унда буюрилган амалларни бажараман деган киши ўз ватанидан узоқлашиб, бегона юртларда ёлғизлик азобига дош бериши керак, деган огоҳлантирув бор.

Имом Нававий ушбу ҳадисни Саҳиҳи Муслим шарҳида Имом Қози Иёздан ривоят қилади: «Ислом оз сонли кишилар орасида тарқала бошлади. Шундан кейин Ислом кенгайиб, ҳукмронликни қўлга киритди. Аммо келажакда у заифлашади, шикаст етади ва у аввалда бўлгани каби фақат озчиликда қолади». Ушбу ғарибликка қайтиш тўсатдан юз бермайди. Бошқача қилиб айтганда, Ислом кучли бўлиб, дунёга ҳукмронлик қилганда, у тўсатдан ғарибликка тушиб қолмайди. Яъни Ислом ўз ҳимоячиларининг фаолиятига қараб, вақт ўтиши билан турли юксак ва паст босқичларни босиб ўтмай ҳамда уни шу ҳолатга олиб келадиган шарт-шароитларни бошдан кечирмай тўсатдан ғариб бўлиб қолмайди.

Ғариблик бу исломий билимларнинг йўқолиши, Умнат аҳволини тўғрилайдиган шариатнинг йўқолиши ва дин ҳукмларини билмасликнинг кенг ёйилишидир. Ғариблик – бу мунофиқлар ва бидъатчиларнинг дин асосларига, унинг тарихига ва Раббоний уламоларига бўлган ҳужумидир.

Янгиланиш эса, буларнинг барчасига қарши туриш ва диннинг гўзаллиги, поклиги ва равшанлигини тиклаш орқали амалга ошади. Шунингдек, Умматнинг исломий ақида кучи ва шариатининг софлиги бўлган ишончини тиклаш орқали амалга ошади. Одамлар бузилиб кетганда, ғариблар ўзларини тузатиш билан чекланиб қолмай, аксинча бошқаларни ҳам тузатишга шошиладилар. Дунёда ҳаёт давом этар экан, бу қонуният ҳам тўхтамай давом этади.

Динни янгилаш, бугунги кунда янгиланиш байроғини кўтараётганлар айтганидек, динни ўзгартириш ёки алмаштириш эмас, балки уни ҳимоя қилиш ва уни Росулulloҳ ﷺ га нозил қилинган пайтдагидек тоза ва равшан тутишдир. Агар бирор нарса эскирса, учта нарса унинг ўзгаришига ёки асл ҳолатидан фарқланишига олиб келади. Улар: 1. Унинг баъзи жиҳатлари хиралашиб, тиниқлигини йўқотади ва тушунарсиз бўлиб қолади. 2. Унинг баъзи қисмлари ажралиб кетади ва натижада нарса бутунлигини йўқотади. 3. Баъзи нарсалар унга ташқаридан қўшилади ва унинг сурати ўзгаради.

Бундай ҳолда, уни янгилаш учун хиралашган жойларни тозалаш, кесилган ёки йиртилган жойларни тўлдириш ва ташқаридан кириб қолган қўшимчаларни олиб ташлаш керак. Шунинг учун янгиланиш – бугунги «диний нутқни янгилаш» тарафдорлари айтганидек – янги динни яратиш эмас. Янгиланиш – диннинг тўлиқ, тоза ва шаффоф асосларига қайтишдир. Янгиланиш – кўр-кўрона тақлиддан воз кечишга, ҳақ йўлда қатъиятли бўлишга ва дин борасида пасткашлик қилмасликка бўлган даъватдир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, янгиланишнинг тўғри маъноси динни хоҳлаганча ва тўхтовсиз бузиш эмас, балки уни асраш орқали тузатишдир.

Динни янгилаш ҳар асрда такрорланаётгани каби, юқоридаги ҳадисда келтирилган ғариблик ҳолати ҳам бу Умматда бир неча марта рўй беради. Ислом Умматининг буюк тарихида вақти-вақти билан бўлиб турадиган бу ғарибликдан халос бўлишга кўп уринишлар бўлган. У баъзи жойда осон кечса, баъзи жойда жуда қийин кечган. Аллоҳдан қўрқадиган ва раббоний уламолар бўлган жойда, ғарибликнинг таъсири оз бўлади. Чунки уларнинг вазифаси динни янгилаш, одамларга ҳақиқатни кўрсатиш ва ботилга қарши туришдир. Аллоҳ Таоло ушбу Умматга асрлар давомида ўз вазифаларини энг яхши даражада бажарадиган уламоларни берди. Агар бирон замонда Уммат орасида уламолар заифлашиб қолса, билимлар пасайиб, Исломнинг ғариблик

ҳолати кучайса, Уммат ўзининг аввалги асл ҳолатига қайтган. Чунки Уммат орасида динни тушунишни янгилаб, уни Росулulloҳ ﷺнинг давридагидек асл нуқсонсиз ҳолига қайтарадиган уламолар етишиб чиққан.

Росулulloҳ ﷺ:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ عَلَى رَأْسِ كُلِّ مِائَةِ سَنَةٍ مَنْ يُجِدُّ لَهَا دِينَهَا»

**«Аллоҳ Таоло ҳар юз йил бошида бу Умматга динни янгилаб берадиган кишини юборади».** (Абу Довуд ривояти). Ушбу ҳадис янгилоччи-муҷаддид ёлғиз бўлиши керак деган маънони англатмайди. Чунки ушбу буюк вазифа бўлмиш янгилаш иши кўпчиликнинг саъй-ҳаракатларини талаб қилади. Ушбу ҳадисни энг тўғри талқин қилган олимлар: «Ҳадисдаги киши (من) сўзи исми мавсула бўлиб, мутлақлик (умумийлик)ни ифодалайди дейишган. Шунинг учун муҷаддид якка одам ёки бир гуруҳ одамлар бўлиши мумкин. Шунга кўра, ҳар бир асрда уламоларнинг шахсларини ўрганиш, уларни таққослаш, улардан биттасини танлаш ва уни муҷаддид деб ҳисоблаш шарт эмас. Чунки уларнинг барчаси ушбу диннинг янгиланиши ва умматга етказилишида ўз ҳиссаларини қўшган бўлиши мумкин». Имом Ҳофиз Заҳабий айтганлар: «Мен ҳадисдаги (динни янгилайдиган киши) сўзи шахсга эмас, кўпчиликка тегишли деб ҳисоблайман». Ибн Касир (роҳимаҳуллоҳ) айтганлар: «Бир гуруҳ уламолар айтадилар: Бу ҳадис ҳақиқатдан ҳам ўзидан олдинги кишилардан илм олиб, бошқаларга етказиш орқали фарзи кифояни бажарадиган ҳар бир олимни ўз ичига олади. Чунки мурсал ва мурсал бўлмаган йўллар билан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилган:

«يَحْمِلُ هَذَا الْعِلْمَ مِنْ كُلِّ خَلْفٍ عُدُوهُ، يَنْفُونَ عَنْهُ تَحْرِيفَ الْغَالِيْنَ وَأَنْتِحَالَ الْمُبْطِلِيْنَ»

**«Бу илмни олдингилардан кейинги ҳар бир асрдаги тақводор уламолар сақлаб қоладилар. Улар ғулув кетганлар томонидан қилинган бузиб кўрсатишларни ва сохтакорларнинг ёлғон даъволарини ундан чиқариб ташлайдилар».** Аммо бу – аср охирида «муҷаддид» пайдо бўлгунига қадар, илм бутун аср давомида бегона ва номаълум бўлиб қолади ёки унга амал қилинмай ташлаб қўйилади, деган маънони англатмайди. Чунки ҳадисда бу маънога далолат қиладиган бирон бир ишора келмаган.

Агар Уммат тарихига назар ташласак, у кўп ғарибликларни бошдан кечирганини кўрамиз. Шунингдек, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло ушбу Умматга динни янгиланган ва уни асл поклиги ва

равшанлиги билан қайта тиклаган кўплаб раббоний олимлар, самимий ҳаракатлар ва адолатли раҳбарларни берганини кўрамиз. Агар уларни санаб ўтадиган бўлсак, барчасини қамраб ололмасдик. Бизнинг буюк алломаларимиз суннатни ҳимоя қилиб, саҳиҳларни заифлардан ва тасдиқланганларини тўқилганлардан ажратдилар. Умматда адашган ва бидъатчи фирқалар пайдо бўлиб, Аллоҳнинг динини бузмоқчи бўлганларида, кўплаб олимларимиз уларга қарши чиқдилар, уларнинг баёнотларини рад этдилар ва ғояларининг ёлғонлигини исботладилар. Шундай даврлар бўлдики, унда ҳукмронлик золимлар қўлига ўтди. Аммо уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этмади ва Уммат орасидан Умар ибн Абдулазиз, Ҳорунар Рашид ва бошқа кўплаб тақводор ва буюк раҳбарлар чиқди. Биз ушбу мақолани ўн тўрт аср давомида Уммат бошдан кечирган ғариблик ҳолатлари ва Умматни ўша вазиятдан қутқарган олимларни хотирлаш учун ёзмадик. Балки ушбу мақолада Умматнинг бугунги аҳволи тарих давомида бошдан кечирган ғарибликларидан ҳам ёмонроқ эканига эътиборни тортмоқчимиз. Чунки ушбу асрда Уммат бир неча жиҳатдан қашшоқликни бошдан кечирмоқда:

### **Бошқарув соҳасида:**

Қайриб бир аср олдин, аниқроғи, 1924 йил 3 мартда Исломий Халифалик ағдарилгач, Исломий Уммат ўз тарихида биринчи бор, ортида туриб жанг қилинадиган ва у билан ҳимояланиладиган халифасиз қолди. Бундай ғариблик ҳолати Уммат тарихида аввал кузатилмаган эди. Зеро, мусулмонларнинг давлатлари ва ҳимоячилари йўқ қилиниб, 60га яқин кичик давлатларга бўлиб ташланди. Бундан ҳам ёмони, бу кичик давлатлар орасида мусулмонларни ҳимоя қиладиган ва уларнинг муаммоларини ҳал қиладиган бирорта ҳам давлат чиққани йўқ. Уларнинг барчаси Уммат душманлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни бажарадиган қарам давлатларга айланиб, тепасига кечаю-кундуз Уммат ва унинг динига макр қиладиган ҳукмдорлар ўтқазиб қўйилди. Бундан ташқари, Уммат душманлари мусулмонлар онгида Халифалик тушунчасини бузиб кўрсатиб, Ислом – Умматни бошқариш ва ривожлантиришга қодир, деган улардаги ишончга путур етказишлари натижасида ғариблик ҳолати янада кучайди.

Аммо, Аллоҳ Таоло ушбу Умматга холис ва онгли ҳизб, яъни Ҳизб ут-Таҳрирни ато этди. Ҳизб ут-Таҳрир Халифалик концепциясини кўтариб чиқар экан, унинг поклигини қайта



тиклаб, туҳматчиларнинг ёлғонларини ундан узоқлаштирди. Бунинг натижасида Умматнинг аксар қисми Халифаликни талаб қиладиган бўлди. Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрир ғариблик ҳолатидаги бошқарув масаласида динни янгилаш учун Аллоҳ Таоло томонидан юборилган ҳақиқий мужаддид бўлди. Зеро, баъзи мусулмонларда Исломда бошқарув тузими йўқ, деган тасаввур бор эди. Биз бу гапларимиз билан ушбу асрда Уммат орасидан бошқарув соҳасида динни янгилайдиган мужаддид чиқмади, деб айтмоқчи эмасмиз. Дарҳақиқат, кўплаб олимлар айна вазиятни тўғрилашга ҳаракат қилишди. Масалан, шайх Мутий Батиҳи, шайх Муҳаммад Ходир Ҳусайн, шайх Саид Бирон ва бошқа кўплаб буюк алломалар чиқди.

**Ҳозирги ғариблик даврида бошқарув масаласида ўчириб юборилган ишлар:**

**1 – Халифалик Исломдаги бошқарув тузумидир:**

Халифалик қулаганидан кўп ўтмай, Шайх Али Абдураззоқнинг «Ислом ва бошқарув усуллари» китоби нашр этилди. Муаллиф ушбу китобда Исломда ўзига хос бошқарув тузumi мавжудлигини инкор этишга уринди. У ўз китобида ўта такаббурлик билан шундай ёзади: «Исломнинг бугунги кунда мусулмонлар тортишаётган Халифаликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунингдек, улар пайдо қилган таҳдид, қўрқитув, ҳукмронлик ва куч-қудратга ҳам алоқаси йўқ. Халифаликнинг дин билан алоқаси йўқ. Бундан ташқари, суд, давлат хизматлари ва давлат идораларининг дин билан алоқаси йўқ. Уларнинг барчаси сиёсий мавзулар. Ислом уларни тан ҳам олмайди ва рад ҳам этмайди. У на буюради ва на ман қилади. Бу масалаларда биз фақат ақлга, инсоният тажрибасига ва сиёсий қоидаларга таянамиз».

Бу китоб илмонийлар учун айна муддао бўлди ва унинг ёрдами билан Халифалик тушунчасига қарши кўп йиллар давомида курашиб, уни мусулмонлар онгидан олиб ташлашга ҳаракат қилдилар. 1953 йилда буюк аллома Тақийуддин Набахоний роҳимаҳуллоҳ мусулмонлар учун энг муҳим масала Исломий Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш деб таъкидлаб, Ҳизб ут-Таҳрирга асос солди. Ўша пайтда Ҳизб ут-Таҳрир уни кузатиб турганлар наздида гўё кулни пуфлаётганга ёки мўъжизалар тугаган бир замонда мўъжиза ҳақида орзу қиладиганга ўхшар эди. Улар: «Ҳизб қайси Халифалик ҳақида гапиряпти? Халифалик Уммат онгидан узоқ вақтдан бери ғойиб бўлган-ку? Ҳизб қандай бирликка ҳаракат

қилмоқчи? (Сайкс-Пико) номли ханжар Умматни кичик давлатларга, амирликларга ва қиролликларга бўлиб юборди-ку. Сайкс-Пико белгилаб берган чегаралар Умматнинг қалби ва онгига чуқур сингиб кетган. Уларни қайтариб бўлмайди», дейишди.

Бироқ, Ҳизб ўз йўлида қатъий турди ва кечаю кундуз Уммат билан ишлади. Ушбу йўлнинг қийинлигига қарамай, Ҳизб жиддий фикрий ва сиёсий кураш олиб борди. Шундан сўнг, Ҳизб Аллоҳнинг ёрдами ва кўмаги билан ўз йўлида мисли кўрилмаган муваффақият қозона бошлади. Ҳизб ут-Таҳрир Халифалик тушунчасини қайта тиклади ва Уммат унга интила бошлади. Уммат бир неча йиллик парчаланишга чек қўйиш, заифлик ва қоқоқликни тугатиш ҳамда мустамлакачиларни мусулмон юртлардан чиқариб юбориш тўғрисидаги халифанинг биринчи фармонини эшитиб тонг оттиришни орзу қилмоқда.

## **2 – Халифалик вожибдир:**

Кўп йиллар давомида Умматнинг душманлари ва уларнинг «уламо» ва «мутафаккирлари»дан иборат малайлари қуйидаги сўзларни Умматга такрорлаб келдилар: «Халифалик Исломиё йўл эмас», «Халифалик Исломиё тушунча эмас», «Шариатда Халифалик ҳақида нусус келган эмас», «Халифалик вожиб эмас», «Халифалик Исломиё халқларни бирлаштирадиган ягона тузим эмас», «Халифалик Исломиё давлатдаги ягона тузим эмас»... каби. Бу сўзлар билан улар Умматни Халифаликни барпо этиш йўлидан чалғитишга ҳаракат қилдилар ва ҳеч нарсага қарамай ҳужумларини давом эттирдилар. Бироқ, Ҳизб уларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Ҳизб ташкил этилган кундан бошлаб бугунги кунгача Халифалик лойиҳаси муносабати билан кўплаб ижобий қадамларни қўйди. Ҳизб ут-Таҳрир Умматга Халифалик вожиб эканлигини Қуръон, Суннат ва саҳобалар ижмоси орқали исботлаб берди. Шунингдек, Пайғамбаримиз ﷺ таълимотларини атрофлича ўрганиб чиқиб, Халифаликни барпо этиш усулини бир неча босқичларда тасвирлаб берди. Уммат эса, буни тушуниб, қабул қилди, Парвардигори фарз қилган давлатни барпо этиш орқали ўзининг азизлигига интила бошлади. Мана, Ҳизб ут-Таҳрир бугун буюк Халифалик лойиҳасининг сўнгги босқичларини очиш арафасида турибди.

## **3 – Ислом кенг қамровли ҳаёт низоми бўлиб, ўз давлатига эга бўлган диндир:**

Ушбу асрда мусулмонлар орасида шундай одамлар пайдо бўлдики, улар ақлан Ғарбга сотилишди. Улар Ғарб қўлидаги қўғирчоқ бўлишдан мамнун эдилар ва Ғарбнинг Аллоҳнинг динига қарши аёвсиз курашида қуролга айланишди. Аллоҳ Таоло ушбу динни барча рисолатларнинг охиригисига айлантирган. Ислом

одамларнинг ҳаётидаги барча муаммоларни ҳал қила оладиган ҳайратланарли кучга эга. Ислом одамлар ҳаётида юзага келадиган барча янги муаммоларни энг яхши ечимини беради ва уларни бу ҳаётда бахтли ва хавфсиз қилади. Дин душманлари эса, Ислом ҳақида бир қатор шубҳаларни кўзғатишди. Улар Исломни коҳинлик дини сифатида таништирдилар ва уни фақат ўз Роббиси билан бўлган муносабатлар, одоб-ахлоқ, кийим-кечак ва емоқ-ичмоққа тааллуқли дин сифатида тақдим этдилар. Шунингдек, улар Исломни бузуқ насронийлик билан таққослаб, динни ҳаётдан ва давлатдан ажратишга чақирдилар. Бироқ Ҳизб ва бир қатор онгли ва самимий уламолар Исломни кенг ва тўлиқ шаклда, барча муаммоларни ҳал қила оладиган ва давлатига эга бўлган буюк дин сифатида етказа олдилар. Исломни мафкура сифатида, аниқроғи ўз тузумига эга ақлий ақида сифатида жорий этишдан кўра яхшироқ янгиланиш бўлиши мумкинми?

### **Исломдан бўлмаган ва унга қўшилган нарсалар:**

#### **1 – Ҳокимиятни тортиб олишни ҳукмронликка эришишнинг шаръий усули деб ҳисоблаш:**

Ислом динидан бўлмаган, лекин унга киритилган энг хавфли ғоялардан бири ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олишни ҳукмронликка эришиш усули деб ҳисоблашдир. Бизнинг замонамизнинг баъзи уламолари бу масалани шариат ҳукмига муҳтож бўлган янги масала деб ҳисоблашган ва муҳокама қилишган. Бироқ буюк саҳобалар ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритган султонга сукут сақланиши мумкин эмас ва унинг ҳаракатларига қарши норозилик билдириш керак деб ҳисоблашган. Бошқача қилиб айтганда, саҳобалар ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритиш бу босқинчиликдир, шунинг учун унга қарши туриш керак, деб ҳисоблашган. Султон қанчалик кучли ва шиддатли бўлмасин, қанчалик шафқатсиз бўлмасин, жим турмасдан унинг ҳаракатларига қарши туриш керак деб билишган.

Аммо улардан кейин келган баъзи фақиҳлар буюк саҳобаларнинг сўзлари ва амалларини тарк этишиб, ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритишни ҳукмронликка эришишнинг услубларидан бирига айлантиришга ҳаракат қилишди. Ҳизб ут-Таҳрир эса, аксинча, ҳокимиятга эришишнинг ягона йўли ихтиёр ва розилик орқали бериладиган шаръий байъат эканини, ҳокимиятни босиб олиш Ислом ва мусулмонлар бошига тушган энг даҳшатли жиноятлигини, бу жиноят сабабли Ислом дини ларзага келиб, исломий бошқарув тузум ағдарилганини, ўрнига монархия<sup>1</sup> тузуми ўрнатилиб, Халифалик тузуми золим подшоҳлик тузумига айланиб

(1) Ҳокимиятнинг отадан ўғилга ўтиши.

қолганини баён қилди. Дарҳақиқат, шариат бошқарув, яъни салтанатни Умматга берган бўлиб, ҳокимни сайлаш ҳуқуқини Умматга қолдирган. Бунинг далили шариат халифани фақат Уммат берган байъат орқали сайланадиган қилиб қўйганидир. Бошқа йўл йўқ. Халифа эса, фақат мана шу байъат орқалигина ҳокимиятни эгаллаш ҳуқуқига эга.

Шунга кўра, Ҳизб Халифаликни эълон қилган ИШИД (Ироқ ва Шом Ислом давлати)га нисбатан ўз позициясини билдирди. Ҳизбнинг бу позицияси шаръий далилларига асосланган эди. Чунки Халифалик шаръий бўлиши учун бир нечта шартлар бажарилиши керак. Агар ушбу шартлар ИШИД томонидан эълон қилинган Халифалик давлатида топилганда эди, Ҳизб биринчи бўлиб унга байъат берган бўларди. Афсуски, бу шартлар тўлиқ бажарилмади ва Ҳизб Уммат билан биргаликда Халифалик лойиҳасининг сўнги босқичига ўтишга мажбур бўлди. Халифаликнинг шаръий бўлиши учун бажарилиши керак бўлган қуйидаги шартлар кўп марта зикр қилинган:

- Халифага хусусан Аҳли Ҳал вал Ақд ва умуман Уммат томонидан розилик ва ихтиёр орқали байъат қилиниши вожиб.
- Халифалик ўрнатилган жой ва у ердаги мусулмонларнинг хавфсизлиги тўлиқ таъминланиши керак.
- Халифаликни тиклайдиган гуруҳ ички ва ташқи хавфсизликни таъминлайдиган муттасил кучга эга бўлиши лозим.
- Халифалик ўрнатиладиган жойда давлатнинг асосий шартлари топилиши керак. Пайғамбаримиз ﷺ ушбу шартларга мувофиқ Мадинада Исломиёв давлатни барпо этдилар. Дарҳақиқат, бошқарув Пайғамбаримиз ﷺнинг қўлида бўлиб, ички ва ташқи хавфсизликни таъминлай олди. Шунингдек, у ерда давлатнинг асосий шартлари мавжуд эди. Мусулмонлар эса, ўз ҳокими сифатида Мадинада Росулulloҳ ﷺга ихтиёрий равишда байъат қилдилар.

Шу тариқа Ҳизб ут-Таҳрир Исломда ва исломиёв бошқарув тузумида бўлмаган ва кейин қўшилган нарсаларни тозалашга муваффақ бўлди. Шунингдек, у куч билан босиб олиш тушунчасини оқлашга ҳаракат қилаётганларнинг барча сўзларини рад этди.

## **2 – Ҳукмдорларга бўйсунуш ва очик куфрни содир этганларга қарши чиқмаслик тушунчаси:**

Қуртубийнинг тафсирида келишича, Ибн Хувайз Миндод шундай дейди: «Султон Аллоҳга итоат қилаётган бўлса, унга итоат қилиш вожибдир. Бироқ, гуноҳ ишларда унга итоат қилиш вожиб эмас. Шунинг учун замонамиз раҳбарларига бўйсунуш, уларга хизмат қилиш, ҳурматини жойига қўйиш мумкин эмас. Аммо, агар улар ғазот қилсалар, улар билан бирга ғазотга кириш фарздир».

Валийюл Амрга итоат қилишни диний ақидага айлантирадиганлар бир нарсага эътибор беришмаяпти. Яъни, саҳобалар ва уларнинг ҳижрий учинчи асрга қадар бўлган бир қатор ворислари адолатсиз ҳукмдорга қарши туриш шарт деб тушунишган. Шунинг учун Ибн Ҳажар Асқалоний: «Адолатсиз ҳукмдорларга қарши чиқиш аввалги салафларнинг мазҳаби-йўли эди. Кейинроқ эса, бундан ҳам ёмон ҳолатни пайдо қилиши мумкин, деб ўйлаб, бу йўл тарк қилинадиган бўлиб қолди. Зеро, Ҳарра ва Ибн Ашъас жанглирида тадаббур қилган кишилар учун бир эслатма бор», деди. Бошқача айтганда қарши чиқиш масаласи – бу ерда гап золим ҳокимга қурол билан қаршилиқ қилиш ҳақида бормоқда – маъноси аниқ бўлган ва муҳокама қилиниши ва талқин қилиниши мумкин бўлган масаладир. Бироқ фуқаҳолар адолатсиз ҳукмдорлар тарафида туриб, уларга эътироз билдирган ҳақ аҳлига қарши жанг қилиш ҳаром, дея иттифоқ қилишган. Чунки ҳукмдорлар билан бир сафда жанг қилиш каттаю кичик ишларида уларга ёрдам бериш бўлиб, Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзларига тўғри келади:

﴿وَلَا تَرْكَنُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ﴾

**«Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар»** [Ҳуд 113]

(Жомия ёки Мадҳалия) каби «итоатда ғулув кетганлар» аллақачон фош бўлган. Чунки улар Ислом билан ҳукм юритаётган мусулмон ҳукмдорларга итоат қилиш ҳақидаги нусусларни шариат аҳкомларига зид бўлган прагматик тарзда ишлатишмоқда. Шунинг учун уларнинг ҳаракатлари тарих давомида Исломга зид бўлиб келган. Улар фақат итоат ҳақидаги нусусларгагина эътибор бериб, ҳақиқатни баралла айтиш ва зулмдан қайтариш ҳақидаги нусусларни эътиборсиз қолдирадилар ёки ўзбошимчалик билан талқин қиладилар. Маъруфга буюриш ва мункардан қайтаришдек вожиб амални ҳам бузиб кўрсатадилар. Улар нусусларни ноҳолис ўқишга ва уларни ўз фойдасига талқин қилишга одатланганликлари сабабли уларнинг позициялари қарама-қаршидир. Шунинг учун уларнинг йўли хатодир. Чунки улар ҳоким салтанатни қўлга киритганидан кейин Исломга биноан ҳукмронлик қилмаса ҳам, уни қўллаб-қувватлаш лозим, деб биладилар.

Ҳизб ут-Таҳрир ва бир қанча Раббоний уламолар ўша «сарой уламолари»нинг ниқобларини олиб ташлади. Шунингдек, «итоат қилиш» сўзининг ҳақиқий шаръий маъносини, уни қандай бажариш кераклигини ва шариат итоат қилишни буюрган ҳақиқий раҳбарлар кимлигини тушунтирди. Умат бу адолатсиз ҳукмдорлардан юз ўгирди. Шунингдек, бу золим ҳукмдорларнинг зулмини, гуноҳларини ва куфрини оқлаб, ўз ишончларини йўқотган «сарой

олимларини» ҳам рад этди. Чунки Умнат одамларни Аллоҳнинг динига даъват қилиш, Аллоҳнинг динини янгилаб, нотўғри ғоялардан поклаш учун жонларини фидо қилган ҳақиқий даъватчилар атрофида тўплана бошлади.

### **3 – Демократияни Ислом деб ҳисоблаш:**

Ҳеч қайси куфр мафкураси демократия тушунчасидек Умнатнинг қўллаб-қувватлови, қизиқиши ва эътиборига сазовор бўлмаган. Ҳатто баъзилар у йўқотган нарсамиз эди, у яна ўзимизга қайтди, демократия бу шўро, деб атайдиган бўлди. Афсуски, Умнатнинг аксарият қисмининг онги ва қалбига сингиб кетган бу жирканч ғояларни бегоналар эмас, балки Умнат орасида исломийлиги билан танилган одамлар ва ҳаракатлар қўллаб-қувватлаб, тарғиб қилдилар. Вазият узоқ вақт ўзгармай давом этди. Бироқ Ҳизб ут-Таҳрир унга қарши қаттиқ фикрий уруш бошлади. Бу урушда Ҳизб ушбу ғояларнинг бузуқлиги, уларнинг ёлғонлиги ва Исломдан бегоналигини фош қилди. Ҳизб ут-Таҳрир бу соҳада сезиларли ютуқларга эришиб, бузуқ ғояларни кўтариб юрган ва унга даъват қилаётганларни бурчакка тақади. Бу ғоялар Ҳизбнинг кескин зарбаларига дош беролмай, муслмонларнинг онги ва қалбидан аста-секин ўчиб кетди. Ҳатто, ўз мабдасининг бузуқлиги барчага аён бўлиб қолган кофир Фарб мамлакатларида ҳам одамлар онгидан ўчиб кетди.

Ҳизб ут-Таҳрир бу нарсаларни ўз нашрларида ошкор қилди. Улардан энг кўзга кўрингани «Демократия куфр низоми. Уни қабул қилиш ҳам, татбиқ этиш ҳам, унга чақириш ҳам ҳаромдир» рисоласидир. Ушбу рисоланинг кириш қисмида шундай дейилган: «Кофир Фарб муслмонларнинг юртларига олиб кирган демократия Исломга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган куфр низомидир. Бу низом ўзининг умумий тушунчалари, майда тафсилотлари, ҳосил бўлиш манбаи, келиб чиқиш ақидаси, қурилган асоси, олиб келган фикр ва қонунларида Ислом аҳкомларига тамоман зиддир». Аллоҳнинг марҳамати билан демократияни қўллаб-қувватлайдиганларнинг аксарияти ундан юз ўгирди. Айниқса, демократлар ўзларининг мафкурасини оёқ ости қилиб, Мисрда қонли тўнтариш уюштирган Сисийни қўллаб-қувватлаганларидан кейин ҳамда ўз халқини шафқатсиз зулм билан бошқарган диктатор Башар Асадни қўллаб-қувватлаганларидан кейин, аксарият одамлар демократиядан юз ўгирдилар.

### **4 – Ўзгартириш учун ҳизб ташкил этиш ва ҳизбий фаолият олиб боришни тақиқлаш:**

Исломни қайта бошқарувга олиб келмагунча муслмонлар ўз ҳаракатларини тўхтатмаслигини Фарб яхши билар эди. Шунингдек, бу иш яқка тартибда амалга ошмаслигини, фақатгина Ислом

мафқурасига асосланган интизомли, сиёсий ёки партиявий ҳаракатлар билангина амалга ошишини ҳам билар эди. Шунинг учун ҳаётини шайтонга сотган мусулмонлар ёрдамида ҳизбийлик тушунчасига ҳужум қилди. Ғарб ўзидаги партияларга ва уларнинг фаолиятига эътибор қаратиб, сиёсий майдонда ишлашлари учун имконият яратиб берди. Ғарб давлатларидаги сиёсий ҳаётни сиёсий плюрализм асосига қурди. Бироқ, мусулмонларнинг бундай ишлар билан шуғулланишини тақиқлади. Халифалик ағдарилгандан бери юртларимизда Ғарб назорати остида пайдо бўлган сиёсий режимлар социализм, ватанпарварлик, миллатчилик ва илмонийлик каби куфрга асосланган партияларнинг сиёсий фаолиятига рухсат бериб келди. Аммо Исломга асосланган сиёсий фаолиятни тақиқлаб, буни жиноят деб билишди. Чунки Ғарб Исломга асосланган сиёсий партиялар фаолиятининг ўзи тиклаган сохта ва малай режимлар учун хавfli эканини яхши билади. Зотан Исломнинг бошқарувга келишига йўл қўймаслик учун бу режимларни Ғарбнинг ўзи ўрнатган эди.

Ҳизб ут-Таҳрир Ислом мафқурасига асосланган биринчи партия бўлиб, Уммат орасида, у билан бирга иш олиб борди ҳамда Исломий Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашга ҳаракат қилди. Ундан олдин Ихвонул Муслим мавжуд эди. Аммо у интизомли, сиёсий партия эмас, балки даъват жамоаси эди. Улар 25 январ инқилобидан кейин демократияга асосланган сиёсий ўйинларда қатнашиш учун илмонийлик ва ватанпарварликка асосланган ва христиан шахс бошчилигидаги сиёсий партияга айландилар.

Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрир ҳизбий фаолият тушунчасига асос солиб, Умматга Исломий давлатни барпо этиш учун ҳизбий фаолиятнинг нақадар зарурлигини ёритиб берди. Кўп ўтмай, Умматнинг миллионлаб ўғлонлари – Ҳизб ут-Таҳрир биланми ёки бошқа исломий партиялар ва ҳаракатлар биланми, фарқсиз – Умматни «инсоният учун чиқарилган энг яхши Уммат» мақомига кўтаришга қаратилган ҳизбий фаолиятлар билан шуғулланишни бошлади. Умматни Ислом асосидаги ҳизбий фаолиятдан узоқлаштиришга ҳаракат қилаётган ҳамда куч ва қаламини бекорга сарфлаётган кимсалар эса, бу фаолиятлар олдида оғизларини очиб, нима қиларини билмай қолдилар. Умматга ҳақиқий ҳизбий фаолият фақат Ислом асосида иш юритадиган фаолият эканлиги ва бундай фаолият исломий бошқарувни қайта тиклашнинг ягона йўли эканлиги очиқ кўриниб қолди.

(Давоми бор) □

## ҲУД СУРАСИ МЕНИ ҚАРИТДИ...

﴿فَأَسْتَقِيمَ كَمَا أَمَرْتُ﴾

«БАС, (ЭЙ МУҲАММАД) ЎЗИНГИЗГА БУЮРИЛГАНИДЕК, ТЎҒРИ  
ЙЎЛДА БЎЛИНГИЗ» (1)

Доктор Муҳаммад Ҳивроний – Муборак Шом

Росулуллоҳ ﷺнинг даъвати бир неча босқичларни босиб ўтди. Биринчи босқич яширин давр бўлиб, у уч йилга яқин давом этди. Бу давр Пайғамбар ﷺга ва у кишининг даъватига биринчилардан бўлиб имон келтирган саҳобалар гуруҳини фикрий ва руҳий жиҳатдан тайёрлаш ҳамда таълим ва сақофат бериш босқичи бўлди. Пайғамбарликнинг учинчи йилдан кейин даъватни ошкора етказиш даври бошланди. Росулуллоҳ ﷺ бу даврни Сафо тепалигига чиқиб, Макка аҳлини даъват қилиш билан бошладилар. Ўшанда

﴿فَأَصْدَعُ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضُ عَنِ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъват қилишни) юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгиринг!»

[Ҳижр 94]

оятти нозил бўлган эди. Бу босқич фикрий ва сиёсий кураш орқали даъват қилиш билан ажралиб турди. Бу иш Қурайш зодагонлари ғазабини кўзғади. Росулуллоҳ ﷺ ўз яқинларининг паноҳида бўлиши ва амакиси Абу Толиб у кишини ҳимоя қилишига қарамай, Қурайш зодагонлари Росулуллоҳ ﷺга ва у кишининг саҳобаларига озор беришни кучайтириб юборишди.

Лекин Росулуллоҳ ﷺ учун энг қийин дамлар «ғам йили» деб номланган давр бўлди. Чунки Пайғамбар ﷺнинг амакиси Абу Толиб ва мўминлар онаси Хадича бинт Хувайлид رضي الله عنها айна шу йили вафот этганди. Зеро, улар Росулуллоҳ ﷺнинг суюнчиғи эдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ бу даврда қабилалардан нусрат-ёрдам талаб қилишга буюрилди. Саҳиҳ Бухорийнинг шарҳи бўлган Фатҳул Борий китобида шундай иборалар келган: «Ҳоким, Абу Нуайм ва Байҳақийлар Далоил китобида ҳасан иснод билан, Ибн Аббосдан, у эса Али ибн Абу Толибдан шундай ривоят қилади: Аллоҳ Таоло Пайғамбари ﷺни қабилаларга мурожаат қилишга буюргач, у зот билан биргаликда мен ва Абу Бакр ҳам Минога чиқдик...». Ушбу узун ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ ва у кишининг икки саҳобаси ҳаж мавсумида Минога чиққани ва араблар тўпланиб ўтирган жойларга бориб, уларни даъват қилгани ҳақида ривоят қилинади. Макризий айтади: «Росулуллоҳ ﷺ ҳаж кунлари



қабилаларга мурожаат қилиб, уларни Исломга даъват қилдилар. Улар Бану Омир, Ғассон, Бану Фазара, Бану Мурра, Бану Ҳанифа, Бану Сулайм, Бану Абас, Бану Наср, Саълаба ибн Укоба, Кинда, Калб, Бану Ҳорис ибн Каъб, Бану Узра, Қайс ибн Хотим ва Абул Юср Анас ибн Абу Рофеъ қабилалари эди». Воқидий бу қабилалар тўғрисидаги хабарларни бирма-бир ўрганиб чиқиб, шундай деган: Росулulloҳ ﷺ Кинда қабиласидан бошлаб, уларни Исломга даъват қилдилар. Сўнгра Бану Ҳанифа ва Бану Омирга келиб, уларга: **«Ким мени ўз қавмига олиб бориб, Роббимнинг рисолатини етказганимга қадар ҳимоя қилади, дедилар. Абу Лаҳаб эса, у кишининг ортида туриб, Унга қулоқ солманглар, у ёлғончи, дер эди»**. Аҳмад, (учинчи жилд, 492-493 саҳифалар). Ибн Ҳишом (иккинчи жилд, 64-65 саҳифалар).

Қабилалардан нусрат талаб қилиш Росулulloҳ ﷺ мана шундай қийин даврда буюрилган ишларнинг ичида ўзига хос, бошқаларидан ажралиб турадиган иш эди. Пайғамбар ﷺ ишнинг бошида Тоифга бордилар. Маккадан чиқиш қанчалик машаққатли бўлишига қарамай, бу ишга қўл урдилар. Зеро, Тоифда у кишига нусрат-ёрдам берадиган одамга йўлиқиш умиди бу ишга ундади. Лекин Тоиф зодагонлари қаттиқ нафрат ва адоватда бўлганликлари сабабли, Росулulloҳ ﷺнинг ишини масхара қилишга ҳаракат қилишди. Улар Росулulloҳ ﷺ ва у кишининг ҳамроҳи Зайд ибн Ҳорисага қарши аҳмоқ ва қулларни ишга солиб, уларни тош бўрон қилдиришди. Натижада, Росулulloҳ ﷺнинг муборак оёқларидан қон оқди. Бу – у зотнинг даъватидаги энг машаққатли кун эди.

Аслини олганда нусрат талаб қилиш осон иш эмас. Чунки бу қувват ва салтанат эгаларидан ўз тушунчалари, эътиқодлари ва салтанатларидан воз кечиб, етакчиликни сизга топшириши ва сизнинг ҳукмронлигингиз остига кириши деганидир. Росулulloҳ ﷺ кўтариб чиққан мабдани англамаган кимса, ўша пайтда Пайғамбар ﷺ ўз қавми орасида заиф бўлгани ва ҳеч нарса қилолмагани учун ҳижрат қилганлар, деб ўйлайди. Афсуски, бугунги кунда бундай фикрлаш ўзларини Ислом учун фаолият олиб бораётганлар қаторидамиз деб ҳисоблайдиганларда ҳам кузатилмоқда.

Росулulloҳ ﷺ Маккага қайтгач, Мутъим ибн Адийнинг ҳимоясида кирдилар. Чунки Аллоҳ Таоло Ўз Пайғамбарини ҳимоя қилишни Мутъимнинг қалбига солган эди. Мана шундан ҳеч қанча вақт ўтмай, Аллоҳ Таоло ўз Пайғамбарининг қалбини мустаҳкамлайдиган ва Тоифдаги машаққатни унуттирадиган буюк сайрга юборди. Бу – Исро ва Мерож сайри бўлиб, Росулulloҳ ﷺ унда буюк мўъжизаларга гувоҳ бўлдилар. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿لَقَدْ رَأَى مِنْ آيَاتِ رَبِّهِ الْكُبْرَى﴾

**«Дарҳақиқат у (ўша соатда) Парвардигорининг буюк оятларини (яъни У зотнинг қудрати илоҳийсига далолат қиладиган жуда кўп аломатларни), кўрди»** [Нажм 18]

Шундан сўнг, Исро сураси нозил бўлди. Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

﴿وَلَوْلَا أَنْ تَبَتَّنَا لَقَدْ كِدْتَ تَرْكُنُ إِلَيْهِمْ شَيْئًا فَلْيَلَا﴾

**«Агар Биз сизни (ҳақ йўлда) қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди»** [Исро 74]

Росулуллоҳ ﷺ ва саҳобаларига етган азоб хусусан мана шу даврда қаттиқ бўлди. Қурайш айнан мана шу даврга келиб Пайғамбар ﷺ га қаттиқ озор беришни бошлади. Чунки Пайғамбар ﷺ уларни айланиб ўтиб, даъват фаолиятини давом эттирар, Қурайш буни тушуниб турар эди. Росулуллоҳ ﷺ алоҳида бир вужуд бўлган қабилаларга ҳамда улардаги обрў ва эътиборга эга бўлган раҳбар, саййид ва етакчиларга даъватни етказишни кўзладилар. Шунинг учун қавми орасида таниқли, шарафли бўлган кишиларнинг Маккага келганларини эшитишлари биланоқ, улар билан учрашиб, Аллоҳнинг динига даъват қилар, ўзидаги нарсани уларга таклиф қилардилар. Қурайш эса, Пайғамбар ﷺ нинг даъвати қанчалик хатарли эканини англаган эди. Уларнинг етакчилари агар бу даъват керакли ҳимояга эришса, нафақат Қурайш, балки ҳар қандай золимга қарши барча нарсани остин-устин қилиб юборишини билишарди.

Шунинг учун Қурайш ва унинг етакчилари Пайғамбар ﷺ га ва у кишининг саҳобаларига – улар ёрдам ва ҳимояга эришмасликлари учун – босимни кучайтирди ҳамда одамлар билан боғланишларига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилди. Агар У киши одамлар билан учрашсалар, турли йўллар билан уни бузишга ҳаракат қилди. Пайғамбар ﷺ нинг амакиси Абу Лаҳаб у кишининг ортидан юриб, унга қулоқ солманглар, у ёлғончи дер эди. Росулуллоҳ ﷺ ҳаж мавсумида ва бозорларда одамларни даъват қилсалар, Абу Лаҳаб ва Абу Жаҳл (уларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин) тинмай у кишига озор берарди. Росулуллоҳ ﷺ ўзи даъват қилаётган кишиларнинг озорларига қўшимча бу иккисидан ҳам қаттиқ озор чекди.

Росулуллоҳ ﷺ қабилаларни даъват қилишдан тўхтамадилар. Қабилалар эса, у кишини хунук йўллар билан рад қилиб, озор берар эди. Улар: ўз қавми уни биздан кўра яхши билади, қавмини бузган киши бизни ислоҳ қиладими?! Уни қабул қилманглар, дейишар эди. Қурайш ҳожилар орасида «Муҳаммад – ўз динидан қайтган ҳамда ўзини Пайғамбарман дея даъво қилаётган Бану

Хошимлик бола», дея тарқатаётган миш-мишлар одамларга таъсир қилди. Бу ишлар Росулulloҳ ﷺ га озор берди. Чунки одамлар у кишини янада кўпроқ ёлфончига чиқарадиган ва даъватини қабул қилмайдиган бўлишди.

Мана шундай қийин даврда, яъни «ғам йили»да Аллоҳ Таоло Юнус, Худ ва Юсуф сураларини нозил қилди. Бу сураларда ўша давр характерини кўрсатиб берадиган оятлар нозил бўлди. Шунингдек, уларда Қурайшнинг қанчалик қайсарлик ва адоват қилгани акс этди. Бу давр даъват тарихидаги энг қийин ва машаққатли даврлардан бўлган эди. Хусусан Исро ва Меърож ҳодисаси ва унинг ғаройиботлари ортидан, мушрикларнинг мазаҳсираши, бундан олдин динга кирганларнинг муртад бўлиши, Пайғамбар ﷺ нинг Хадича онамизни йўқотишлари ва шу каби ишлардан сўнг бу давр қийин давр бўлди. Бундан ташқари, Қурайшнинг Пайғамбаримиз ﷺ га ва у зотнинг даъватига қарши бўлган ошқора уруши энг юқори чўққисига чиқди. Бу пайтга келиб, даъват ҳаракати музлаб, Макка ва унинг атрофидан деярли бирорта ҳам одам динга кирмай қўйди.

Ушбу давр ва унинг муҳити мазкур уч сура ва уларнинг мавзуларида ёритиб берди. Хусусан бу суралар Росулulloҳ ﷺ ва саҳобаларни ҳақда мустаҳкамлади ҳамда тошдек қотиб қолган ушбу жамиятда Росулulloҳ ﷺ нинг қалбини қийнаётган ёлғизлик, сиқилиш ва ғарибликка қарши тасалли берди. Росулulloҳ ﷺ дан ворид бўлган: **«Худ (сураси) мени қаритди»** ҳадиси ўша босқичдаги бўронлар янада қаттиқ бўлганини кўрсатади. Ибн Аббос رضي الله عنه айтади: Росулulloҳ ﷺ га

﴿فَأَسْتَقِيمُ كَمَا أُمِرْتُ﴾

**«Бас, (эй Муҳаммад) ўзингизга буюрилганидек, тўғри йўлда бўлингиз»** [Худ 112]

оятдан кўра қаттиқроқ оят нозил бўлмаган эди. Ушбу суралардаги оятлар ўша даврдаги ҳодисалар ҳақида нозил бўлиб, уларни муолажа қилди. Шунингдек, нафақат Росулulloҳ ﷺ, балки у кишига эргашган зотларнинг ҳамда куфр жамиятини Аллоҳнинг шариати ва ҳукмлари билан бошқариладиган жамиятга айлантириш учун ҳаракат қилаётган кишиларнинг Аллоҳ буюрган тариқат бўйича юришлари зарурлигини таъкидлади.

﴿وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

**«Имонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!»** [Моидда 50]

﴿فَأَسْتَقِيمُ كَمَا أُمِرْتُ وَمَنْ تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغَوْا إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

**«Бас, (эй Муҳаммад) сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилганидек, тўғри йўлда бўлингиз! Тўғёнга тушмангиз! Албатта, У зот қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир»** [Худ 112]

Биз бу даврда, хусусан мазкур уч сурада нозил бўлган оятлар мазмунини қуйидаги бандларда қисқача баён қилиб ўтмоқчимиз:

**Биринчи: Аллоҳнинг манҳажидида мустаҳкам туриш нусрат келишининг сабабидир:**

Бу даврда Аллоҳнинг дини қоим бўлиши учун Пайғамбар ﷺ даъватини ҳимоя қиладиган ва нусрат берадиган куч йўқ эди. Чунки бу дин ҳаётга ўзининг ҳақиқий таъсирини кўрсата олиши учун «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Росулulloҳ»дек асосий фикрат устига қурилган давлат ва султон бўлиши лозим. Зеро, бу давлат одамларга Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиб, даъватни ер юзига жиҳод орқали олиб чиқади. Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ни қабилаларга мурожаат қилиш ва улардан нусрат талаб қилиш орқали айна шу қувватни қўлга киритишга буюрди. Бу эса, Пайғамбар ﷺ ни ишнинг бошида Маккадан Тоифга чиқишга ундади.

Лекин Пайғамбаримиз ﷺ Тоифда бундай ишлар бўлиб кетишини кутмаган эдилар. Дарҳақиқат, у ерда бўлган иш у кишининг қалбига оғир ботди. Бухорий ва Муслимлар Оиша онамиз رضي الله عنها дан шундай ривоят қилишади: Оиша онамиз رضي الله عنها Росулulloҳ ﷺ га: Эй Аллоҳнинг Росули сиз учун Уҳуд кунидан ҳам оғирроқ кун бўлганмиди? – деб сўраганларида, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم:

«لَقَدْ لَقِيتُ مِنْ قَوْمِكَ وَكَانَ أَشَدَّ مَا لَقِيتُ مِنْهُمْ يَوْمَ الْعَقَبَةِ، إِذْ عَرَضْتُ نَفْسِي عَلَى ابْنِ عَبْدِ يَالِيلِ بْنِ عَبْدِ كَلَالٍ فَلَمْ يُجِئْنِي إِلَى مَا أَرَدْتُ، فَأَنْطَلَقْتُ وَأَنَا مَهْمُومٌ عَلَى وَجْهِي، فَلَمْ أَسْتَفِقْ إِلَّا بِقَرْنِ الثَّعَالِبِ، فَرَفَعْتُ رَأْسِي فَإِذَا أَنَا بِسَحَابَةٍ قَدْ أَطْلَعْتَنِي، فَنَظَرْتُ فَإِذَا فِيهَا جِبْرِيلُ، فَتَنَادَانِي، فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَدْ سَمِعَ قَوْلَ قَوْمِكَ لَكَ، وَمَا رُدُّوا عَلَيْكَ، وَقَدْ بَعَثَ إِلَيْكَ مَلَكَ الْجِبَالِ لِتَأْمُرَهُ بِمَا شِئْتَ فِيهِمْ، قَالَ: فَتَنَادَانِي مَلَكُ الْجِبَالِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ، ثُمَّ قَالَ: يَا مُحَمَّدُ، إِنَّ اللَّهَ قَدْ سَمِعَ قَوْلَ قَوْمِكَ لَكَ، وَأَنَا مَلَكُ الْجِبَالِ وَقَدْ بَعَثْتَنِي رُبُّكَ إِلَيْكَ لِتَأْمُرَنِي بِأَمْرِكَ، فَمَا شِئْتَ، إِنَّ شِئْتَ أَنْ أُطِيقَ عَلَيْهِمُ الْأُخْشَبِينَ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بَلْ أَرْجُو أَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يَعْبُدُ اللَّهَ وَحْدَهُ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا»

**«Қавмингиздан кўп нарса кўрдим. Уларнинг энг оғири Ақаба куни бўлган эди. Мен ўзимни (нусрат беришлари учун) Ибн Абдуялил ибн Абдукуллога рўпара қилдим. У менинг сўровимни қабул қилмади. (Мен у ердан) ғамгин ҳолатда чиқиб, бошимни эгиб юриб, Қарнуссаолибга етиб**

келганимни сезмай қолибман. Бошимни кўтаргандим, бир парча булут менга соя солиб турган экан. Қарасам, булутда Жаброил алайҳиссалом ўтирибди. Шу пайт у менга нидо қилиб, Аллоҳ Таоло қавмингизнинг сизга берган жавобларини эшитди ва сизга Тоғлар фариштасини (қавмингиз) ҳақида истаган нарсангизга буюришингиз учун юборди, деди. Шунда тоғлар фариштаси менга салом бериб айтдики: Эй Муҳаммад Аллоҳ Таоло қавмингизнинг сизга айтган сўзларини эшитди. Мен тоғлар фариштасиман. Роббингиз мени сизнинг буйруғингизни бажаришим учун юборди. Истасангиз шу икки тоғни уларнинг устига ёпиб қўяман – деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: Йўқ, мен уларнинг пуштикамарларидан ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган ва У зотга ҳеч кимни шерик қилмайдиган кишиларни чиқаришини Аллоҳ Таолодан умид қилиб қоламан, дедилар».

Росулulloҳ ﷺ ўша куни Аллоҳга илтижо қилиб, ўзининг куйидаги машҳур дуосини ўқиган эдилар:

«اللَّهُمَّ إِلَيْكَ أَشْكُو ضَعْفَ قُوَّتِي وَقِلَّةَ حِيلَتِي وَهَوَانِي عَلَى النَّاسِ، يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ، أَنْتَ رَبُّ الْمُسْتَضْعَفِينَ وَأَنْتَ رَبِّي، إِلَى مَنْ تَكَلِّمِي، إِلَى بَعِيدٍ يَتَجَهَّمُنِي، أَمْ إِلَى عَدُوِّ مَلَكَتُهُ أَمْرِي، إِنْ لَمْ يَكُنْ بِكَ عَلَيَّ غَضَبٌ فَلَا أَبَايَ، وَلَكِنَّ عَافِيَتَكَ هِيَ أَوْسَعُ لِي. أَعُوذُ بِنُورِ وَجْهِكَ الَّذِي أَشْرَقَتْ لَهُ الظُّلُمَاتُ، وَصَلَحَ عَلَيْهِ أَمْرُ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، مِنْ أَنْ تَنْزِلَ بِي غَضَبِكَ، أَوْ يَحِلَّ عَلَيَّ سَخَطُكَ، لَكَ الْعُنْتَى حَتَّى تَرْضَى، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِكَ»

«Аллоҳим! Ўзингга қувватим заифлигидан, чорам озлигидан, одамлар олдида ожизлигимдан шикоят қилурман! Эй раҳмиларнинг раҳмлиси, Сен заифҳолларнинг Парвардигорисан! Сен менинг Парвардигоримсан! Мени кимларга топшириб қўйдинг?! Ёқтирмайдиган нотанишларгами?! Ёки ишимни душманга топширдингми?! Агар менга ғазаб қилмаган бўлсанг, буларга эътибор бермайман! Фақат Сенинг офиятинг мен учун кенгдир. Еру осмонлар зиё таратишига, зулматлар ёришишига, дунё ва охираат ишлари ислоҳ бўлишига сабаб бўладиган юзинг нури ила, менга ғазабинг нозил бўлишидан ва қаҳринг тушишидан паноҳ тилайман. Токи, рози бўлгунингча узримни айтаман. Сендан ўзгада ҳеч қандай қувват ва қудрат йўқдир». Росулulloҳ ﷺнинг мазкур дуосидан у зотнинг қанчалар сиқилганини, қалбига қанчалар озор етганини кўришимиз мумкин. Иш шу билангина чекланмаган, балки

у зот ўз қавмидан ҳам қаттиқ озорланардилар. Бухорий ўзининг Тарихида, Табароний эса, Кабир китобида Мудрик ибн Мунибдан, у эса отасидан, у бобосидан ривоят қилган ҳадисда Мунибнинг бобоси айтади: Мен жоҳилият даврида Росулulloҳ ﷺнинг одамларга қарата

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ، قُولُوا: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، تَفْلِحُوا»

**«Эй одамлар! Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деб айтишлар, шунда нажот топасизлар»**, деб айтганини эшитганман: Шунда айрим одамлар у кишининг юзига қарата туфласа, айримлари тупроқ сочишди, яна баъзилари у зотни ҳақоратлади. Шу пайт, бир қиз қадаҳда сув олиб келди. Росулulloҳ ﷺ юзи ва қўлларини ювиб, у қизга

«يَا بَنِيَّة! لَا تَخْشِي عَلَيَّ أَيْبِكَ غَلْبَةً، وَلَا ذِلَّةً!»

**«Қизалоғим, отангизнинг мағлуб бўлиши ва хўрланишидан қўрқманг»**, дедилар. Шунда мен у қиз ким, дея сўрагандим, Росулulloҳ ﷺнинг қизи Зайнаб, дея жавоб беришди. Зайнаб ўша пайтда ширин қизча эди. (Бухорий Тарихул кабир китоби, Табароний Мўъжамул Кабир ва Мажмауз Завоид китоби).

Росулulloҳ ﷺ ушбу босқичда кўп озор чеккан бўлсаларда, ўз йўлида сабот билан туриб, ундан қилча ҳам оғишмадилар. Ўша пайтда нозил бўлган суралар оятлари бизга Росулulloҳ ﷺдан олдинги айрим Пайғамбарларнинг қилган ишларини баён қилиб берар экан, улар билан Росулulloҳ қилган иш ўртасида фарқ бўлганлиги кўринади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَالَ مُوسَى رَبَّنَا إِنَّكَ آتَيْتَ فِرْعَوْنَ وَمَلَأَهُ زِينَةً وَأَمْوَالًا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا رَبَّنَا لِيُضِلُّوا عَنْ سَبِيلِكَ رَبَّنَا اطْمِسْ عَلَى أَمْوَالِهِمْ وَأَشُدُّ عَلَى قُلُوبِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُوا حَتَّى يَرَوُا الْعَذَابَ الْأَلِيمَ ﴿٨٨﴾

قَالَ قَدْ أُجِيبَت دَعْوَتُكُمَا فَاسْتَقِيمَا وَلَا تَتَّبِعَانِ سَبِيلَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٨٩﴾

**«Мусо деди: «Парвардигоро, дарҳақиқат, Сен Фиръавн ва унинг одамларига ҳаёти дунёда зеб-зийнат ва мол-дунё ато этдинг. Парвардигоро, улар (мана шу мол-давлатлари билан одамларни) Сенинг йўлингдан оздиришлари учун шундай қилдинг. Парвардигоро, уларнинг мол-дунёларини йўқ қилгин, кўнгилларини қаттиқ қилгин, токи аламли азобни кўрмагунларича, имон келтирмасинлар»** [Юнус 88]

Бу оятлардан қуйидагилар тушунилади: ўша пайтда Аллоҳнинг ҳар икки элчиси ҳам Парвардигордан тезроқ нусрат бериб, кофир қавми ҳалок қилишини сўрашган. Лекин Аллоҳ Таоло уларнинг дуосини қабул қилган бўлса-да, ҳар иккисига ҳам итоб қилиб, уларга даъват йўлида мустаҳкам туришлари зарурлигини

эслатмоқда. Бирок, нусрат – аксар муфассирларга кўра – қирқ йилдан кейин келган.

Аммо Жаброил ﷺ Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурларига тоғлар фариштаси билан бирга келиб, у кишини ёлғончига чиқарган ва озор берган Тоиф аҳли устига икки тоғни тўнтариб қўйишни сўрашганида, Пайғамбар ﷺ бунни рад этиб, бундай жавоб берганлар:

«أَرْجُو أَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يَعْبُدُ اللَّهَ وَحْدَهُ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا»

**«Йўқ, мен уларнинг пуштикамарларидан ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган ва У зотга ҳеч кимни шерик қилмайдиган кишиларни чиқаришини Аллоҳ Таолодан умид қилиб қоламан».** Аллоҳ Таолонинг Ўз Пайғамбарини марҳаматли ва меҳрибон дея сифатган сўзи нақадар ростдир.

﴿لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنْفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ عَلَيْكُمْ بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ﴾

**«(Эй инсонлар), ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл-ҳақ динга келишингизга) ҳарис-ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар келди-ку!»** [Тавба 128]

Шунингдек, ушбу суралардаги оятлар Аллоҳнинг Пайғамбари Юнус ﷺ ҳақида ҳамда у зотнинг ўз қавмидан Аллоҳнинг азоби аниқ тушади, деган гумон билан шошилиб чиқиб кетгани, лекин Юнус ﷺ гумон қилган нарсанинг тамоман тескариси бўлгани ҳақида баён қилади. Дарҳақиқат, Юнус ﷺнинг қавми Аллоҳнинг азоби келишидан олдин имонга келган эди. Шу сабабли Аллоҳнинг азоби кўтарилиб, улар яна бир қанча вақт яшашган эдилар. Юнус ﷺ эса, қилган ишига муносиб жазоланиб, уни балиқ ютиб юборди. Бу билан маломатга учради. Агар у тасбеҳ айтгувчилардан бўлмаса эди, албатта у (балиқ) қорнида қиёмат кунига қадар қолиб кетган бўлур эди.

Бу сураларда яна Аллоҳнинг Пайғамбари Лут ﷺ ўз қавмини залолатдан қайтмаётганига гувоҳ бўлгани, уларни қайтаришга кучи етмагани ҳамда бу йўлда ўзига ёрдамчи бўлишини умид қилгани баён қилинади. Лут ﷺ қайғу ва итоаткорлик билан бундай дейди:

﴿قَالَ لَوْ أَنَّ لِى بِكُمْ قُوَّةٌ أَوْ آوَاىَ إِلَىٰ رُكْنٍ شَدِيدٍ﴾

**«(Лут) деди: Қани эди, сизларга кучим етса ёки кучли бир суянчиғим бўлса»** [Худ 80]

Дарҳақиқат Лут ﷺ ўзи учун куч, ансор ва ёрдамчи бўлишини умид қилганлар. Қуртубий тафсирида Лут ﷺнинг суянчиқдан мақсади

шерик ва ҳимоя бўлганлиги айтилади. Росулulloҳ ﷺ бу ҳақда бундай деганлар:

«يَرْحَمُ اللَّهُ لَوْطًا لَقَدْ كَانَ يَأْوِي إِلَى رُكْنٍ شَدِيدٍ»

**«Аллоҳ Таоло Лутни раҳмат қилсин, дарҳақиқат у кучли суюнчиқни хоҳлаган эди».**

Ушбу суралардаги оятлар Пайғамбар ﷺдан даъват йўлида мустаҳкам туришни нафақат талаб қилди, балки даъватчининг хаёлига келиши мумкин бўлган ҳар хил ишлардан ҳам огоҳлантирди. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺга даъват йўлини юксак аниқлик билан чизиб берди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَأَسْتَقِمَّ كَمَا أَمَرْتِ وَمَنْ تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغَوْا إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١١٢﴾ وَلَا تَرَكُنَّوْا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ﴾

**«Бас (эй Мухаммад), сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилган янглиғ Тўғри йўлда бўлингиз! Туғёнга тушмангиз! Албатта, У зот қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир. Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирор дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас»** [Худ 112-113]

Бу оятларда туғёнга туриши ва золимларга эргашуши каби нусратга тўсқинлик қиладиган айрим тўсиқлар айтиб ўтилди. Йўлни баён қилиб, кўрсатиб бериш ва унда тўғри-мустаҳкам туришни талаб қилиш «ғам йили»да нозил бўлган сура ва оятларгагина чекланиб қолгани йўқ. Балки давлат тикланишига ва Росулulloҳ ﷺнинг ҳижрат қилишига яқин қолган кунларда ҳам бу каби оятлар нозил бўлиши тўхтамади.

﴿شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّى بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ كَبُرَ عَلَى الْمُشْرِكِينَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ اللَّهُ يَجْتَبِي إِلَيْهِ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي إِلَيْهِ مَنْ يُنِيبُ﴾

**«(Эй мўминлар, Аллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нуҳга буюрган нарсани ва Биз сизга (яъни Мухаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсани – шариат-(қонун) қилди, — «Динни барпо қилинглари ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглар!» (Эй Мухаммад), мушрикларга сиз даъват қиладиган нарса (яъни, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш) зўр келди-оғирлик қилди. Аллоҳ у (динга) ҳидоят топиш учун Ўзи хоҳлаган кишиларни**



**сайлар ва Унга (ёлғиз Аллоҳга) илтижо қиладиган кишиларни хидоят қилур»** [Шўро 13]

﴿فَلْيَدْلِكْ فَادْعُ وَأَسْتَقِمْ كَمَا أَمِرْتُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَقُلْ ءَامَنْتُ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنْ كِتَابٍ وَأَمِرْتُ لِأَعْدِلَ بَيْنَكُمْ اللَّهُ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ لَنَا أَعْمَلْنَا وَلَكُمْ أَعْمَلَكُمْ لَا حُجَّةَ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ اللَّهُ يَجْمَعُ بَيْنَنَا وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ﴾

**«Бас, (эй Муҳаммад), мана шунинг учун (яъни аввалги қавмлар фирқа-фирқа бўлиб кетганлари сабабли йўлдан озганлари учун — сиз ўз умматларингизни бирлик-иттифоққа) даъват қилинг ва ўзингизга буюрилгандек, янглиғ Тўғри йўлда бўлинг ҳамда уларнинг (мушрикларнинг) ҳавойи нафсларига эргашманг! Айтинг: «Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир Китобга имон келтирдим ва сизларнинг ўртангизда (мендан сўраб келган муаммоларингизни ҳал этишда) адолат қилишга амр этилдим. Аллоҳ Парвардигоримиз ва Парвардигорингиздир. Бизларнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ўзларингиз учундир. Бизлар билан сизларнинг ўртангизда бирор жанжал йўқдир. Аллоҳ (Қиёмат кунида) барчамизни жамлар ва ёлғиз Унга қайтиш бордир»** [Шўро 15]

Аллоҳ Азза ва Жалла бу оятларда Ўз Росулининг вазифасини аниқ баён қилиб берди. У зот ўз Пайғамбарини уларнинг ўртасида адолат қилиш, Аллоҳнинг шариатини тиклаш ва шариат ҳукмларини татбиқ этишга буюрди. Зеро, шариат ҳукмлари адолат нишони бўлиб, Росулulloҳ ﷺ бу ҳақда

﴿وَأَمِرْتُ لِأَعْدِلَ بَيْنَكُمْ﴾

**«Мен сизларнинг орангизда адолат ўрнатишга буюрилдим»,** деган эдилар. Бу эса, шариат ҳукмларини қоим қиладиган давлат орқали Ислому салтанатини ўрнатиш билан бўлади.

Аллоҳ Таоло ўз манҳажини зулм ва туғёнга барҳам бериш учун нозил қилди. Зулм ва туғён йўли билан ғолиб қилмади. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ Қурайшга қарши золимлардан ёрдам сўрамадилар. Пайғамбар ﷺ: **«Албатта у ўз кўшнисига зулм қилмайди»**, дея сифатлашига қарамай, насроний динидаги Ҳабашистон подшоҳидан ва Румдан нусрат талаб қилмадилар. Шу ўринда айрим сиёсий майдонда фаолият олиб бораётган исломий жамоаларни, айниқса, золимлардан ёрдам сўраш ва уларга суяниш тузоғига илинганларни эслаб ўтиш лозим. Зеро, улар ўша золимлардан сиёсий мақсадда берилган ифлос пулларни олиб, кишанланиб қолишди. Бу эса, уларни туғёнга етаклади. Натижада, тўкилиши ҳаром ҳисобланган қонни тўкиб, ён беришларга рози

бўлишди. Бунинг ортидан ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам йўқ қилишди. Шу билан Умнат учун ортиқча юкка айланиб, унинг ўзлиги ва ҳукмронлигини қайта тиклаш йўлига ғов бўлишди.

Росулуллоҳ ﷺ ўзлари йўлиққан барча озорларга қарамай, Аллоҳ Таоло буюрганидек, ўз тариқатига маҳкам боғланган ҳолда, йўлда давом этдилар. Лекин у киши нусрат талаб қилишда турли услубларни ишга солди. Баъзан қабилаларнинг яшайдиган жойларига борар ва бунда Қурайш назаридан йироқ бўлишга ҳаракат қилар эди. Ҳатто тунда бориш зарур бўлса, борардилар. Боргач, қабила етакчилари билан қайноқ баҳс-мунозара қиларди. Ёрдам берадиган ва ҳимоя қиладиган кишига муҳтож бўлиб турган бир пайтда, яъни даъватнинг энг оғир дамларида ҳар хил савдолашиш ва йўлдан уришларга йўлиққанлар. Лекин қанчалик арзимас бўлмасин, барча турдаги чекинишлардан воз кечганлар. Масалан, Омир ибн Саъсаа қабиласи элчиларининг нусрат эвазига имтиёз бериш таклифини рад қилганлар. У Зотнинг ҳолатидан «Аллоҳ ўз динига албатта нусрат беради», деган нарсани кўриниб турарди. Росулуллоҳ ﷺ Бану Шайбон элчилари таклиф қилган яримтаки нусратдан воз кечдилар. Улар форслар подшоҳи билан бўлган келишувларини аниқ ифодалаб, Пайғамбаримиз ﷺга «Биз Кисрога ҳеч қандай янгилик пайдо қилмаслик ва янгилик пайдо қилган кишига бошпана бермаслик борасида аҳд берганмиз. Эй қурайшлик биродар, мен сиз чақираётган нарсани подшоҳлар ёқтирмаслигини кўриб турибман. Шунинг учун араб сувлари томонда нусрат беришимиз ва ҳимоя қилишимизни хоҳласангиз, майли нусрат берамиз», дейишди.

Шунда Росулуллоҳ ﷺ айтдилар:

«مَا أَسَأْتُمْ الرَّدَّ إِذْ أَفْصَحْتُمْ بِالصِّدْقِ، وَإِنَّ دِينَ اللَّهِ - عَزَّ وَجَلَّ - لَنْ يَنْصُرَهُ إِلَّا مَنْ حَاطَهُ مِنْ جَمِيعِ جَوَانِبِهِ، أَرَأَيْتُمْ إِنْ لَمْ تَلْبَثُوا إِلَّا قَلِيلًا حَتَّى يُورِثَكُمُ اللَّهُ تَعَالَى أَرْضَهُمْ وَدِيَارَهُمْ، وَيُفْرِشَكُمُ نِسَاءَهُمْ، أَتَسْبَحُونَ اللَّهَ وَتَقْدَسُونَ؟»

**«Хунук тарзда рад қилмасдан, тўғриси айтдинглар. Лекин Аллоҳнинг динига унинг барча томонларини ҳимоя қила оладиган кишигина ёрдам беради. Ўйлаб кўринглар, ҳеч қанча вақт ўтмай, Аллоҳ Таоло уларнинг ерлари ва юртларини сизларга мерос қилиб беради, аёллари сизларга фаррошлик қилади. Шу боис, Аллоҳга тасбеҳ айтиб, уни улуғлайсизларми?»** Шунда уларнинг етакчиларидан бири бўлган Нўъмон ибн Шарик исмли киши:

Сенга шу нарса насб қилсин, деди. Абу Нуаймнинг Далоилуннубувва китоби, 214-саҳифа.

Пайғамбар ﷺ кофирлар билан Аллоҳ Таолонинг нусратига аниқ ишонган ҳолда суҳбатлашар, уларга Аллоҳнинг иши албатта амалга ошишини, бу нарса фақатгина вақт масаласи эканини тушунтирар эдилар. Шунингдек, агар азиз бўлишни истасангиз менга нусрат бериб, ҳимоя қилишингиз лозим, деб айтардилар.

Шунинг учун мусулмонлар, хусусан бугунги кундаги даъватни кўтариб чиқаётган кишилар Аллоҳ Таоло буюрган айни мана шу тариқатни маҳкам ушламоқлари лозим. Мусулмонлар, хусусан қувват ва ҳимоя аҳли ҳамда қўшин қўмондонлари динимизга нусрат беришлари керак. Чунки бу дин фақат мана шу йўл билангина барпо бўлади. Аллоҳнинг динига фақатгина қувват эгаларидан иборат мусулмон фарзандлари нусрат-ёрдам беради. Бу – динни қоим қилиш ва давлат барпо этишнинг тариқати бўлиб, Аллоҳ Таоло ўз элчисига айни мана шу тариқатни буюрган.

### **Иккинчи: Даъватга бор кучни сарфлаш:**

Агар Аллоҳ Таоло бандаларини бирор ишга буюрган бўлса, У буюрган ҳар бир ишда яхшилик бор. Шунинг учун Аллоҳнинг буйруғини бажариш ҳамда кўзланган ғояни рўёбга чиқариш йўлида бандалар ўзларининг энг қадрли нарсаларини сарфламоқлари лозим. Зеро, Аллоҳ инсоннинг бу дунёда бахт-саодатга эришиши ва охирадда нажот топишини шу ғоянинг рўёбга чиқишига боғлиқ қилиб қўйган. Даъватчи чарчоқ билмай, малолланмай ҳаракат қилиши, ўз ишида сабот билан туриши ҳамда мақсадга етгунига қадар, Аллоҳ кўрсатиб берган тариқат бўйича юриши лозим.

Даъватчи эртаю кеч, қийинчилик ва енгиллик пайтида ҳам, уйдаю сафарда даъват қилишга одатланиши лозим. Қуръон оятлари хабар беришича, Юсуф عليه السلامнинг қамоқдаги даври у кишининг қалбига қаттиқ ботган бўлса-да, бироқ имконият очилиши учун қулай фурсат бўлган. Мисрда, азизнинг уйида, подшоҳга яқин бўлган давр эса, бунинг акси бўлган. Чунки бу даврнинг охири қамоқ бўлган эди. Шунинг учун даъватчи мана шу ишдан огоҳ бўлиши ва инсон ўз ақли билан яхши ва ёмонни ажрата олмаслигини билиши зарур. Демак, мусулмон киши фақат Аллоҳнинг буйруғини маҳкам тутиши лозим. Чунки эргашиш учун энг ҳақли бўлган нарса Аллоҳнинг буйруғидир. Мақсадга етишишнинг йўли бор кучни амалда сарфлашдир.

Ялқов ва ғайратсиз киши мақсадга ета олмайди. Қуръон оятлари шу ҳақда тўхталиб, хусусан биз муносабат билдираётган ушбу босқичда айна шу нарсага ишора қилиб, огоҳлантиради. Мўмин ва муҳсин ҳолда ҳаракат қилаётганларга икки яхшиликдан бирини ваъда қилади.

Фурқон сураси Исро сурасидан олдин нозил бўлди. Аллоҳ Таоло унда ўз элчисига хитоб қилиб, бундай дейди:

﴿وَلَوْ شِئْنَا لَبَعَثْنَا فِي كُلِّ قَرْيَةٍ نَذِيرًا ﴿٥١﴾ فَلَا تُطِيعُ الْكٰفِرِيْنَ وَجٰهِدْهُمْ بِهٖ ۙ جِهَادًا كَبِيْرًا ﴿٥٢﴾﴾

**«Агар Биз хоҳласак, ҳар қишлоқ-шаҳарга бир (охират азобидан) кўрқитгувчи-пайғамбар юборган бўлур эдик. (Лекин Биз барча қишлоқ-шаҳардан охират азобидан огоҳ қилиш бурчини сизнинг зиммангизга юкладик). Бас сиз кофир кимсаларга бўйсунманг ва (Қуръон) ёрдамида уларга қарши қаттиқ курашинг!»** [Фурқон 51-52]

Куфрга қарши курашда кучли ҳаракат ва катта жиҳод зарур бўлади. Бу нарса бор кучни сарфлаш бўлиб, унда кучли ва собит имонга ҳамда эҳсонга эҳтиёж сезилади. Аллоҳга бўлган имоннинг энг юқори даражаси ҳам мана шудир. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿لِّلَّذِيْنَ اٰحْسَنُوْا اَلْحُسْنٰى وَزِيَادَةٌ ۗ وَلَا يَرْهَقُ وُجُوْهُهُمْ قَتْرٌ ۗ وَلَا ذُلٌّ ۗ اُوْلٰٓئِكَ اَصْحٰبُ الْجَنَّةِ ۗ هُمْ فِيْهَا خٰلِدُوْنَ﴾

﴿فِيهَا خٰلِدُوْنَ﴾

**«Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир. Уларнинг юзларини на қаролик ва на хорлик қоплар. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар»** [Юнус 26]

Амални чиройли қилиб бажариш даъватчининг сифати бўлиши зарур. Чунки бирор бир ишни шунчаки бажариб қўйиш Аллоҳнинг ёрдамига лойиқ бўлиш учун етарли эмас, балки ўша ишни чиройли тарзда бажариш зарур. Амални чиройли тарзда бажариш даъватчининг сифатига айланиши керакки, унинг ҳар қанча қийинчиликларга юз тутиши, ён-атрофи турли хил чигалликлар билан ўралгани бунга таъсир қилмаслиги керак. Қуръон оятлари бизга шуни эслатадики, Аллоҳнинг Пайғамбари Юсуф عليه السلام ўзининг кескин ўзгаришларга гувоҳ бўлган ҳаёти давомида барча ишларни чиройли тарзда амалга оширганлар. Масалан, азизнинг уйдаги қуллик даврида ҳам, қамоқдаги маҳбуслик ҳолатида ҳам ишларни чиройли тарзда бажариш у кишида аниқ кўриниб турарди. Ҳатто подшоҳ хузурида Мисрнинг

азизи бўлиб турган пайтида ҳам ишларни чиройли тарзда амалга оширганлар.

﴿وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُ ءَاتَيْنَاهُ حُكْمًا وَعِلْمًا وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ﴾

**«Қачонки (Юсуф) вояга етгач, унга ҳикмат ва билим бердик. Биз чиройли амал қилгувчи зотларни мана шундай мукофотлаймиз»** [Юсуф 22]

﴿وَدَخَلَ مَعَهُ السِّجْنَ فَتَيَانٍ قَالَ أَحَدُهُمَا إِنِّي أَرْنِي آخِصْرُ خَمْرًا وَقَالَ الْآخَرُ إِنِّي أَرْنِي آخِصْرُ خَمْرًا وَقَالَ الْآخَرُ إِنِّي أَرْنِي آخِصْرُ خَمْرًا وَقَالَ الْآخَرُ إِنِّي أَرْنِي آخِصْرُ خَمْرًا وَقَالَ الْآخَرُ إِنِّي أَرْنِي آخِصْرُ خَمْرًا﴾

﴿فَوْقَ رَأْسِي خُبْرًا تَأْكُلُ الطَّيْرُ مِنْهُ نَبِينًا بِتَأْوِيلِهِ إِنَّا نَرَاكَ مِنَ الْمُحْسِنِينَ﴾

**«Зиндонга у билан бирга яна икки йигит тушган эди. Улардан бири (яъни, илгари ҳокимнинг соқийси бўлган йигит): «Мен тушимда шароб тайёрлаётган эмишман», деди. Бошқаси эса (яъни, илгари ҳокимнинг новвойи бўлган йигит): «Мен бошим устида нон кўтариб турганмишман, қушлар ундан еяётган эмиш. Сен бизга шунинг таъбирини айтиб берсанг. Биз сенинг чиройли амаллар қилгувчи киши эканлигингни кўриб турибмиз», деди»** [Юсуф 36]

﴿قَالُوا يَا أَيُّهَا الْعَزِيزُ إِنَّ لَهُ أَبًا شَيْخًا كَبِيرًا فَخُذْ أَحَدَنَا مَكَانَهُ إِنَّا نَرَاكَ مِنَ الْمُحْسِنِينَ﴾

**«Сўнг улар дедилар: «Эй улуғ зот, унинг бир кекса отаси бор. Сен унинг (Биняминнинг) ўрнига бизлардан биримизни олиб қолгин. Зотан бизлар сенинг чиройли амалларни қилгувчи зотлардан эканлигингни кўрмоқдамиз»** [Юсуф 78]

Кимки даъватни кўтариб чиқишда ўзининг вазифасини чиройли тарзда адо этса, у учун Аллоҳнинг ваъдасини кутишдан бошқа нарса қолмайди. Зеро, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Аллоҳ Таоло мўмин бандаларига уларни ғолиб қилиб, нусрат беришни ҳамда чиройли амал қилувчилар амалини охиратда зое кетказмасликни ваъда қилган.

﴿ثُمَّ نُجِّى رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا كَذَلِكَ حَقًّا عَلَيْنَا نُنَجِّ الْمُؤْمِنِينَ﴾

**«Сўнгра (яъни қиёмат келиб, азоб нозил бўлгач), пайғамбарларимиз ва имон келтирган зотларга нажот берурмиз. Шундай қилиб, (охир-оқибатда) имон келтирган зотларга нажот бериш Бизнинг зиммамиздаги бурч бўлди»** [Юнус 103]

﴿وَكَذَلِكَ مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِي الْأَرْضِ يَتَّبِعُونَ مِنْهَا حَيْثُ يَشَاءُ نُصِيبُ بِرَحْمَتِنَا مَنْ نَشَاءُ وَلَا نُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ﴾

**«Шундай қилиб, Юсуфни (Миср) еридан ўзи хоҳлаган жойда манзил-маскан тутиб яшайдиган мақомга эриштирдик. Биз фазлу марҳаматимизни Ўзимиз хоҳлаган кишиларга етказурмиз ва чиройли амал қилгувчи зотларнинг ажр-мукофотини зое қилмасмиз»**

[Юсуф 56]

﴿قَالُوا أءَنتَ يَا يُّوسُفُ قَالَ أَنَا يُوسُفُ وَهَذَا أَخِي قَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَيْنَا إِنَّهُ مَن يَتَّقِ وَيَصْبِرْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ﴾

**«Улар: «Сен Юсуфмисан?» деб сўрадилар. «Ҳа, мен Юсуфман, бу эса биродаримдир. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди (яъни шунча йиллик айрилиқ азобидан кейин бизни яна бирлаштирди). Дарҳақиқат, кимда-ким Аллоҳдан кўрқиб, сабру қаноат қилса, албатта Аллоҳ бундай чиройли амалларни қилгувчи кишиларнинг ажру мукофотини зое қилмас», деди у»**

[Юсуф 90]

Амалга бор кучини сарфлаб, чиройли тарзда бажариш даъватчининг характериға айланиб қолиши лозим. Нега ҳам бундай бўлмасин. Ахир у ҳақ манҳажга даъват қилиб, Аллоҳ одамларни ҳидоятга бошлаб, зулматларини кетказувчи нур машъалини кўтариб чиқмоқда-ку.

Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ бундай дедилар:

﴿دَعُونِي مَا تَرَكْتُمْ، إِنَّمَا هَلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ بِسُؤَالِهِمْ وَاجْتِلَافِهِمْ عَلَىٰ أَنْبِيَائِهِمْ، فَإِذَا نَهَيْتُمْ عَن شَيْءٍ فَاجْتَنِبُوهُ، وَإِذَا أَمَرْتُمْ بِأَمْرٍ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ﴾

**«Мен сизларга айтмаган нарсаларда кўп савол бераверманглар. Чунки сизлардан олдинги қавмлар ўз Пайғамбарлари билан келиша олмаслиги ва саволлари туфайли ҳалок бўлишган. Агар мен сизларни бир нарсадан қайтарган бўлсам, ундан четланинглар. Агар бир ишга буюрсам, уни қўлинглардан келганича бажаринглар». □**

## Судан (Исроил) делегациясига мудофаа саноати объектини бориб кўришга рухсат берди

Судан давлат кенгаши аъзоси Муҳаммад Факий Сулаймон «Ҳикоят» газетасига берган интервьюсида (Исроил) делегациясининг яқинда Хартумга келгани ва қуролли кучларга қарашли мудофаа саноати объектини бориб кўргани ҳақида гапирди. У жумладан бундай деди: «Ушбу ташриф сиёсий эмас, балки соф ҳарбий характерга эга ташрифдир. Ҳозир бу ҳақида гапиришнинг ўрни эмас». У қўшимча қилар экан, «Исроил делегацияси Суданга бўлган ташрифини қуролли кучларга қарашли мудофаа саноати объектини зиёрат қилиш билан бошлади ва у ердаги ҳарбийлар билан учрашди», деди. Муҳаммад Сулаймон айтиб ўтди, ки объект ва делегация ташрифининг аниқ вақти ҳақида ҳеч нарса айтмади. Бундан олдинроқ араб тилида эфирга узатиладиган «Кана» телерадиокомпанияси 2020 йил 30 ноябр душанба куни «Исроил делегацияси Суданга жўнаб кетди», деб хабар берган эди. Лекин Судан вазирлар кенгаши ўша куни делегациянинг мамлакатга келганидан хабари йўқлигини айтган. «Судан Тербиюн» сайти ҳукумат номидан сўзловчи ва ахборот вазири Файсал Муҳаммад Солиҳнинг «Вазирлар кенгаши Исроил делегациясининг ташрифи ҳақида маълумотга эга эмас», деган сўзларини нашр қилди. У яна қўшимча қилиб «Ҳеч бир давлат органи биз билан бу ҳақда боғланмаган. Бизда делегация таркиби ва уларни чақириб, кутиб олганлар ҳақида маълумот йўқ», деди.

**Ал-Ваъй:** Агар воқеа-ҳодисалар ҳақида берилган баёнотларда бирор бир чалкашлик бўлса, демак қандайдир хиёнат яширилаётган бўлади. Бу ерда яна эътиборни тортадиган нарса шуки, Судан ва яҳудий вужуди ўртасидаги муносабатлар нормаллашуви сиёсий, иқтисодий, фуқаролик, ҳарбий, хавфсизлик каби барча соҳаларда олиб борилмоқда. Муносабатлар нормаллашуви учун узоқ вақт сарфланган бўлиб, шундан кейингина у ҳақда эълон қилинди. яҳудий вужудининг ташрифини ҳарбий марказларни душманга очиб бериш деб таърифлаш мумкин. Бу эса, хиёнат саналади. Шунинг учун улар буни инкор қилишмоқда.

**«Биз ўзимизни супер эркаклар деб ўйлабмиз»...  
Юнон руҳонийлари огоҳлантирувларга эътиборсиз  
қарашгани туфайли коронавирус бўронига юз тутишди**

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Греция православ черкови вакиллари орасида Коронавирус тарқалиши ортидан, мамлакатга коронавирусни ўшалар олиб келди деган танқидлар янгради. Афтидан, қаттиққўл руҳонийларнинг ҳукумат чораларига қарши чиқиши ҳамда тановул маросимида винога ботирилган «муқаддас нон»нинг битта қошиқда истеъмол қилинишида барча санитария қоидалари бузилган. Балки уларнинг бир қанчаси тановул маросимига бўлган имон одамларни коронавирусдан сақлайди, дея қайсарлик ҳам қилишган. Черковга бўлган танқидларнинг энг кучлиси эса, ўзларининг ичидан чиқди. Епископ Антимос бундай деди: «Биз ўзимизни супер эркалар деб ўйлаган эканмиз. Дарҳақиқат, биз ютқаздик, коронавирус бизни қабрга етакламоқда». Салоникидаги илоҳиётчи, руҳоний Георгиос Милкас Ассошиэйтед Пресс газетасига шундай интервью берди: «Коронавирус муқаддас идишларда овқат тановул қилиш орқали тарқалганида заррача шубҳа йўқ».</p>		
<p>Фордхем университетидаги православ тадқиқотлар марказининг директор ўринбосари Жорж Демакопулос айтади: «Афтидан айрим дин арбоблари ва руҳонийлар худди касалликка қарши эмлангандек иш тутишмоқда. Биз бундай фикрлашнинг ёмон натижаларига гувоҳ бўлиб турибмиз».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Черков Исломдан фарқли ўлароқ, илм-фан динга зид келади, деган тушунчага асосланиб келган. (Черковнинг етакчи ҳайъати бўлган муқаддас синод тановул маросими орқали касаллик юқиши мумкинлиги тўғрисидаги гапларни шаккоклик, деб ҳисоблайди). Черков бугун яна бир марта ўз ҳовлисида мағлубиятга учраб, ўз тарафдорларининг ўлимига сабаб бўлмоқда... Ислом эса, ҳақни ёйиш ва ботилни йўқ қилиш учун илмдан куч олаётган дин эканини яна бир бор исботлади.</p>		
<p><b>Гардиан: Мусулмон шахсларга оид маълумотлар АҚШ армиясига сотилди</b></p>		
<p>Британияда чиқадиган «Гардиан» газетасининг «Арабий 21» сайти томонидан таржима қилинган ҳисоботида кўра, Америка фуқаролик эркинликлар иттифоқи (ACLU) Нью-Йоркдаги «CUNY School of Law» унверситети билан ҳамкорликда уч йил мобайнида «Muslim pro» иловаси орқали тўпланган маълумотларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқда. Айни иловодан юз миллионга яқин мусулмон қиблани топиш ва намоз вақтларини белгилашда фойдаланади. Шунингдек, иловода</p>		



ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>ҳалол дўконлари ва рамазон рўзаси вақтлари ҳақида маълумотлар бор. Америка фуқаролик эркинликлар иттифоқи (ACLU) шуни фош қиладики, «Muslim pro» иловаси билан алоқада бўлган битта технология компанияси айти илова фойдаланувчиларининг турган жойлари тўғрисидаги шахсий маълумотларни АҚШнинг мудофаа ва ҳарбий пудратчиларига сотган. Фуқаролик эркинликлари иттифоқи ушбу маълумотлардан АҚШ ҳукуматининг қандай фойдаланганини билиш учун сўров юборган. У ўзининг твиттердаги саҳифасида «Бутун дунёдаги «Muslim pro» иловаси фойдаланувчиларининг маълумотларини йиғиш диний ва шахсий эркинликка жиддий таҳдид ҳисобланади», дея таъкидлади. У яна бундай кўшимча қилди: «Жамиятнинг шахсий ҳаётига узоқ даврдан бери бўлаётган ушбу аралашув одамларнинг эътиқодларига нисбатан навбатдаги хиёнат бўлиб, одатда Америка агентликлари томонидан конституцияга зид равишда амалга ошириладиган ишлар туркумига киради».</p>		
<p>Мазкур сўров 10та федерал идорага қарши тақдим этилган бўлиб, улар орасида барча армия филиаллари, Марказий Разведка Бюроси (ЦРУ), Федерал Тергов Бюроси (ФБР) каби идоралар бор. Таъкидланишича, маълумотларни сотиш мусулмонларга қарши дискриминация бўлиб, асосиз равишда мусодара қилиш ва тинтув ўтказишни ман қилувчи конституциядаги тўртинчи тузатишни бузиш ҳисобланади. Аригон штатидан демократлар вакили сенатор Рон Вайден мобил телефонлардаги йиғилган маълумотлардан миллий хавфсизлик вазирлиги ордерсиз фойдалангани учун тергов-суриштирув ўтказишга ваъда берган.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу каби хабарлар шуни фош қилмоқдаки, эркинлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни даъво қилаётган Фарб давлатлари энг катта бузғунчи ва дунё бахтсизлигининг сабабчиларидир. Шунинг учун уларга ва улар асосланган ҳазоратга чек қўйиш лозим.</p>		
<p><b>Гардиан: Миллиардер Руперт Мёрдокка қарашли оммавий ахборот воситалари Трампга қарши чиқди</b></p>		
<p>Жо Байденнинг сайловда ғалаба қозонганлиги расман эълон қилинишидан олдин Руперт Мёрдокка қарашли кўплаб консерватив ахборот воситалари президент Трампга қарши кампания бошлаган. Бу ҳақда Британияда чиқадиған «Гардиан»</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>газетаси хабар қилди. Газетага кўра, консерватив ахборот воситаларидаги янги хабарлар табиий шаклда эмас, балки режалаштирилган тарзда берилган бўлиб, Трампни силлиқлик билан ҳокимиятни топширишга ва шу орқали ўз «мероси»ни сақлаб қолишга чақирган. Бундан ташқари, бу хабарлар Трамп «иштиёқ» билан кузатадиган Фокс Ньюс, Уолт Стрит Журнал ва Нью-Йорк Пост газеталарида ҳам чоп этилган. «Гардиан»нинг ёзишича, Трампга яқин ҳисобланган Фокс Ньюс бошловчиларидан бири Лора Ингрэм кўринишидан тамоида бошқача оҳангда гапириб, президент Трамп мағлубият остонасида эканини айтган. Лора ўз сўзини шахсан Трампга қарата айтаётгандек бошлаб, унга мағлубиятни тан олишни, ўз меросини сақлаб қолишни ва мамлакатнинг юксалишига ёрдам беришни насиҳат қилган. «Уолт стрит журнал» газетаси ҳам худди шу хабарларга ўхшаш «Президентлик ўйинининг ниҳояси» номли мақола чоп этди. Сайловлардан олдин Жо Байден ва унинг ўғли Хантерга қарши шиддатли ҳужумлар уюштириш воситаси бўлган «Нью-Йорк Пост» газетаси ўзининг биринчи саҳифасида демократлар номзодининг ғалабасини эълон қилди. «Нью-Йорк Таймс» газетаси «Нью-Йорк Пост»даги исми номаълум мухбирлардан келтиришича, газетадаги катта муҳаррирлар айрим мухбирларга бу ҳафтада Трампни ёритишда унга нисбатан қаттиққўл бўлишни уқтирган. Нью-Йорк Таймс қуйидагича изоҳ берди: «пайшанба куни кутилмаган ўзгариш билан Таблоид газетаси ўз эгаси Руперт Мёрдокнинг бутунлай бошқача оҳангдаги икки мақоласини чоп этди. Улардан бири Президентни сиёсий рақиблар сайловларни ўғирлашга уринаётгани тўғрисида асоссиз даъво тақдим этганликда айблади. Яна бири эса, ўзининг бош сарлавҳасида кичик Дональд Трампни тушунарсиз твит муаллифи ва ваҳимага тушиб қолган киши сифатида тасвирлаган.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Бундан ажабланмаса ҳам бўлади, чунки яҳудийларнинг характери ўзи шунақа. Макр, ҳийла, аҳдига вафо қилмаслик, келишувларга риоя қилмаслик уларнинг қон-қонига сингиб кетган... Медиа империя эгаси Мёрдокнинг позицияси ҳам сайлов натижаларидан бир оз олдин, яъни натижалар деярли маълум бўлиб қолгач ўзгаргани кўриниб турибди.</p>		
<p><b>Макроннинг баёнотларига қарши Францияни, унинг тили ва маҳсулотларини бойкот қилиш ажойиб тарзда кечди</b></p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«Қудсул арабий» газетасида ёзилишича, Макроннинг «Ислом инқирози ва узлатдаги Ислом» номли баёнотига қарши кишилар Франция, унинг тили ва маҳсулотларини бойкот қилиш ҳақида турли фикрларни билдиришган. Масалан, Сенегалда собиқ сақофат вазири, кўзга кўринган франкофоник ёзувчи Аҳмад Теджан Вон сўнги йилларда Франция ҳукумати тақдим этган барча шараф медалларини қайтариб берди. У айтади: «Макроннинг бағрикенглик дини бўлган Ислом ҳақида берган баёнотидан кейин бу медаллар мен учун шараф эмас». У ўз сўзида давом этар экан: «Мен учун Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺнинг шаънини ҳимоя қилиш Франциянинг вақтинчалик имтиёзи билан фахрланишдан афзалдир. Чунки мен мусулмонман ва доим Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Росулulloҳни такрорлайман» деди. Вон яна: «Франция шуни яхши билиб қўйсинки, мен Африкалик қора танли мусулмонман ва мен олам бўйлаб икки миллиардга яқин биродарларим билан биргаман. Мен ҳар кун юзимни беш марта улуғ Каъба томон бураман. Мен бунда имонимни ва Аллоҳга қилаётган ибодатимни Аллоҳнинг Пайғамбари Муҳаммад ﷺ етказган таълим орқали исботлайман», деди. У ўз сўзида давом этиб бундай деди: «Эй французлар сизлар бизни қоқ одамлар деб ҳисоблайсизлар, мен сизлар ҳақингиздаги қарашларимизни айтмайман. Лекин мен шуни таъкид билан айтаманки, динимизнинг шиори диний бағрикенгликдир ва у Аллоҳ ер юзига юборган охиригини диндир». Теджан Вон Франция президенти Эммануэл Макронга юборган мактубида бундай деб қўшимча қилди: «Болаларга расмларни кўрсатган Самюэл Пати билан медални баҳам кўриш мен учун шараф эмас. Бунинг чуқур ва муқаддас сабаблари бор». Вон бунда Макронни «тентакларни қаҳрамонларга айлантиришга уриниш»да айблади.</p> <p>Мавританияда ҳам бойкот қилиш давом этмоқда. Парламент аъзоси Муҳаммад Буйи Валадишайх Муҳаммадфозил Мавритания ишлаб чиқариш секторини ривожлантириш ва иқтисодий ишлари бўйича вазири Кон Мамду Усмоннинг депутатлар ҳузурида французча сўзлаганига қарши парламент мажлисини тўхтатиб қўйди. Депутат парламентда мустамлакачи ва Исломни ёмон отлик қилаётганларнинг сўзига чидай олмаслигини айтди... «Биргаликда коррупцияга қарши кураш» кампанияси раиси Муҳаммад Амин Фозил Француз тилидан воз кечишни</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>талаб қилиб бундай деди: «Мавританияда Француз тилининг расмий тил бўлиб қолишида ҳеч қандай маъно йўқ. Бунга бизни на конституция на Франциянинг мустамлакачи ўтмиши ва ҳозир ва на динимизга нисбатан тутаётган ёвуз позициялари мажбурлай олади»... Булардан ташқари, Мавритания пойтахти Нуакшотлик ёшлар янги ўқув йили бошланиши билан мавританияликларнинг Францияда ишлаб чиқарилган ўқув қуролларини сотиб олишига қарши кампанияларини давом эттиришмоқда. Сенегал ва Мавританияда аёллар Францияда ишлаб чиқарилган макияж маҳсулотлари ва атирларидан фойдалангани сабабли турли оилавий низолар қайд этилган. Чунки уларнинг эрлари аёлларининг ўша маҳсулотлардан фойдаланишига қарши чиқишган. Мавританиянинг аксар дорихоналари пештахталарида эса, Францияда ишлаб чиқарилган дорилар йўқолиб қолган. Бойкот кампанияси шу даражага етиб борганки, унда фаоллар дўконлар, дорихоналар, бозорлар ва масжидларнинг эшигига Франция маҳсулотларига қарши огоҳлантириш маълумотларини ёпиштириб қўйишган.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Албатта бу Уммат ўз дини билан тирикдир. Бу каби бойкот қилишлар амалга оширилиши яхши ва лозим иш. Лекин ундан ҳам афзалроқ ва Аллоҳ ҳузуридаги жавобгарликни соқит қиладиган нарса Франциянинг ҳукмдорлардан иборат маҳсулотларига чек қўйиш ва ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини барпо этишдир. Чунки Ислому ва мусулмонлар ўша ҳукм билан азиз бўлади, кўфр ва унинг аҳли эса хор бўлади. □</p>		

## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿عَمَّنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿285﴾ لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن دُسِينَا أَوْ أخطَانَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَأَعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

**«285. Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага имон келтирди ва мўминлар (ҳам имон келтирдилар). Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига имон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирор кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат ўзингга кайтажамиз», дедилар. 286. Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг буйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсақ, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! ўзинг хошамизсан! Бас, бу кофир қавм устига ўзинг бизни ғолиб қил!»** [Бақара 285-286]

(عَمَّنَ الرَّسُولُ) Пайғамбар имон келтирди) Яъни, қатъий тасдиқлади ва аниқ ишонди.

Абу Авона ўзининг «Муснад»ида Ибн Аббос رضي الله عنه дан ривоят қилади: «мана бу

﴿عَمَّنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ﴾

(Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага имон келтирди) оят нозил бўлгач, уни Пайғамбар ﷺ

ўқиётиб, Парвардигоро, Сендан мағфират сўраймиз, деган жойига борганларида Аллоҳ Таоло, сени мағфират қилдим, деди».

(بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْهِ مِنَ رَبِّهِ) **ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага**) Яъни, Қуръони Карим.

(وَالْمُؤْمِنُونَ) **ва мўминлар** (ҳам имон келтирдилар)) Пайғамбар ﷺ га атф қилиняпти.

(كُلِّ ءَامَنَ) **имон келтирган ҳар бир киши**) яъни, улардан ҳар бири. Бу оят шунга далолат қиляптики, имон жамоий бўлмайди, улардан ҳар бирига алоҳида тегишли бўлади. Шунинг учун оятдаги имон келтириш феъли кўпликда эмас, бирликда келяпти. Аллоҳ Таоло замирни муфрад келтириб, (ءَامَنَ) деяпти. Чунки имон улардан ҳар бирига алоҳида тегишлидир.

(وَالْمُؤْمِنُونَ)нинг (الرَّسُولُ)га атф қилиниши (وَالْمُؤْمِنُونَ) мубтадо, яъни, вов истеънофия (янги гап бошлаш), деган гапдан кўра рожиҳроқ. Негаки, Пайғамбар ﷺнинг нозил бўлган нарсага – Қуръонга имон келтиришлари асл бўлиб, мўминлар у кишига тобедирлар, яъни, Пайғамбар ﷺнинг даъватлари билан улар ҳам имон келтирганлар. Пайғамбар ﷺга Қуръоннинг ваҳи қилиниши мўминларнинг Қуръонга имон келтиришларидан олдинги ишдир. Лекин агар вов истеънофия бўлса, маъно мана бундай бўлиб қолади: (ءَامَنَ الرَّسُولُ).

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَامَنَ﴾

Пайғамбар ﷺнинг имонлари ҳақида жумлайи феълийя билан, мўминларнинг имонлари ҳақида эса жумлайи исмийя билан хабар бериб қолинарди. Жумлайи исмийя ифода жиҳатидан жумлайи феълийядан кучлилигини эътиборга оладиган бўлсак, бу гап Қуръон олдин Пайғамбар ﷺга нозил бўлиб, кейин унга саҳобалар имон келтирилганларига тўғри келмай қолади. Шунинг учун (رَبِّهِ)дан кейин тўхтагандан кўра, (وَالْمُؤْمِنُونَ)дан кейин тўхташ (вақф қилиш) рожиҳроқ.

(كُلِّ ءَامَنَ) **имон келтирган ҳар бир киши**) Мубтадо ва хабардан ташкил топган янги гап. (كُلِّ) (وَالْمُؤْمِنُونَ)га таъкид бўлмайди. Чунки бу сўз ўзи таъкидлаб келаётган сўзга изофа қилингандагина таъкид бўлади. Бу ерда эса ундай эмас. Шунинг учун бу жумла айтиб ўтганимиздек, мубтадо ва хабардан ташкил топган янги гап (жумлайи истеънофийя) бўлади.

(سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا) **Эшитдик ва итоат этдик**) яъни, қулоқ солдилар (хўп, дедилар). Олдин қулоқ солиниб, кейин итоат этилгани учун қулоқ солиш итоат эйтишдан олдин келяпти.

(عَفْرَانِكَ رَبَّنَا) **Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз**) яъни, мағфират қил. Ғуфрон сўзи масдар бўлиб, мағъулун мутлақ ўрнида келяпти, яъни, ўзининг феълидан ноиб бўляпти.

(وَالَيْكَ الْمَصِيرُ) **Ва фақат Ўзингга қайтажамиз**) яъни, ўлим ва қайта тирилиш билан қайтиш.

3 – Бақара сурасининг якунида ўша мўминлар фараж, деб номлаган маъно мавжуд. Аллоҳ Таоло фақат очиқ қилинган ишлар ва айтилган сўзлардангина ҳисоб олади. Очиқ қилинмасдан кўнгилдан ўтган ўйларни эса кечиради.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ва мўминлар тилидан сўзлатиб, Аллоҳдан унутиб ва билмасдан қилган ишларимиз учун бизни азобламаслигини, бизга оғирлик қиладиган ишларни юкламаслигини, тоқатимиз кўтармайдиган ишларни буюрмаслигини, бизни Ўз афви ва мағфирати ила ўраб, кофирлар устидан ғолиб этишини сўраттиряпти. Ундан кейин эса Аллоҳнинг Пайғамбар ﷺ ва мўминлар қилган дуоларни ижобат қилиши хурсандлиги турибди. Аллоҳ Мағфиратли, Раҳмли, Саховатли Зотдир.

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

(**Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди**) яъни, Аллоҳ фақат қўлдан келадиган ишларга буюради. Қўлдан келиш тоқатнинг охири чегарасигача бориш эмас. Аллоҳ Таоло бизга буюрган намоз, рўза каби амаллар учун тоқатимизнинг охири палласигача сарфлашимиз шарт эмас. Биз бундай амалларни бизга буюрилганидан ҳам кўпроқ қилиб бажара оламиз. Лекин Аллоҳ бизга тоқатимизнинг охири нуқтасигача кетадиган амалларни эмас, қўлимиздан келадиган амалларни буюрди.

(لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ) (**ҳар кимнинг қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир**) яъни, очиқ қилинган ишлар учун ҳисоб олади. Яхши бўлса, мукофот, ёмон бўлса, жазо беради. (Кўнгилдан ўтган ўйларни эса кечиради).

Ибн Жарир Ибн Аббос رضي الله عنه дан ривоят қилади:

﴿لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ﴾

((**ҳар кимнинг қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир**). Қўл, тил ва оёқ амали.

Бу оят мусулмонлар учун фараж бўлди. Чунки Аллоҳ Таоло уларнинг дилларидан ўтадиган ўйларни кечирди. Зеро, Аллоҳ уларга фақат қўлларидан келадиган ишларнигина буюрди. Уларни фақат ташқи амалларидангина ҳисоб олади. Дилларидаги шаръий ҳукмларга алоқадор бўлган ўйларни кечирди. Эътиқод эса қатъий тасдиқ бўлиб, унинг ўрни қалбдир. Агар унга шак-шубҳа аралашса, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳисоб олинади ва жазо берилади. Ақидадан бошқа шаръий ҳукмларга алоқадор ишларда эса Аллоҳ дилдан ўтадиган ўйларни кечирди.

﴿لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ﴾

((Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир).

Юқорида айтиб ўтганимиздек,

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ﴾

(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир), ояти Аллоҳ Таолонинг

﴿وَإِنْ تُبَدُّوْا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوْهُ يُحَاسِبِكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

«Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади»

[Бақара 284]

деган оятини насх қилади. (لَهَا مَا كَسَبَتْ) Яъни, қилган яхши амали ўзининг фойдасига.

(وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ) яъни, қилган ёмон амали ўзининг зарарига.

Оятда яхшиликка нисбатан касб сўзи, ёмонликка нисбатан эса иктисоб сўзи хосланяпти (қўлланяпти). Бунинг ўзига хос мазмуни бор: Ифтиол бобидаги иктисоб сўзи қаттиқ берилиш маъносини ифодалайди. Ёмонлик шаҳватларга, истак-хоҳишларга алоқадор бўлгани учун нафс унга қаттиқроқ интилади. Эзгуликка эса у қадар интилмайди. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«خُفَّتِ الْجَنَّةُ بِالْمَكَارِهِ وَخُفَّتِ النَّارُ بِالشَّهَوَاتِ»

«Жаннат ёқимсиз ишлар билан, дўзах эса шаҳватлар (кўнгилга ёқадиган ишлар) билан ўралган».<sup>1</sup>

(<sup>1</sup>) Муслим: 5049. Термизий: 2482. Аҳмад: 7216. 8587, 12101, 13177, 13519. Дорамий: 2720. Бухорийнинг ривоятида мана бундай келган: ( **حجبت النار** ) **6006**. ( **بالشهوات وحجبت الجنة بالمكاره** )



﴿رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إَصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَاعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

**(286. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хошамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!).** Бу Аллоҳ Таолонинг Пайғамбар ﷺ ва мўминларни эъзозлашидир. Яъни, У Зот бизга бир дуони ўргатди. Унда биз Аллоҳ Таолога тазарру айлаб, мағфират, раҳмат ва нусрат сўраймиз. Буюклик ва саховат соҳиби бўлган Аллоҳ Эшитгувчи, Ижобат Қилгувчи, Мағфиратли, Раҳмли Зотдир.

Имом Аҳмад Абу Ҳурайра رضي الله عنه дан ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ га  
﴿لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِنْ تُبَدُّوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخَفُّوهُ يَحْسِبِكُمْ بِهِ اللَّهُ فَيَغْفِرُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

**«Самовот ва ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир»** [Бақара 284]

оятни нозил бўлганда Пайғамбар ﷺ нинг саҳобаларига жуда оғирлик қилди.... Шундай қилишгач, Аллоҳ Таоло уни Ўзининг

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ﴾

**(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди),** деган гапи билан насх қилди.

Муслим ривоят қилади: «Улар шундай қилишгач, Аллоҳ Таоло уни насх қилди. Улуғ ва Буюк Аллоҳ

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا﴾

**(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!)** оятини нозил қилди. У Зот хўп, деди.

﴿رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِمْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا﴾

(**Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама!**) У Зот хўп, деди.

﴿رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ﴾

(**Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!**) У Зот хўп, деди.

﴿وَأَعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَأَرْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

(**Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!**) У Зот хўп, деди». Яна бир ривоятда У Зот, қилдим, деди.<sup>1</sup>

Бу Аллоҳнинг фазлидир. У Зот бизга нима деб дуо қилишни ўргатди ва Ўзининг ижобат қилиши ҳақидаги суюнчли хабарни берди. «**Хўп, деди ёки қилдим, деди**». Яъни, ижобат қилдим.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا﴾

(**Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!**) Бу унутиб ёки билмасдан қилинган ишлар учун жазоламаслигини сўраб, Аллоҳга тазарру қилиш.

Мана шундан кўриниб турибдики, оятдаги унутиш ва хато қилиш оқибати гуноҳ бўладиган амаллардир. Аллоҳга

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا﴾

(**Парвардигоро, бизни азобингга гирифтор айлама!**), деб дуо қилинаётгани шуни кўрсатади. Яъни, бу ердаги унутиш ва хато қилиш Пайғамбар ﷺнинг мана бу ҳадисларидаги унутиш ва хато қилиш эмас:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَضَعَ عَن أُمَّتِي الْخَطَأَ، وَالتَّسْيَانَ، وَمَا اسْتَكْرَهُوا عَلَيْهِ﴾

«**Аллоҳ Умматимдан билмасдан қилинган, унутиб қилинган ва мажбурланиб қилинган (амалларнинг гуноҳи)ни олиб ташлади**».<sup>2</sup> Бу ҳадисни Ибн Можа чиқарган. Ҳадисда бу ишлар учун жазо тайинланмаслиги кўрсатилляпти. Хўш, бу қандай юз беради? □

(1) Муслим: 179. Аҳмад: 1/332.

(2) Ибн Ҳиббон: 16/202. Ҳоким бу ҳадис саҳиҳ деган. Ибн Можа: 2043.

## **РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ НИНГ ПАЙҒАМБАРЛИК ДАВРИ ОЛДИНГИ ПАЙҒАМБАРЛАР ДАВРИДАН ОҒИР ЭДИ**

Жубайр ибн Нуфайр отасидан шундай ривоят қилади: Бир куни Миқдод ибн Асвад билан ўтирган эдик, у ердан бир киши ўтиб кетаётиб бундай деди: «Расулulloҳ ﷺ ни кўрган ушбу икки кўзга тубо жаннати бўлсин. Аллоҳга қасамки, биз сен кўрган нарсани кўришни ва сен гувоҳи бўлган нарсанинг гувоҳи бўлишни хоҳлар эдик». Шунда мен ажабланиб, у фақат яхшиликни айтди, дедим. Сўнг Миқдод унга қарата бундай деди: «Сизни Аллоҳ Азза ва Жалла яширган кўринишни орзу қилишга нима мажбурламоқда. Ахир ўша ҳолатга тушиб қолсангиз нима бўлишини билмайсиз-ку. Расулulloҳ ﷺ даврида у кишига ишонмаган ва тасдиқламаган одамлар яшади. Аллоҳ Азза ва Жалла уларни бурунлари билан жаҳаннамга ташлади. Ахир Аллоҳ Азза ва Жалла сизларни зулматдан чиқарди, Роббингиздан бошқасини билмайсиз ва Пайғамбарингиз олиб келган нарсани тасдиқлайсиз. Бошқаларга етган бало сизларга кифоя қилмайдими? Аллоҳга қасамки! Расулulloҳ ﷺ олдинги пайғамбарлар шароитидан оғирроқ шароитда, яъни бутларга ибодат қилишдан бошқа яхшироқ динни билмайдиган жоҳилият замонида юборилдилар. У Зот ҳақ билан ботил ва ота билан боланинг ўртасини ажратадиган Фурқонни олиб келдилар. Ҳатто қалбини Аллоҳ имон билан очиб қўйган инсон отаси, боласи ёки ака-укасини кофир бўлганини кўриб, агар улардан бири вафот этса дўзахга тушувчилардан бўлишини билди. Шунинг учун у суюкли кишиси дўзахда бўлишини билиб шод-хуррам бўлмади. Аллоҳ Таоло Фурқон сурасида бундай кишилар тилидан бундай дейди:

﴿رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ﴾

**«Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти  
ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-  
хуррамлик ҳадея этгин»** [Фурқон 74]

Абу Нуайм Ҳиля китобида, Табароний Яҳё ибн Солиҳдан ривоят қилган. Заҳабий уни ишончли деган ва уни ривоят қилган кишилар саҳиҳ ровийлардир.

– Анас رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтади:

«لَقَدْ أُذِيتُ فِي اللَّهِ وَمَا يُؤْذَى أَحَدٌ، وَأُخِفْتُ فِي اللَّهِ وَمَا يُخَافُ أَحَدٌ، وَلَقَدْ أَتَتْ عَلَيَّ

ثَلَاثُونَ مِنْ بَيْنِ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ وَمَا لِي وَلِبَلَالٍ طَعَامٌ يَأْكُلُهُ ذُو كَبِدٍ، إِلَّا شَيْءٌ يُورِيهِ إِبْطُ بِلَالٍ»

**«Дарҳақиқат мен Аллоҳ йўлида бошқаси чекмаган озорларни чекдим бошқаси кўрмаган даҳшатларни кўрдим. Мен ва Билол уч кечаю уч кундузни тирик мавжудот ейдиган таомсиз ўтказдик. Бизда Билол қўлтиғи остига яшириб олган (яъни жуда ҳам оз) нарсдан бошқа егулик йўқ эди».** Аҳмад ва Ибн Ҳиббон Саҳиҳ китобларида ривоят қилишган. Термизий ҳасан ва саҳиҳ ҳадис деган.

– Уқайл ибн Абу Толиб айтади: Қурайш Абу Толиб олдига келиб: Эй Абу Толиб, жиянинг бизнинг ҳовлиларимиз ва мажлисларимизга келиб, бизга озор берадиган гапларни айтмоқда, агар кучинг етса, уни тийиб қўй, дейишди. Шунда отам: Менга амакингни чақир, деди. Мен У Зотни Абу Толибнинг кичкина уйларининг биридан топдим. Абу Толиб у зотга: Эй жияним, Аллоҳга қасамки, мен сени менга итоат қилади, деб билмайман. Дарҳақиқат қавминг келиб, сени уларнинг каъбаси ва мажлисига бориб, уларга озор берадиган нарсани айтаётганингни даъво қилишмоқда. Агар хоҳласанг бу ишингни тўхтат – деди. Шунда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم самога қараб:

«وَاللَّهِ مَا أَنَا بِأَقْدَرُ أَنْ أَدَعَ بَعْثْتُ بِهِ مِنْ أَنْ يُشْعَلَ أَحَدُكُمْ مِنْ هَذِهِ الشَّمْسِ شُعْلَةً مِنْ نَارٍ»

**«Аллоҳга қасамки, сизлар қуёшнинг бир шуъласини алангалата олмаганингиз каби мен ҳам ўзим у учун юборилган нарсани ташлай олмайман»**, дедилар. Шунда Абу Толиб: Аллоҳга қасамки, жияним ҳеч қачон ёлғон гапирмаган, ортингизга қайтинг, деди. Табароний ва Абу Яъло ривояти, Абу Яълонинг ривоят қилувчилари саҳиҳдир.

– Байҳақийнинг ривоятига кўра, Абу Толиб Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم га: «Эй жияним, қавминг олдимга келиб, менга шундай бундай дейишди. Менга ҳам ўзингга ҳам раҳм қил. Тоқатим етмайдиган ишларни менга юклама», деди. Шунда Росулulloҳ «амаким мени ёрдамсиз қолдириб, мушрикларга

ташлаб қўяр ва менга ёрдам кўрсатишга заифлик қилар эканда», деган хаёлга бордилар. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«يَا عَمَّ، لَوْ وُضِعَتِ الشَّمْسُ فِي يَمِينِي، وَالْقَمَرُ فِي يَسَارِي، مَا تَرَكْتُ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّى

يُظَهِّرَهُ اللَّهُ أَوْ أَهْلِكَ فِي طَلْبِهِ»

**«Эй амаки! Аллоҳга қасамки, бу ишдан воз кечишим эвазига қуёшни ўнг қўлимга, ойна эса чап қўлимга қўйсалар ҳам, токи Аллоҳ бу ишни ғолиб қилмагунича ёки бу йўлда ўлгунимгача ундан воз кечмайман»**, деб йиғлаб юбордилар. Ўринларидан туриб кетаётганларида, Росулulloҳ ﷺ га етган нарсани кўриб, Абу Толиб айтди: «Эй жияним, менга қара». Росулulloҳ ﷺ унга юзланган эдилар: «Эй биродаримнинг ўғли, бориб истаганингни гапиравер, Аллоҳга қасамки, сени ҳеч нарса эвазига бериб қўймайман», деди.

– Ҳофиз Абул Фараж ибн Жавзий саҳиҳ иснод билан Саълаба ибн Саир ва Ҳақим ибн Ҳизомдан ривоят қилишича у иккиси айтади: Абу Толиб ва Хадичанинг вафот этиши (иккисининг вафоти орасида бир ой ва беш кун ўтган эди) Росулulloҳ ﷺ учун қўшалoқ мусибат бўлди. Натижада, Росулulloҳ ﷺ уйдан кам чиқадиган бўлиб қолдилар. Шунда Қурайш У Зотга олдин бермаган озорларни берди. Бу хабар Абу Лаҳабга етиб боргач, Росулulloҳ ﷺ олдига келиб бундай деди: Эй Муҳаммад, нима хоҳласанг шуни қил, Абу Толиб тириклигида қила олмаган ишларингни қилавер. Лотга қасамки, мен ўлгунимча сенга зарар етмайди. Бир куни ибн Ҳайтала Росулulloҳни сўккан эди Абу Лаҳаб унга йўлиқиб, жазолади. У эса, эй Қурайш жамоаси Абу Утба динидан қайтди дея қичқирганча қочди. Шунда Қурайш Абу Лаҳаб олдига келган эди, у: мен Абдулмутталибнинг динидан қайтганим йўқ, лекин мен жиянимни таҳқирлашларидан ҳимоя қилипман, токи у хоҳлаган ишини қилсин деди. Қурайш эса, яхши ва чиройли иш қилдинг ва қариндошчиликни ҳам унутмадинг, дейишди. Росулulloҳ шундай ҳолда бир неча кун турди ва Қурайшдан бирор киши у кишига қаршилиқ қила олмади. Қурайш Уқба ибн Абу Муайт ва Абу Жаҳл Абу Лаҳабга йўлиққунига қадар ундан кўрқиб туришди. У иккиси келиб, унга: Жиянингдан отангнинг борадиган жойи қаердалигини сўра дейишди. Абу Лаҳаб Росулulloҳдан шу

хақида сўраган эди, У Зот «Ўз қавми билан бирга бўлади», деди. Абу Лаҳаб у иккисига чиқиб: Ундан сўраган эдим, ўз қавми билан бирга деб жавоб берди, деб айтди. Улар: У отанг дўзахда демоқчими? – дейишди. Шунда Абу Лаҳаб: Эй Мухаммад Абдулмутталиб дўзахдами? – деб сўраган эди, Росулulloҳ ﷺ:

«وَمَنْ مَاتَ عَلَى مَا مَاتَ عَلَيْهِ عَبْدُ الْمُطَّلِبِ دَخَلَ النَّارَ»

**«Кимки Абдулмутталиб динида ўлса дўзахга киради»,** дедилар. Шунда Абу Лаҳаб (унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин), Аллоҳга қасамки, модомики сен Абдулмутталиб дўзахда деб ҳисоблар экансан, бугундан бошлаб мен сенга абадий душман бўламан, деди. Шундай қилиб, Абу Лаҳаб ва Қурайшнинг Росулulloҳга бўлган ғзаби янада ортди.

– Абдуллоҳ ибн Жаъфар Абу Толиб вафотидан кейин Росулulloҳ ﷺ йўлиққан озорлар ҳақида бундай дейди: Абу Толиб вафот этгач, Қурайшнинг аҳмоқлари Росулulloҳга йўлиқиб, устидан тупроқ сочишди. Росулulloҳ ﷺ уйга қайтгач, қизларидан бири йиғлаган ҳолда юзидаги тупроқни артди. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«يَا بُنَيَّةُ! لَا تَبْكِي، فَإِنَّ اللَّهَ مَانِعُ أَبِيكَ»

**«Қизалоғим, йиғламанг. Албатта Аллоҳ отангизни ҳимоя қилади»,** дедилар. Росулulloҳ ﷺ яна айтдилар:

«مَا نَأَلْتُ مِنِّي فَرِيْشٌ شَيْئًا أَكْرَهُهُ حَتَّى مَاتَ أَبُو طَالِبٍ»

**«Абу Толиб вафот этмагунича Қурайш менга озор етказа олмаган эди».** Байҳақий ривояти.

Абу Ҳурайра айтади: Абу Толиб вафот этгач, Қурайш Пайғамбаримиз ﷺ га хўмрайиб боқадиган бўлди. Шунда У Зот:

**«Эй амаки! Сизни йўқотганимни дарҳол ҳис қилдим»,** деганлар. Абу Нуайм Ҳилия китобида ривоят қилган. □

## САУДИЯ УЗОҚ ЙИЛЛИК ИСЛОМИЙ САҶОФИЙ ТАРИХНИ ЎЧИРИШГА ВА УНИ УЗИЛГАН МИЛЛИЙ ТАРИХГА АЛМАШТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА

Тарихчи ва ёзувчи аёл Рўзи Башир «Архивлар уруши: Саудия Арабистонидаги тарихий сиёсат» номли китоб ёзди. Ёзувчи бу китобда 1932 йили таъсис этилган Саудия Арабистони систематик равишда қўллаб келган услуб ҳақида ёзади. Унга кўра, бу давлат ушбу минтақа тарихи борасидаги ўзига ёқмаган ҳикояларнинг ўқув дастурларига киритилишига ҳамда музейлар ва архивлардан жой олишига йўл қўймай келган. Бу услубларни қўллаш орқали ўзи истаган суратга мос келмаган барча нарсаларни, айниқса, Усмоний давлатнинг тарихий меросига ёки асл келиб чиқиши араб бўлмаган, Жанубий Осиё ва Индонезиядан келган муфаккир ва фаолларга тегишли бўлган нарсаларни ўзидан нари қилмоқда. Бунга Жанубий Осиё ва Индонезиядан келиб, ҳаётнинг ижтимоий, сақофий жиҳатларига таъсир ўтказган муфаккир ва фаолларга Савлатийя мадрасаси ва ундан бошқа мадрасалар битирувчиларини мисол қилиш мумкин. Ёзувчи Саудия, шу жумладан Маккаи Мукаррама ва Ҳижоз минтақасининг бой сақофий тарихидаги бузилган жиҳатлар ҳақида ҳам гапириб ўтган. Китобда ёзилишича, ушбу давлат (1990-1991) йиллар бўлиб ўтган Кўрфаз урушидан кейинги Сауд оиласи тарихини ёзиш, архивлаштириш, абадийлаштириш ва дунёвийлаштириб ёзишга қаттиқ уринган. Шунингдек, давлат музейлар, архив марказлари ва тарихий жойларни ўз ичига олган мерос индустриясини барпо этиш учун миллиардлаб долларларни сарфлаган. Мамлакат тарихининг расмий талқинига зид келадиган тарихий жойлар вайрон қилинган ёки эътиборсиз ташлаб қўйилган. Ёзувчининг таъкидлашича, жорий минг йилликнинг биринчи ўн йиллигида Макканинг марказидаги тарихий ва муқаддас жойлар зудлик билан бузиб юборилган. Шунингдек, унинг минг йиллик тарихга эга бўлган жойлари темир ва шишадан иборат осмонўпар биноларга алмаштирилган. Ушбу ўн йиллик охирига келиб шаҳар маркази деярли қурилиш майдонига айланиб қолган.

Масжид атрофига эса, турли мақсадда ишлатиладиган ўнлаб бинолар қурилиши бошланган. Кранлар Ислом бешиги бўлмиш ушбу даргоҳ осмонини тўсиб қолган, бир вақтда тутунли туман Масжидул Ҳаромни ўраб олган. Қурилиш майдонлари ва қазиб учун мўлжалланган оғир техника шаҳарнинг умумий кўринишига айланган. Чидаб бўлмас шовқин-суронлар ва ахлатларни айтмаса ҳам бўлади. Шаҳарнинг жанубий тарафида эса, майдони уч квадрат километр келадиган чуқур қазиб қўйилган бўлиб, яқинда у ерга Шом лойиҳаси қурилар эмиш. Аслини олганда бу жой Умар тоғи лойиҳаси яқинидаги Султия мадрасаси жойлашган ер эди. Бу ишлар исломий тарихни ўчириш ҳамда Сауд оиласининг Риёз шаҳридаги тарихи ва меросини сақлаб қолиш учун зўр бериб ҳаракат қилинмоқда.

**Ал-Ваъй:** Сауд оиласи ҳукмдорлари араб уқолини (араблар бош кийими) Ислом либосини кийиб олган илмонийлардир. Уларнинг ёшу қариси шубҳали шахслардир, уларни шайтоннинг шоҳи деса бўлади. Уларни гувоҳлар олдида шарманда қиладиган кунлар келди... Лекин Сауд оиласи қўлидаги бошқарув сиёсатига рози бўлган, уларга итоат қилган ҳамда фақат ҳақиқатни гапириш борасида Аллоҳга берган ваъдаларини унутган ва Сауд оиласи билан бирга қулайдиган уламоларга ачинамиз... Ёвузликни даф этиш ва яхшиликка эришиш қуввати фақат Аллоҳдандир. □

## МАЗОВИ РОШИД: ИБН САЛМОН САРОЙ ИЧИДА ЎЛДИРИЛИШИДАН КЎРҚАДИ

Британияда яшовчи саудиялик мухолафатчи профессор Мазови Рашид асл келиб чиқиши (Исроил)дан бўлган америкалик миллиардер Хаим Сабаннинг Муҳаммад ибн Салмон ҳақида илгари сурган даъволарига оидинлик киритган мақола ёзди. Хаим Сабан «Саудия валиаҳди Муҳаммад ибн Салмон Эрон ёки Қатар ёки ўзининг халқи уни ўлдириши мумкинлигидан кўрқиб (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштиришни тезлаштиришга иккиланмоқда», дея даъво қилади. Профессор ўз мақоласида таҳдид манбаи мазкур уч тарафдан бўлаётганини рад этиб, ибн Салмоннинг хавотирлари сарой ичидан келиб чиқаётганини таъкидлайди.

Мақола муаллифи (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш хусусида бундай дейди: «Фаластин масаласи қироллик оиласи аъзолари ўртасидаги ички келишмовчилик даражасига кўтарилмаган. Риёзнинг муносабатларни нормаллаштиришни очиқ эълон қилиши улар учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Муҳаммад ибн Салмон (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштиришдан катта фойда кўради. Бунда (Исроил) байроғи Риёз осмонида ҳилпираб туришига олиб борадиган ошкора алоқалар бўлиши шарт эмас. Чунки ўз нуфузидан фойдаланиб кўплаб араб юртларини жалб қилиш ва уларни (Исроил) атрофига бирлаштириш учун молиявий ёрдамлар беришга ваъда қилиш орқали парда ортидан иш қилиши мумкин. Шунингдек, вазият кескин нуқтага етиб боришидан олдин медиа муассасаларидан фойдаланиб, араб жамоатчилигининг Фаластинни қўллаб-қувватлашларига путур етказиши ҳам мумкин. Шунда Саудия давлатининг (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириши воқеий ишга айланади. Бундай ҳолатда ҳаёти ҳам хавф остида қолмайди ва бу билан Саудия режимининг қонунийлигига ҳам зарар етмайди». Профессорнинг айтишича, Саудиядаги кўпчилик одамларнинг (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштиришга қаршилиқ кўрсатиши табиий. Лекин уларга секин аста ишлов берилади ва натижада улар ҳам муносабатларни нормаллаштиришга рози бўлишади. Профессор яна бундай дейди: Ҳақиқат шуки, албатта Муҳаммад ибн Салмон кўпроқ ўз саройи ичида ўлдирилишидан кўрқади. Унга нисбатан энг ёмон сценарий шундан иборатки, у ҳукмрон оиланинг бирдамлигини вайрон қилган ва ўзига рақиб бўлган бир гуруҳ шаҳзодаларни ҳақорат қилган қирол бўлиб қолади. Чунки Саудия халқи тарихда бирор марта ҳам қироллик оиласи аъзоларига суиқасд қилмаган. Ўн тўққизинчи асрдан бери мамлакат ичкарисидаги барча суиқасдлар Сауд оиласи аъзолари томонидан амалга оширилган.

Профессорнинг айтишича, энг сўнгги қотиллик жинояти 1975 йили юз берган бўлиб, унинг қурбони қирол Файсал бўлди. Унга ўз акасининг ўғли ўқ узди. Қироллик оиласи ичкарисидаги бундай қотилликларга содда қилиб айтганда ўч олиш, хиёнат ёки ҳокимият таллашиш сабаб бўлади. Муҳаммад ибн Салмонга нисбатан шундай ишлар бўлиши мумкин. Лекин ҳозиргача шаҳзодалар орасидан Муҳаммад ибн Салмон оилага хатар туғдиради деб ҳисоблайдигани чиқмади. Агар шу иш рўй берадиган бўлса, хавотир кучаяди. Лекин унинг оила аъзолари у қирол бўлган кунда сабри тугайди. □